

460
461

Үттіз түккізинчі йил чиқиши
Жумодулаввал-жумодулохир 1446х
январ 2025м



Al-Bayan

Кеңг күламлы,
фикарий, сақоғий журнал

Араб давлатларининг (Исройл)ни қўллаб-қувватлаши Ғазо аҳлига хиёнатдир

Америкада бўлиниш
чуқурлашмоқда

87

Сабот билан туриш
ва машаққатларга
сабр қилиш

(Росууллоҳ ўз қавмидан
кўрган азоб ва озорлардан
айримлари ҳақида)

75

Фарб ҳазорати ҳалокат
ва тўлиқ қулаш
ёқасида

39

Дин яратувчи билан маҳлуқотлар
ўртасидаги алоқаларни тартибга
солувчи ҳаёт манҳажидир

8

Қаердасиз,
эй мусулмон
уламолар?!

56



**460
461**

Ўттиз тўққизинч
йил чиқиши

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Чибдү сонга

- **Ал-Ваъй сўзи:** Шом қўзғолони тарихдаги ноёб воқеа бўлиб, у Умматнинг қайта ҳаётга қайтиши яқинлигини тасдиқлади 3
- Дин яратувчи билан маҳлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҳажидир..... 13
- Ғарб ҳазорати ҳалокат ва тўлиқ қулаш ёқасида 20
- Америкада бўлиниш чуқурлашмоқда..... 27
- Қаердасиз, эй мусулмон уламолар?! 32
- **Оlam мусулмонлари хабарлари....** 62
- **Қуръони Карим суҳбатида** 66
- **Жаннат боғлари:** Сабот билан туриш ва машақатларга сабр қилиш 77
- **Сўнғги сўз:** Араб давлатларининг (Исройл)ни қўллаб-қувватлаши Ғазо аҳлига хиёнатдир 83



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ШОМ ҚЎЗФОЛОНИ ТАРИХДАГИ НОЁБ ВОҶЕА БЎЛИБ, У УММАТНИНГ ҚАЙТА ҲАЁТГА ҚАЙТИШИ ЯҚИНЛИГИНИ ТАСДИҚЛАЙДИ

Аҳмад Маоз

Дунё халқаро ва миңтақавий саҳнада юз берадиган муқаррар үзгаришлардан дарак берувчи кетма-кет воқеаларга гувоҳ бўлмоқда. Чунки дунёning барча давлатларида беқарорлик ҳукм сурмоқда. Гўё дунё ер юзи мувозанатини ва тарихни үзгартирадиган буюк воқеа юз беришини кутаётгандек. Буни айниқса биз, Ислом оламининг юраги бўлган, жанг авжига чиққан Шом заминида яшаётганлар, «дўстлар» душманлар тарафида туриб, жиноятчи режим билан елкама-елка қўзғолонимизга қарши курашаётган бир манзарада яққол ҳис қиляпмиз.

Бундан 14 йил олдин «араб баҳори» бошланганидан бери дунёда барча сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий даражаларда шиддатли үзгаришлар кузатилмоқда. Дунёning биринчи давлати бўлган Қўшма Штатлар барча зарур ресурсларга эга бўлишига қарамай, ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун бу үзгаришларни тўхтата олмади. Тўғрироғи, у ҳам бошқалар каби, тобора кучайиб бораётган иқтисодий муаммолардан, шунингдек, саратон каби тарқалиб, жамиятда чуқур ёриқлар ва бўлинишларни келтириб чиқарадиган ирқчиликдан азият чекмоқда. Бу ҳолат уни шундай бир ботқоқقا тортдики, у бундан, эришган катта ютуқларига қарамай, энди олдингидек чиқиб кета олмайди. Бу, айниқса, 2008 йилда АҚШ ва бутун дунё молиявий инқирозга учраб, ундан чиқиш йўлини топа олмай қолганидан кейин яққол кўзга ташланди. Афтидан, инқироз учун ечим топилмай, инфляция кучайиб бораётган бир манзарада, АҚШ дунё давлатлари устидан етакчиликни сақлаб қолиш учун ушбу инқироз билан бирга яшашга қарор қилган кўринади. Бўлаётган воқеаларнинг асосий сабаби дунёни қамраб олган фикрий таназзул ва капиталистик мафкуранинг, олдинги мафкуралар сингари,

уларни қулашига олиб келган турғунлик ва мұаммоларга амалий ечим топишдан ожизлик босқичига ўтишидир. Динни ҳаётдан ажратишга асосланган капиталистик мабда замирида уни барбод қилювчи омиллар мавжудлигини барча муфаккирлар эътироф этади. Бироқ, барча мустабид ва золим ҳукмдорларда бўлганидек, очкўзлик, ҳокимииятга интилиш ва инсон ҳаётининг қонун-қоидаларини ўжарлик билан инкор этиш уларга ўз аҳволларининг ҳақиқатини англашга имкон бермайди. Улар чўкиб кетишаётганини кўришмайди ва қанчалик чуқур қулашганини англашмайди. Илм-фан ва технология соҳасидаги устунлик уларни муқаррар ҳалокатдан қутқара олмайди. Тарихдан маълумки, фиръавнлар илм-фан тараққиётига қарамай қулаган, Фиръавн шон-шуҳрати чўққисида вафот этган, саййидимиз Мусо  ва унинг қавми заифлигига қарамай ғалаба қозонган. Дунёни ўзаро бўлишиб олган руммилклар ва форслар ҳам куч-қудратлари чўққисида дунё тахтидан қулатилди. Бу – ҳаётдаги ўзгаришлар қонунидир.

Етакчи давлат ўзининг барча сиёсий масалаларини ҳарбий йўл билан ҳал қилиш босқичига етгани унинг, ўзи истамасада, муваффақиятсизликка учраганини ва тез орада етакчи давлатлик тахтидан қулашини англатади. Ҳақиқий рақобатчи кучнинг йўқлигини ва либерал капитализм бўёғи билан бўялган ҳозирги халқаро тартибининг заифлигини ҳисобга олсак, етакчи кучнинг заифлашган позицияси етакчиликка даъвогарлик қиласидан бошқа йирик давлатларга ҳам тааллуқлидир. Ўнлаб йиллар давомида дунё бошдан кечираётган ҳазорий турғунлик туфайли, бу инқирозни ва адолатсизлик кучайиб бораётганини яшириш учун бўлган умидсиз уринишларга қарамай, инсоният ўзгаришлар зарурлигини тобора кўпроқ англаб етмоқда. Ўрмон қонунининг тарқалиши инсоният тарихидаги энг қоронғи даврлардан бирининг ніҳояси яқинлашиб келаётганини ҳамда ҳозирги халқаро тартиб меъморлари бўлган «одам қиёфасидаги шайтонлар» олиб келган мұаммолардан инсониятни қутқариш учун тўлиқ қувват билан ишлайдиган янги ўзгаришлар циклининг бошланишини тасдиқлайди.

Исломга қарши ҳужум шиддатли тус олган бир манзарада, у халқаро тартибни мерос қилиб олиш учун энг кучли номзод бўлиб қолмоқда. Бироқ, АҚШ Исломнинг юксалишига қарши

туришнинг энг намунавий йўли сифатида Ислом ҳақидаги нотўғри тушунчалардан ва турли исломий оқимларни кучайтиришдан фойдаланаётган бўлишига қарамай, бу ҳужумлар Исломга янада куч бағишламоқда. Америка фойдаланаётган бундай исломий оқимларнинг қулаши манзарасида, сўнгги ўн йилликда Исломни тўғри тушуниш тарақкий этгани кузатилмоқда. Бу эса ягона ҳазорий альтернатива ҳисобланган, ҳалқлар ва бутун инсониятнинг умиди бўлган Исломга қарши олиб борилаётган урушга кучли зарба бўлди.

Муборак Шом қўзғолони бутун дунё мусулмонлари учун катта умид уйғотди. Зоро, Шом замини ўзининг ақидавий жиҳати ва стратегик марказлиги билан ҳужумларга қарши туришда, тарихий ўзгаришларнинг амалга ошишида доим мұхим рол ўйнаган. Ташқи кўринишидан қўзғолон бостирилгандек бўлиб кўринсада, унинг олови кўл остида яширинган чўғ каби ҳар қандай шамол билан яна аланталаниб, уни ўчиришга уринаётганларни ҳайратга солади. Турли исломий фикрий оқимлар маҳсули бўлган гуруҳлар тизгинини Туркия режими – Америка дипломатияси кулуарларида тузилган режалар сари йўналтириш учун – ўз қўлига олди. Аммо мінтақавий куч ва НАТОнинг мұхим аъзоси бўлган Туркия ҳозиргача Америка томонидан юклатилган бу жирканч вазифани бажара олмади. Суриядаги араб баҳорининг охирги қўрғонларини йўқ қилишнинг сўнгги фазаси бошланган вақтда Туркияning бир гуруҳ мусулмонлар наздидаги «исломий» кўриниши аслида илмоний бўлиб, Ислом билан фақат юзаки қоплангани аён бўлди.

Охирги пайтларда Туркияning қўзғолонни барбод қилишнинг сўнгги босқичини амалга ошира олмагани кўриниб қолди. Бу Кўшма Штатларни бир неча бор аралашиб, йўл қўйилган хатоларни тузатишга уринишга мажбур қилди. Бунга сабаб унинг улкан қатъият ва иродага эга бўлган ҳалқнинг қўзғолонига қарши йиллар давомидаги меҳнатларни зое кетказиши мумкин бўлган муваффақиятсизликнинг хатарини тушуниб етганидир. Ушбу қатъиятга қўшимча мухлис кишилар қўзғолон аҳли орасида тарқатаётган онг ва «сексргарлар»нинг тузоқларини фош этиш қўзғолон душманлари учун ҳақиқий тўсиқдир. Алдов – қўзғолон душманлари қўлидаги сўнгги қуролдир, уни англаб этиш ва фош қилиш қўзғолон душманлари мағлубиятини эълон

қилиш демакдир. Энди агар қўзғолонни бостириш режаларига қарши курашаётганлар қўлида – ер юзидағи ҳар бир мусулмон орзу қиласидиган – исломий ақидадан балқиб чиқсан ечим ва альтернатива мавжуд бўлсачи?! Аниқки, бу ҳолда натижа, Аллоҳнинг изни ила, яқин кунларда яқъол намоён бўлади.

Туркия режими ўзининг барча баёнотларидан воз кечиб, уларни ютиб юборди ва иттифоқчиларини жиноятчи режим билан алоқаларни нормаллаштиришга мажбурлаш орқали уни қутқариш учун жиддий ҳаракат қилмоқда. Бу эса Асад режимининг босқинчи тўдалар ва қуролли гурухлар иштирокида содир этган шафқатсиз жиноятларига қарамай, озод қилинган ҳудудларни топшириш ноқонуний режимга таслим бўлиш йўлидаги қадам сифатида кўрилади. Бугунги кунда Асад режими мамлакатда ҳақиқий кучга эга бўлмаган, ўз назорати остидаги ҳудудларда Россия ва Эрон қарор берадиган декоратив тузилмага айланди. Туркияning ушбу ҳаракатининг муайян сабаблари, мусабабблари ва муддатлари мавжуд бўлиб, уларнинг режаларини Қўшма Штатлар тузган. Туркия буларнинг барчасини нуфуз учун манфаатлар урушида яҳудий вужудининг Эроннинг Суриядаги мавжудлигига қарши ҳаракатлари фонида амалга оширимоқда. АҚШ бу урушда мувозанатни назорат қилмоқчи. Шу мақсадда Туркияга Эрон режими билан ҳамкорликда Сурия давлатининг келажакдаги тузилмасидаги ролини ваъда қилди. Мусулмон халқларнинг инқилоблари ва ҳаракатлари мавжуд режимларни кучсизлантиргандан кейин пайдо бўлган янги иттифоқлар ва минтақани қайта шакллантириш режалари ушбу ҳаракатларга қарши уларни бостириш ва зўравонликдан бошқа чора топа олмади. Бу эса уларнинг мусулмонларга қаршилик кўрсатишда бутунлай начорлигини кўрсатади.

Эрон ва Туркия каби минтақа давлатлари ўртасидаги мувофиқлаштиришга уринишлар АҚШнинг, хусусан Сурия ва Фаластиндаги лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган. Яҳудий вужудининг барча етакчи давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиши, араб режимларининг сукути ва хиёнати, шунингдек уларнинг бу урушда амалда яҳудийлар томонида туриб иштирок этишига қарамай «Ақсо тўғони» операцияси ва ғазоннинг афсонавий матонати Ислом ва куфр ўртасидаги

ҳазорий курашнинг кичик бир суратини намоён этади. Менимча бу Исломнинг ғалабасидан олдинги сўнгги раунд. Хусусан Газонинг матонати ва Шом қўзғолони тарихдаги ноёб воқеа бўлиб, Умматнинг уйғониши яқинлигини тасдиқлади. Бу Ғарб расмийларининг Яқин Шарқдаги вазият кескин хавфли даражада эканлиги ҳақидаги огоҳлантиришлари манзарасида содир бўлмоқда. Бу – дунёning энг муҳим минтақаси, унинг географик ва стратегик марказида ҳалқаро тизим муаммоларига самарали ечимлар йўқлигини эътиборга олиб урилган бонгдир.

Ислом ҳазорати ҳар доим Ғарб ҳазоратининг асосий рақиби бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Ислом ўзининг ақидаси, қонунлари ва низоми билан минтақадаги аксарият қўзғолонларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлди. Баъзи бир ҳаракатларнинг Исломни ҳокимиятга олиб келишда муваффақиятсизликка учраши уларнинг Исломни нотўғри тушунгандарни натижасидир. Шунинг учун Ғарб бу ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди ёки уларнинг сиёсий саҳнани эгаллашларига кўз юмади. Чунки сиёсий саҳнада бундай ҳаракатларнинг муваффақиятсизлиги Ғарб ва унинг қўёши сўниб бораётган ҳазорати учун энг муҳим ютуқдир. Бироқ бу, мусулмонлар оёққа туриб, ўз давлатларини тўғри асосда – Росулуллоҳ ўрнатган Ислом аҳкомлари, тузуми ва тариқатига амал қилувчи онгли бир гурӯҳ етакчилигидаги рошид давлатни – тиклаганларидагина амалга ошади. Бугунги кунда Исломнинг қайтиши йўлидаги кўплаб тўсиқлар кучсизланиб, мусулмонлар ўз динини маҳкам ушлаб, давлатларининг қайтишини интиқлик билан кутмоқдалар. Яқин кунларда Аллоҳ Таоло мўминларни бу дунё ҳаётида собит сўз ила собитқадам қиласида ва узоқ йиллик зулм ва зулматлардан сўнг ер юзини Роббисининг нури яна бир бор ёритади. Уммат ҳаётга қайтади, заифлик ва хорликдан халос бўлади ва бошини баланд кўтарган ҳолда душманларига қарши туради, Роббисининг рисоласига қатъий амал қилиб, динини маҳкам ушлаб, яна бир бор инсониятни нажот сари ҳидоят қиласида. У кишиларни зулматдан нурга, бандаларга ибодат қилишдан бандаларнинг Роббисига ибодат қилишга, бошقا динларнинг адолатсизлигидан Ислом адолатига, дунёning торлигидан дунё ва охират кенглигига етаклайди. Албатта, бу Аллоҳ учун қийин эмас. □

ДИН ЯРАТУВЧИ БИЛАН МАХЛУҚОТЛАР ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲАЁТ МАНҲАЖИДИР

Агар «الدین» (дин) сўзининг келиб чиқиши ва тусланиш жиҳатларига назар ташласак, у деярли бир-бирига боғланган учта маънога эга эканлигини кўрамиз¹. Бу уч маъно ўртасида бир оз фарқ борки, бу аслида изоҳланаётган сўзнинг бир сўз эмас, балки уч сўз бўлиши билан боғлик. Бошқача айтганда: у галма-гал келадиган учта феълни ўз ичига олади:

Буни шундай баён қилиш мумкин: «الدین» сўзи баъзан (دانه يدینه) каби бевосита ўтимли (мутааддий) феълдан олинади, баъзида (دان) каби лом ҳарфи билан ўтимли бўлган феълдан олинади ва баъзида (دان بے) каби бо ҳарфи билан ўтимли бўлган феълдан олинади. Келиб чиқишига қараб, маъно ҳам ўзгаради:

1 – «دانه دینا» эгалик қилди, ҳукмронлик қилди, бошқарди, тадбир қилди ва муҳосаба қилди маъносидадир. Чунки ушбу қўлланишда дин сўзи эгалик қилиш ва тасарруф этиш маъноси атрофида айланади. Яъни подшоҳларнинг сиёsat, бошқарув, ҳукмдорлик, мажбурлаш ва муҳосаба каби ишларига ўхшайди. Масалан:

﴿مَلِكٌ يَوْمَ الْدِينِ﴾

«Жазо (қиёмат) кунининг Эгаси-Подшоҳи» [Фотиҳа 4]
яъни ҳисоб-китоб ва мукофот кунининг эгаси маъносида. Ёки ҳадисда

«الْكَبِيسُ مِنْ دَانَ نَفْسَهُ»

«Зийрак одам ўз нафсига ҳукмрон ва уни тиядиган кишидир»,
дейилади.

2 – «دان» деганимизда унга итоат қилди ва унга бўйсунди деган маънони назарда тутамиз. Чунки бу ерда дин сўзи бўйсуниш, итоат ва ибодат маъносидадир. «الله» деган сўз бирикмасидан икки маъно, яъни ҳукмронлик Аллоҳники ёки бўйсуниш Аллоҳга маънолари тушунилади.

3 – «دان بالشیء» деганда эса уни дин ва мазҳаб сифатида ушлади деган маънони, бошқача айтганда унга ишонди ёки кўниклиди ёки қабул қилди деган маънони англатади. Чунки дин

(1) «Мен Исломни дин сифатида қабул қилдим» китоби, Шайх Солиҳ Аҳмад Шомий. Доктор Муҳаммад Абдуллоҳ Даразнинг «Дин» китобидан қисқартирилган холда.

Дин яратувчи билан маҳлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҳажидир бу маънода инсон назарий ёки амалий жиҳатдан амал қиласидиган йўл ёки мазҳабдир.

Ушбу луғавий маъноларни хulosса қилиб айтганда, дин сўзи араблар орасида улардан бири иккинчисини улуғлайдиган ва унга бўйсунадиган икки тараф ўртасидаги муносабатларни билдиради. Бунда биринчи тараф бўйсунувчи ва итоат этувчи деб сифатланса, иккинчи тараф буюрувчи, қайтарувчи, бошқарувчи, ҳукмрон ва мажбурловчи деб сифатланади. Агар унга икки тараф ўртасини боғловчи робита сифатида қаралса, бу муносабатларни тартибга солувчи дастур ёки уларни ифодаловчи кўринишдир. Демак асос «итоат қилиш зарурати» маъноси атрофида айланади. Шунга кўра дин биринчи қўлланишда итоат қилишга мажбуrlаш, иккинчи қўлланишда итоат қилишда ушлайдиган принцип маъносидадир¹. Юқоридагилардан хulosса қилиб айтадиган бўлсак, олдимизда икки томон бор: улардан бири ниҳоятда юксак, улуғ ва қудратли. Иккинчиси биринчисига нисбатан ниҳоятда камтар ва итоаткор. Иккинчисининг биринчисига бўлган алоқасини тартибга солувчи муносабат ва манҳажни биз «дин» деб атамиз².

Абу Ҳайён Андалусийнинг «Баҳрул Мұхит» китобида

﴿إِنَّ الَّذِينَ عِنْدَ اللَّهِ أَلْيَ اِسْلَمُ﴾

«Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир» [Оли Имрон 19]

ояти тафсирида шундай дейилади: Луғатшүнослар: «الدين» сўзи – масдар (феъл номи), «الدین» касра билан исм бўлиб, сиёsat маъносида, диндор бу сиёsatчи деганлар. Лисонул Арабда диннинг маънолари қўйидагича келади: Дин шариат ва салтанатдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَقَاتَلُوهُمْ حَتَّىٰ لَا تَكُونَ فِتْنَةً وَيَكُونَ الَّذِينُ كُلُّهُو بِلَهِ﴾

«То (дунёда) бирон фитна-алдов қолмай, бутун дин фақат Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан жанг қилинглар!» [Анфол 39]

(1) «Мен Исломни дин сифатида қабул қилдим» китоби, 15-17 саҳифалар, Шайх Солих Аҳмад Шомий. Доктор Мұхаммад Абдуллоҳ Даразнинг «Дин» асари 30-52 саҳифалардан қисқартирилган ҳолда.

(2) «Мен Исломни дин сифатида қабул қилдим» китоби, 15-17 саҳифалар, Шайх Солих Аҳмад Шомий.

Дин яратувчи билан махлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҗажидир

Ибн Аллон Сиддиқий «Далилул Фолиҳин»да айтади:
«Кашшоғ»да Аллоҳ Таолонинг:

﴿عَنَّا لَمْ يُنَوِّنَ﴾

«(Қайта тирилтирилиб) жазолангучимизми?» [Софват 53] ояти тафсирида, бошқаруви остида бўлмоқ, яъни бўйсундиримоқ, сиёsat маъносидаги дин сўзидан олинган, дейилади. Ҳадиси шарифда

«الْكَبِيْشُ مَنْ دَانَ نَفْسَهُ»

«Зийрак одам ўз нафсини бошқарган кишидир¹» дейилган. Кўриб турганингиздек араблар Мұхаммад ﷺ нинг динини ҳаёт низоми, Аллоҳ Таоло ва Унинг шариатига бўйсуниш, шу шариатнинг ҳукмрон бўлиши, шариатни маҳкам тутганига кўра ҳисоб-китоб қилиниши, масъулиятлар, вазифалар ва ҳуқуқлар маъносида тушунишган. Яна улар дин уларнинг қонунлари ўрнини эгаллади ва улар шу динга бўйсуниши лозим деб тушунишган. Шундай экан, биз «Дин бу одамларнинг яшаш тарзини таклифлар билан назорат қилиш ва тартибга солиш ҳамда жамиятни Аллоҳ Таолонинг махсус манҗажи билан бошқариш учун ҳаёт низоми сифатида келган нарса», деб айтишимиз табиийдир. Таклифнинг воқеси – исломий қонунчилик низоми унинг асосига қуриладиган устундир. Бу устун, шунингдек, диннинг мукаммаллиги ва шариатнинг кенглигини ҳамда огоҳлантиришни ваҳийга чеклаш ва Пайғамбар Суннатини муҳофаза қилишни ўз ичига олади. У саҳобалар ижмоси билан тасдиқланади.

Ислом қонунчилиги таклиф тушунчасига таянадиган шаръий ҳукм тушунчасига асосланади. Чунки инсон мукаллаф (масъул)дир ва у ҳар бир жабҳада масъулиятга риоя

(¹) Баъзи муфассирлар бу ўз нафсини муҳосаба қилди маъносидадир, деганлар. Бироқ аниқроқ маъно жавобгарликка тортилмаслиги учун ўзини ўзи назорат қилиши деганидир. Кўрмаяпсизми, Росууллоҳ ﷺ уни: «Зийрак одам ўз нафсини назорат қилиб, охират учун ҳаракат қиласидиган кишидир. Фосиқ эса ўз нафсини хоҳишига эргаштириб, Аллоҳ Таолодан бирор нарса умид қилган кишидир» деб тафсир қилдилар. Чунки фосиқ ўз нафсини хоҳишига эргаштирса, зийрак одам ўз нафсини Аллоҳнинг ҳукмларига мувофиқ бошқаради ва хоҳишидан қайтаради. Азҳарий «Таҳзибул Луғат»да айтади: Абу Убайд айтадилар: «Нафсини бошқарган», дегани уни устидан ғалаба қилган ва уни қул қилган деганидир. Дин Аллоҳ учун дегани Унга итоат қилиш ва ибодат қилишдан бошқа нарса эмас. Шунингдек «Зийрак одам ўз нафсини бошқарган кишидир», яъни уни муҳосаба қиласидир, деб ҳам шарҳланган.

Дин яратувчи билан маҳлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҳажидир қилганлиги борасида ҳисоб-китоб қилинади. «Таклиф әкәмдән олинган бўлиб, унинг маъноси қилиш қийин бўлган ишни бажариш демакдир. У фарз ва тақиқни ўз ичига олиб, инсон табиати уни хоҳлаши ёки рад этишининг фарқи йўқ»¹.

Биз таклиф қаердан бошланиб, қаерда тугайди деб савол беришдан олдин, таклифнинг воқеси ва унинг инсон ҳаёти, жамият ва давлатдаги тутган ўрнини баён қиладиган мұхим кириш қисмини тақдим этамиз. Биз қўйидаги тушунчалар ҳақида баён қиласмиз:

Биринчи: қонунчилик воқеси (таклиф);

Иккинчи: қонунчиликни сақлаш;

Учинчи: қонунчиликнинг кенглиги, ўзгармаслиги ва қиёмат кунигача инсон муаммоларини ҳал қилишга қодирлиги;

Тўртинчи: воқелик билан яшаш тарзини тартибга солувчи ёки воқеликка ҳукм қилувчи шаръий ҳукм ўртасидаги алоқани таъминлайдиган тарзда қонунчиликнинг манбалари билан ишлаш методологияси.

Бунинг тафсилоти қўйидагича:

а) Аллоҳ Таоло борлиқ низомини адолат ва зулмни олдини олиш устига ўрнатди. Абу Зар Жундуб ибн Жанода  Росууллоҳ дан, у зот шон-шухрат эгаси ва исмлари мүқаддас бўлган Аллоҳдан ривоят қилган ҳадиси қудсийда шундай дейилади:

«يَا عَبْدِي إِنِّي حَرَمْتُ الظُّلْمَ عَلَى نَفْسِي، وَجَعَلْتُهُ بِيَنْكُمْ مُحَرَّمًا، فَلَا تَظَالَمُوا»

«Эй бандаларим, Мен зулмни ўзимга ҳаром қилдим ва уни сизларнинг ўртангизда ҳам ҳаром қилдим, бас бир-бирингизга зулм қилмангиз». Дарҳақиқат Аллоҳ Таоло зулмни ўзига ва бандаларига ҳаром қилди. Шунингдек, осмонлар ва ер салтанатига зулм кирмаслигини кафолатлайдиган манҳаж ва шариатни нозил қилди. Сўнгра адолатни ўрнатадиган ва зулмни тўхтатадиган низомни ўрнатиши учун инсонни халифа қилди». Аллоҳ Таоло айтади:

«لَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلَنَا بِالْبَيِّنَاتِ وَأَنْزَلْنَا مَعْهُمُ الْكِتَابَ وَالْمِيزَانَ لِيَقُومَ النَّاسُ بِالْفِقْسَطِ»

«Қасамки, Биз ўз пайғамбарларимизни аниқ ҳужжат-мўъжизалар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб

(1) Имом Абу Хомид Ғаззолийнинг «Манхул мин таълиқотил үсул» китоби, 21 саҳифа.

ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезонтарози туширдик» [Хадид 25]

У зот инсонни халифа қилди ва у ерни ислоҳ қилиши ва у ерда бузғунчиллик қилмаслигини хоҳлади. Ҳуқуқларни тартиблаш, адолатни ўрнатиш, зулмни йўқотиш ҳамда фасодга эмас, балки ислоҳга олиб борадиган яшаш тарзини ўрнатиш, келишмовчилик ва низоларни ҳал қилиш каби масалаларни қонун ва тартибсиз ташлаб қўймади. Балки уларни тартибга соладиган, махлукотларга ҳужжат келтирадиган ва ўша асосда уларни ҳисоб-китоб қиласидиган қонунлар билан кафолатлади. Бундай ишларни инсонларнинг ўзлари, нафс ҳаволари, кучлилар заифлар устидан ҳукмронлик қилиши ва тўғри тартибни тахминан топиш устига ташлаб қўймади. Зоро, тўғри тартиб одамларнинг шароитларини яхшилайди, қоидаларини ўрнатади ва фасодни тўхтатади.

Дарҳақиқат фаришталар Аллоҳ Таолонинг инсонни ер юзига халифа қилиши ҳақида сўрадилар:

﴿إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ حَلِيقَةً﴾

«Мен ерда (Одамни) халифа қилмоқчиман»

[Бақара 30]

деганида улар айтдилар:

﴿قَالُوا أَتَجْعَلُ فِيهَا مَنْ يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِكُ الْدِمَاءَ﴾

«Улар айтдилар: «У ерда бузғунчиллик қиласидиган, қонлар тўқадиган кимсани (халифа) қиласанми?»» [Бақара 30]
деб сўраганларида, Аллоҳ Таоло

﴿فَالَّذِي أَعْلَمُ مَا لَا تَعْلَمُونَ﴾

«(Аллоҳ) айтди: Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан»

[Бақара 30]

деб жавоб берди. Халифа бўлишнинг маъноси ўзи хоҳлаган ишни қиласидиган инсонни англатмайди. Агар шундай бўлганида, фаришталар инкор қилган нарса рўёбга чиққан бўлар эди.

﴿قَالُوا أَتَجْعَلُ فِيهَا مَنْ يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِكُ الْدِمَاءَ﴾

(Улар айтдилар: «У ерда бузғунчиллик қиласидиган, қонлар тўқадиган кимсани (халифа) қиласанми?»). Аммо улуғворлик роббиси бўлган Аллоҳ уларга:

﴿إِنَّمَا لَا تَعْلَمُونَ﴾

(Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан) деб жавоб берди. Демак бу ерда инсонни қон тўкиш ва бузғунчилик қилиш учун халифа қилмаган деган маъно бор. Шундан келиб чиқиб, айтамизки, қон тўкиш ва бузғунчиликка олиб келадиган ҳар қандай манҳажга эргашадиган одам халифа бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолат одамларнинг қонунчилиги ва уларнинг хоҳишига асосланган ҳар қандай манҳажда бўлади. Буни Аллоҳ Таолонинг қўйидаги оятлари ҳам тасдиқлайди:

﴿وَلَوْ أَتَيْتُ الْحُكْمَ أَهْوَءُهُمْ لِفَسَدَتِ السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ وَمَنْ فِيهِنَ﴾

«Агар Ҳақиқат-Қуръон уларнинг ҳавои нафсларига эргашса эди, албатта осмонлар, ер ва улардаги бор жонзот бузилиб-ҳалок бўлган бўлур эди» [Мўминун 71]

﴿ثُمَّ جَعَلْنَاكَ عَلَىٰ شَرِيعَةٍ مِّنَ الْأَمْرِ فَاتَّبِعْهَا وَلَا تَشْيَعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Сўнгра (эй Мұхаммад), Биз сизни (дин) ишидан бир шариат (аниқ-равшан йўл) устида (барқарор) қилдик. Бас, сиз (фақат мана шу йўлга) эргашинг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавои нафсларига эргашманг!» [Жосия 18]

Чунки Аллоҳнинг шариатидан бошқаси қонун чиқарувчиларнинг хоҳишига эргашиш бўлиб, бу ер юзида бузғунчилик ва зулм бўлишига олиб боради. Шунинг учун юқорида тилга олинган халифа Аллоҳнинг шариатини татбиқ қилиш орқали Унинг шариатига мувофиқ ҳақиқат ва адолатни ўрнатишини кафолатлайдиган манҳажни ўрнатувчидир. Аллоҳ Таоло мана шундай кишини мўминларга халифа қилди. Мўминларки, ҳаётининг барча соҳаларида Аллоҳнинг шариатини ўрнатиб, ўша шариатни уларнинг жамиятдаги муносабатларида татбиқ этадиган халифага байъат берадилар. Имом Қуртубий (роҳимаҳуллоҳ) айтади: «Бу оят қулоқ солиб, итоат қилинадиган имом ва халифани тиклашдаги асос бўлиб, у орқали бирлик юзага чиқади ва халифанинг ҳукмлари амалга ошади. Бу борада Уммат орасида ҳам, имомлар орасида ҳам ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Фақат Асомгина бу ҳақида ихтилоф қилган, чунки унинг ўзи шариатдан кар бўлган». Иқтиbos тугади. Бу имом Қуртубий илмининг пухталигидандир. Дарҳақиқат Ислом салтанатни Умматга берди, у ҳокимни Роббисининг шариати билан ҳукм юритиши учун ўзи

Дин яратувчи билан маҳлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҳажидир

тайинлайди. Бу Исломдаги бошқарув низоми асосидан истинбот қилиш орқали белгилангандир. Мазкур халифа ўз ҳаётининг барча ишларида Аллоҳ қоим қилишни буюрган шариатга эргашади ва Унинг манҳажини ўрнатади. Манҳажнинг шахсларда ўрнатилиши уни жамиятда ўрнатмайди. Агар манҳаж жамиятда ўрнатилмаса, уни ҳукмрон қилиш¹ ва адолат рўёбга чиқмайди. Шунинг учун манҳаж шахслар, жамият ва давлатда ўрнатилиши керак. Зоро, бу ҳукмларнинг кўп қисми давлат томонидан татбиқ қилинади. Одамлар эса ўзларига ўша ҳукмларни ижро қилиши учун халифага байъат берадилар. Демак халифани ҳоким қилиш ҳам Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةَ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً﴾

«Эсланг (эй Мұхаммад) Парвардигорингиз фаришталарапга: Мен ерда (Одамни) халифа қилмоқчиман» [Бақара 30] деган қавлиниң маъносидир. Яъни шу йўл билан халифа қилиш маъноси ўша халифа қилишдан кўзланган мақсадга олиб борадиган даражада рўёбга чиқади ва унинг юксак маъноси амалга ошади. Қуртубий истинбот қилганидек, оят далолат қилган нарса Аллоҳ Таолонинг

﴿ثُمَّ جَعَلْنَاكُمْ حَلَّيِفَ فِي الْأَرْضِ مِنْ بَعْدِهِمْ لِتَنْظُرَ كَيْفَ تَعْمَلُونَ﴾

«Сўнгра қандай амаллар қилишингизни кўриш учун сизларни уларнинг ортидан ерга халифа қилиб қўйдик» [Юнус 14]

(1) Жамият ўзига хослигининг асоси – бу муносабатларнинг қандай амалга оширилиши ва ўша муносабатларни тартибга солувчи тузумлардир. Масалан, судхўрлик алоқалари капиталистик тузумни татбиқ қилишининг натижасидир, модомики жамият капиталистик бўлиб қолар экан, жамиятда бу алоқалар ўзгартмайди. Судхўрлик тизими кенг тарқалган фарб жамиятларидағи ёки ҳатто исломий юртлардаги мусулмонларнинг судхўрликтан ўзини тийиши у ердаги капиталистик иқтисодий низомни ўзgartиришга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Дарҳақиқат, уларнинг пуллари шак-шубҳасиз банкларга кириб боради ва банклар уни қонуний йўл билан банк ўзи мақбул кўрган нарсага сармоя қиласди. Мусулмонларнинг пуллари судхўрлик, спиртли ичимликлар савдоси ва банкларнинг тунги клубларга қўйган сармоялари билан аралашиб кетади. Фарбдаги мусулмонлар хоҳладими ёки йўқми, улар мажбурий суғурта ва солиқлар каби қонунлар ҳамда Исломда таъқиқланган тузумлар ва бошқаларга бўйсунадилар. Шундай экан, гап шахсларнинг эътиқодида эмас, балки муносабатлар ва тузумлардадир.

Дин яратувчи билан маҳлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҳажидир деган қавлини тасдиқлайди¹. Яъни оятнинг маъноси сизлар Аллоҳнинг ҳукмларини татбиқ қилишингиз ҳамда ўзаро ўртангизда ва ўзларингизга ҳар бир ишда Аллоҳнинг манҳажини ўрнатишингиз учун ер юзида халифа қилдик деганидир. Айниқса, бошқарувдаги халифалик Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритадиган ҳоким томонидан бўлади. Чунки ер юзига халифа қилинган шахс у ерда бузғунчилик қилиб, қон тўқадими ёки мана шундай тойилишлардан йироқ бўладими, буни ўша манҳаж белгилайди. Манҳаж устун бўлиши учун давлат орқали устун бўлиши керак. Бошқа манҳаж ҳукм сураётган жамиятдаги алоҳида шахслар унга амал қиладиган манҳаж бўлиб қолмаслиги керак. Халифа қилишнинг маъноси халифани ҳурматлаш орқали рўёбга чиқади. Шундай экан, Аллоҳнинг манҳажини ўрнатмаганга ҳурмат йўқ. Бузғунчи ва қон тўкувчига шараф йўқ!

б) Демак, ваҳий, мўъжиза, рисолат ва шариат бўлиши керак. Рисолат – ҳис тушмайдиган ғайб нарсалардан нималарга ишониш вожиблигини ҳамда ҳаётни унга мувофиқ тарзда тартиблаш вожиб бўлган яшаш манҳажини белгилаш учун якуний манба бўлиши керак. Токи инсон учун ҳақиқий халифалик рўёбга чиқсин ҳамда инсон унга мувофиқ хотиржам яшайдиган ва тўғри йўл топадиган борлик фалсафаси аён бўлсин. Шунингдек, ушбу шариат адолатга асосланган ва зулмни олдини олишга қаратилган коинот низомининг давоми бўлсин. Шариатки, мувозанат ва нозик тартибга ҳамда нур, ҳақиқат ва ҳидоятга асосланиб, залолат, ботил ва зулматдан йироқ бўлади. Дарҳақиқат Аллоҳ Таоло қонун чиқариш

(1) Яна Аллоҳ Таолонинг:

«وَهُوَ الَّذِي جَعَلَكُمْ خَلِيفَ الْأَرْضِ وَرَأَيْتَ بَعْضَكُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَاتٍ لَّيْسُوا كُمْ فِي مَا إَعْنَاكُمْ إِنَّ رَبَّكَ سَرِيعُ الْعِقَابِ وَإِنَّهُ لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ»[®]

«У сизларни ерда халифалар қилиб қўйган ва ўзи ато этган неъматлар билан сизларни имтиҳон қилиш учун айримларингизни айримларингиздан юқорироқ даражаларга кўтариб қўйган зотдир. Албатта, Парвардигорингиз тезда жазолагувчидир ва албатта У мағфиратли, меҳрибондир» [Анъом 165] деган қавлини ва:

«هُوَ الَّذِي جَعَلَكُمْ خَلِيفَ فِي الْأَرْضِ»

«У сизларни ер юзида халифа қилиб қўйган зотдир» деган қавлини ҳам тасдиқлайди.

[Фотир 39]

Дин яратувчи билан махлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҗажидир

хұқуқини ёлғыз үзига чеклади¹ ва бу Унинг юксак зотига хосланди. Шунинг учун Пайғамбаримиз ﷺ-га Китоб ва Сұннатни вәхий билан нозил қилиб, бошқасидан қайтарди. Бунинг истилохий маъноси ҳокимиятдир². Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ﴾

«Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг үзига хосдир»

[Анъом 57]

﴿وَمَا أَخْتَلَفْتُمْ فِيهِ مِنْ شَيْءٍ فَحُكْمُهُ إِلَى اللَّهِ﴾

«(Эй Мұхаммад, мүминларга айтинг): «Сизлар (бу ҳаёти дүнёда коғирлар билан) ихтилоф қилған ҳар бир нарсаның ҳукми Аллоҳга қайтарилур» [Шуро 10]

Луғатда ҳукм тақиқдир. Шунинг учун қозилик ҳукм дейилган. Чүнки у қозининг ҳукмидан бошқасига амал қилишдан түсади. Шунинг учун маҳқумларни хоҳлаган ишларини қилишдан түсіш ва шариатга мувофиқ иш қилишларига буюриш ҳұқуқи ёлғыз Аллоҳницидир³. Демак қонунчилик Аллоҳга құллик маъносини белгилайди.

(1) Қонун чиқариш ҳұқуқи фақат ёлғыз Аллоҳга тегиши. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ﴾

«Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг үзига хосдир»

[Анъом 57]

Бу ҳақда тұлароқ иккінчи боб: Аллоҳ Таоло ҳисоб китоб қылғувчидир. Қонун чиқариш ҳұқуқи мутлақ ва фақат Аллоҳга тегишилдір деган бобга қаранг.

(2) Ҳукмдорлик рұубият хусусиятларидан бўлиб, унга кўра қонун чиқариш фақат Аллоҳга хосдир. Яна у улухият хусусиятларидан бўлиб, унга кўра ибодат қилиниш ва мұқаддасланиш фақат Аллоҳга хосдир. Бу эса Аллоҳнинг шариатини маҳкам тутиш, Аллоҳдан бошқасини «худо» қилиб олмаслик ва диндан Аллоҳ изн бермаган нарсаларни қонунийлаштирумаслик ҳамда Аллоҳнинг ҳукмларини ўзgartирмасликни талаб қиласи. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ أَمْرَ أَلَا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ ذَلِكَ الْدِينُ الْقَيْمَ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Сизлар эса, У зотни қўйиб, ўзларингиз ва ота-боболарингиз атаб олган номлар-бутларгагина ибодат қиласизлар. Ахир Аллоҳ уларга (ибодат қилиш ҳақида) бирон ҳужжат туширмаган-ку? Ҳукм-ҳокимлик фақат Аллоҳницидир. У зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин одамларнинг кўпі буни билмайдилар» [Юсуф 40]

Аллоҳ Таоло бу оядта итоат ва ибодат ҳұқуқини жамлади. Бандалар Аллоҳ Таоло буюрган нарсада Үнга итоат ва ибодат қилишлари лозим. Қонун чиқариш ҳұқуқи рұубиятнинг хусусият ва талабларидандир. Кимки Аллоҳ нозил қилмаган нарса билан ҳукм юритса, бир томондан Аллоҳнинг рұубияти ва хусусиятидан бош тортган бўлади. Бошқа томондан эса рұубият ҳұқуқини даъво қилган бўлади.

(3) Демак, бандаларнинг бир-бирларига қонун чиқаришлари бир-бирларини Аллоҳдан ўзга «худо» қилиб олишларини англаради.

Аллоҳ Таоло қонунчиллик маъноларини түшүнтириш учун Ресулуллоҳ ﷺ га нозил қилингандын ваҳийни ўз сўзи билан баён қилишга рухсат берди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكُرْتَبَيْنَ لِلنَّاسِ مَا نُرِزِّلُ إِلَيْهِمْ وَلَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ﴾

«Сизга эса одамларга нозил қилган нарсаларни (яъни, шариат аҳкомларини) баён қилиб беришиңгиз учун ва шояд тафаккур қилсалар, деб бу эслатмани-Қуръонни нозил қилдик». [Наҳл 44]

Яъни Ресулуллоҳ ﷺ га ваҳий қилингандын маъноларни қонун сифатида шакллантириш ҳуқуқи берилди. Ресулуллоҳ ﷺ га ваҳий қилингандын Суннатда қонун қилингандын нарса худди Қуръондаги қонунлар каби қонундир. Унинг манбаси ваҳий бўлиб, у киши шакллантиргандын нарса ваҳий билан ҳимоялангандир. Шунга кўра, Аллоҳнинг мақсадини етказишда юқори аниқликка эришиш учун ваҳий томонидан назорат бор. Шунинг учун ҳам у киши маъсум бўлиб, фақат ҳақиқатни гапиради. Булар Суннатдаги лафзлар Пайғамбаримизга ваҳий қилингандын маъноларни етказиш учун ваҳий ғамхўрлигига шакллантирилганининг кафолатларидир.

Ақл қонун чиқарувчи эмас, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَمْ لَهُمْ شُرَكَاءُ شَرَعُوا لَهُمْ مِنَ الْأَدِينِ مَا لَمْ يَأْذِنْ بِهِ﴾

«Балки улар (Макка мушриклари) учун (куфр ва ширк каби) Аллоҳ буюрмаган нарсаларни-«дин»ни уларга шариат қилиб берган шериклари-бутлари бордир?!» [Шўро 21]

Яна Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا أُخْتَلَفُتُمْ فِيهِ مِنْ شَيْءٍ فَحُكْمُهُ إِلَى اللَّهِ﴾

«(Эй Мұхаммад, мўминларга айтинг): «Сизлар (бу ҳаёти дунёда коғирлар билан) ихтилоф қилган ҳар бир нарсанинг ҳуқми Аллоҳга қайтарилур» [Шўро 10]

Аллоҳнинг қонунлари адолатни рўёбга чиқариш ва ер юзида адолат мезонини ўрнатишнинг кафолатидир. Агар бирор масала ваҳий билан боғлиқ қонунчилликдан холи бўлса, бу ҳуқмга хатолик ёки адолатсизликни киргизади ва бу масалада инсон қонунчилигидан келиб чиқадиган муолажага олиб боради. Шу боис қиёматгача барча махлукотларга адолат мезонини ўрнатиш орқали неъматни мукаммал қилиш учун шариат ўзининг Қуръони ва Суннати билан сақланиб қолиши

Дин яратувчи билан махлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҗажидир

лозим. Бинобарин биз биламизки, Суннат Қуръондаги мужмал маъноларни кенгайтириб изоҳлайди. Демак Суннат Қуръоннинг маъноларини баён қиласди, изоҳлайди ва шарҳлайди. Шунингдек, фаръларни аслига боғлаб, Қуръонда асли бўлмаган янги ҳукмларни қонунийлаштиради¹. Агар Суннатнинг бир қисми йўқолса, қонунчиликнинг бир қисми йўқолади².

в) Оламлар Парвардигори бизни фақат шариатга эргашишга буюриб, шундай дейди:

﴿أَتَيْعُوا مَا أُنْزِلَ إِلَيْكُمْ مِّنْ رَبِّكُمْ وَلَا تَتَّبِعُوا مِنْ دُونِهِ أَوْ لِيَاءَ قَلِيلًا مَا تَذَكَّرُونَ﴾

«(Эй инсонлар) сизларга Парвардигорингиздан нозил қилинган нарсага (Китобга) эргашингиз, ундан ўзга «дўстларга» эргашмангиз! Камдан-кам панд-насиҳат олурсизлар». [Аъроф 3]

﴿قُلْ إِنَّمَا أَنْذِرْتُكُمْ بِالْوُحْيٍ وَلَا يَسْمَعُ الْقُصُمُ الْدُّعَاءَ إِذَا مَا يُنذَرُونَ﴾

«Айтинг: «Мен сизларни фақат ваҳий билан қўрқитиб-огоҳлантиурман. (Лекин) гунглар (яъни динсизлар ўзлари учун охиратда азоб борлиги ҳақидаги ваҳий билан) қўрқитилаётган вақтда даъватни эшишишмайди» [Анбиё 45]

﴿وَمَا أَتَيْتُكُمُ الرَّسُولُ فَخُدُوهُ وَمَا نَهَّكُمْ عَنْهُ فَإِنَّهُمْ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ﴾

«Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар ва Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта Аллоҳнинг жазоси қаттиқдир» [Ҳашр 7]

(1)

﴿وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تِبَيَّنَاتٍ لِّكُلِّ شَئٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً وَبُشْرَى لِلْمُسْلِمِينَ﴾

«Сизга – ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун хушкабар бўлган Китобни-Қуръонни нозил қилдик» [Наҳл 89]

Қуръони Каримда Росууллоҳ қелтирган ҳидоят (эслатма) ҳақида баён қилинган бўлиб, унга итоат қилиш ва амал қилиш вожибdir. Чунки Суннат Қуръондан бўлиб, баён қилиш Суннат орқали амалга ошади ва унинг асли Қуръонда қайд қилинган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ لِتَبَيَّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ وَلَا يَعْلَمُونَ﴾

«Сизга эса одамларга нозил қилган нарсаларни (яъни, шариат аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун ва шояд тафаккур қилсалар, деб бу эслатмани-Қуръонни нозил қилдик» [Наҳл 44]

(2) «Суннатнинг ваҳий эканлиги, унинг (Аллоҳ томонидан) муҳофаза қилингани, унинг ҳужжат ва дин асосларидан бири эканлигига очиқ ҳужжат» номли китобимида Суннатнинг ҳужжатлиги ва муҳофаза қилингани ҳақида далилларни батафсил келтирдик.

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولَئِكَ الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِن تَنْزَعُُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِن كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз – агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз – у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир» [Нисо 59]

﴿فَلَا صَدَقَ وَلَا صَلَّى وَلَكِنْ كَذَبَ وَتَوَلَّى ثُمَّ ذَهَبَ إِلَى أَهْلِهِ يَتَمَطَّى أُولَئِكَ فَأَوْلَى ثُمَّ أُولَئِكَ فَأَوْلَى أَيْحَسَبُ الْإِنْسَنُ أَنْ يُتَرَكَ سُدًّى﴾

«На (Қуръон ва пайғамбарни) тасдиқ этди ва на намоз ўқиди! Балки у (Қуръонни) ёлғон деди ва (иймондан) юз ўгирди! Сўнгра (мана шу қилмишларидан уялиш ўрнига) гердайганича ўз аҳли томон кетди! (Эй кўрнамак инсон) ўлим бўлсин сенга, ўлим! Сўнгра яна ўлим бўлсин сенга, ўлим! Инсон ўзини (бу дунёда дину иймонга буюрилмасдан, охиратда эса қайта тирилиб ҳисоб-китоб қилинмасдан) бекор ташлаб қўйилишину ўйларми?!» [Қиёмат 31-36]

﴿إِنَّ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ﴾

«Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг ўзига хосдир» [Анъом 57]

﴿وَمَا أَخْتَلَفْتُمْ فِيهِ مِنْ شَيْءٍ فَحُكْمُهُ إِلَى اللَّهِ ذَلِكُمُ اللَّهُ رَبِّي عَلَيْهِ تَوَكُّثُ وَإِلَيْهِ أُنِيبُ﴾

«Сизлар (бу ҳаёти дунёда коғирлар билан) ихтилоф қилган ҳар бир нарсанинг ҳукми (қиёмат кунида) Аллоҳга (қайтарилур ва У Зот ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини ажратиб берур). Мана шу Аллоҳ Парвардигоримдир. Ўзига суюндим ва Ўзига илтижо қилурман» [Шўро 10]

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِن تَنْزَعُُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ﴾

«Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз!» [Нисо 59]

Яна айтади:

﴿وَرَزَّلَنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تَبَيَّنَاتٍ لِكُلِّ شَيْءٍ﴾

«Сизга ҳамма нарсаны баён қилиб берувчи Китобни-Күръонни нозил қилдик».

[Наҳл 89]

Росууллоҳ айтадилар:

«كُلُّ أَمْرٍ لَّيْسَ عَلَيْهِ أَمْرُنَا فَهُوَ رَدٌّ»

«Бизнинг ишимиздан бўлмаган ҳар қандай иш рад этилади». Бу – асл шариатга эргашиш ва унга боғланиш эканига далолат қиласи. Албатта инсон мукаллаф (масъул) бўлиб, таклифнинг маъноси мукаллафни шариат қилиш ёки тарк этиш ёки ихтиёрни тақозо қилган нарсага мажбуrlашdir. Аллоҳ Таоло айтади:

فَأَسْتَقِمْ كَمَا أُمِرْتُ وَمَنْ تَابَ مَعَكَ وَلَا تَطْغُوا إِنَّهُ وَبِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ

«Бас (эй Мұхаммад), сиз ва сиз билан бирга тавба қилган зотлар ўзингизга буюрилгани янглиғ Тўғри йўлда бўлингиз! Туғёнга тушмангиз! Албатта У Зот қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир» [Худ 112]

Шариат келишидан олдин ҳукм ҳам йўқ. Шавконий ўзининг «Иршодул Фуҳул» китобида шундай дейди: «Рисолат келиб, даъват етказилганидан кейин, ҳоким фақат шариат бўлиши борасида ҳеч қандай ихтилоф йўқ». Ғаззолий «Мустасфо» китобида айтади: «Ҳукм қилинган нарса мукаллафнинг ишидир, шариат келишидан олдин ҳукм йўқ. Ақл эса ҳоким эмас, балки ҳукмни тушунтирувчидир». Нававий роҳимаҳуллоҳ «Мажмуъ Шарҳул Мұхаззаб» китоби, таҳорат бобида шундай деганлар: «Мазҳаб китобларида шундай дейилади: шариат келишидан олдин нарсаларнинг асли нима – жоизми ёки ҳаромми ёки ҳукм йўқми? Бу борада уч машҳур йўналиш мавжуд бўлиб, муҳаққиқлар наздида улардан тўғриси шариат келишидан олдин ҳукм йўқдир. Бу вақтда инсон қилган иши устидан ҳаром ёки мубоҳ деб ҳукм чиқарилмайди, чунки ҳаром ёки мубоҳ деб ҳукм чиқариш шариатга хосдир. Энди шариат келишидан олдин қандай қилиб буни даъво қилиш мумкин. Бизнинг мазҳабимиз ва аҳли суннанинг барча мазҳабларининг фикри шундан иборатки, аҳкомлар фақат шариат билан тасдиқланиб, ақл бирор нарсани тасдиқламайди». Шотибий роҳимаҳуллоҳ «Мувафақот» китобида айтади: «Шариат келишидан олдин амаллардаги асл – таклифнинг бекор қилинишидир. Чунки ҳукмни билмасдан олдин ҳукм чиқариш

Дин яратувчи билан маҳлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҳажидир йўқ. Чунки усул уламолари наздида таклифнинг шарти таклиф қилинаётган нарсани билишдир¹. Иқтибос тугади.

(1) Имом Набаҳоний роҳимаҳуллоҳ Исломий шахсия китоби З-жузи (усулул фиқҳ)да шундай дейди: «Эгасига заар эмас, балки фойда келтирган нарса ёки амал жоиздир деган баҳона амал ва нарсалардаги асл мубоҳликдир деб айтилмайди. Чунки оятнинг маъноси шуки, инсон Пайғамбар олиб келган нарса билан чекланган, агар унга хилоф иш қилса жазоланади. Демак асл Пайғамбарга эргашиб, унинг рисолати ҳукмларига чекланишдир. Асл мубоҳлик, яъни чекловнинг йўқлиги эмас. Чунки барча ҳукм оятлари шариатга мурожаат қилиш ва унга чекланиш зарурлигига далолат қиласи. Аллоҳ Таоло айтиди:

﴿وَمَا أَحْتَلَقْتُمْ فِيهِ مِن شَيْءٍ فَحُكْمُهُ إِلَيَّ الَّهِ﴾

«(Эй Муҳаммад, мўминларга айтинг): «Сизлар (бу ҳаёти дунёда кофирлар билан) ихтилоф қилган ҳар бир нарсанинг ҳукми Аллоҳга қайтарилур» [Шўро 10]

﴿فَإِن تَنْزَعُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُوهُ إِلَيَّ الَّهِ وَالرَّسُولِ﴾

«Бордию бирон нарса ҳақида талавиб қолсангиз, у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз!» [Нисо 59]

﴿وَزَّانَا عَلَيْكَ الْكِتَبَ تَبَيَّنَتِ لِكُلِّ شَيْءٍ﴾

«Ва сизга ҳамма нарсани баён қилиб берувчи Китобни-Қуръонни нозил қилдик» [Наҳл 89]

Росулуллоҳ дедилар:

﴿كُلُّ أُمَّرٍ لَيْسَ عَلَيْهِ أَمْرُنَا فَهُوَ رَدٌّ﴾

«Бизнинг ишимиздан бўлмаган ҳар қандай иш рад этилади». Бу – асл шариатга амал қилиш ва унга чекланиш эканига далолат қиласи. Шунингдек, шариат келганидан кейин нарсалар ва амалларнинг ҳукмлари белгиланди. Демак асл шуки, шариатда нарсалар ва амалларнинг ҳукмлари борми ёки йўқми шуни текшириш лозим. Асл мубоҳликдир, деб ҳисоблаш ва шариат бўла туриб, бевосита ақлдан келиб чиқиб мубоҳ ҳукмими чиқариш мумкин эмас. Шунингдек, нарсалардаги асл тўхталиш ва ҳукм бермасликдир дейилмайди. Чунки тўхталиш амални бекор қилиш ёки шаръий ҳукмни бекор қилишдир, бу эса жоиз эмас. Чунки Қуръон ва Суннатда билмаган нарса ҳақида тўхталиш, ҳукм қилмаслик эмас, балки унинг ҳукмими сўраш айтилган. Аллоҳ Таоло айтиди:

﴿فَسَعَلُوا أَهْلَ الَّذِكْرِ إِن كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ﴾

«Агар билмайдиган бўлсангизлар, аҳли илмлардан сўранглар».

[Наҳл 43]

Росулуллоҳ таяммум ҳақидаги ҳадисда айтадилар:

﴿أَلَا سَأَلُوا إِذْ مَ يَعْلَمُوا فَإِنَّمَا شِفَاعَ الْعَيْنِ السُّؤَالُ﴾

«Билмасалар нега сўрамайдилар, чунки билмасликнинг давоси саводлир».

Демак бу асл тўхталиш ва ҳукм қилмаслик эмаслигига далолат қиласи. Шунинг учун Росулуллоҳ пайғамбар қилиб юборилганидан кейин ҳукм чиқариш шариатга хос бўлиб, шариатдан олдин ҳукм чиқарилмайдиган бўлди. Демак ҳукм шариат келишига боғлиқ бўлиб қолди, яъни ҳар бир масала учун шаръий далил шарт бўлиб қолди. Шунинг учун фақат далилдан келиб чиқиб ҳукм чиқарилади, худди шариат келганидан кейин ҳукм чиқарилгани каби. Асл шариатдаги ҳукмни излашдир, яъни асл ҳукм учун шаръий далил излашдир. Бу амалга нисбатан. Аммо нарсаларга нисбатан айтадиган бўлсан, нарсалар амалларга алоқадор бўлиб, улардаги асл агар ҳаром эканига далил келмаган бўлса, мубоҳликдир.

Нарсадаги асл мубоҳликдир, унинг ҳаромлигига шаръий далил келсагина ҳаром бўлади. Бўнинг баёни қўйидагича: шаръий нусуслар барча нарсаларни мубоҳ

г) Оламлар Роббиси Қуръони Каримнинг бир неча ўринларида бизнинг бу дунёда борлигимиз, ўлим ва ҳаётнинг яратилиши қайси биримиз яхшироқ амал қилишимизни синаш учун эканлигини баён қилган. Амал яхши бўлиши учун Аллоҳ учун самимий ният бўлиши, шариатга мувофиқ бўлиши ва шариатга таяниши керак. Шунинг учун салаф имомлари ушбу икки асосни жамлаганлар. Фузайл ибн Иёз Аллоҳ Таолонинг:

﴿لَيَبْلُوكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلاً﴾

қилган. Бу нусулар барча нарсаларни ўз ичига олган ҳолда умумий бўлиб келган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّمَا تَرَأَنَّ اللَّهَ سَخَرَ لَكُمْ مَا فِي الْأَرْضِ﴾

«Аллоҳ сизларга ердаги нарсаларни бўйсундириб қўйганини кўрмадингизми»

[Хаж 65]

Аллоҳ Таолонинг ердаги барча нарсаларни инсонга бўйсундириб қўйишининг маъноси ердаги барча нарсаларни мубоҳ қилиб қўйганидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَتَأَيَّهَا النَّاسُ كُلُّوْمَنًا فِي الْأَرْضِ حَلَلًا طَيْبًا﴾

«Эй одамлар, ердаги нарсаларни ҳалол-пок ҳолида енглар»

[Хаж 65]

﴿يَبَرُّىءُ عَادَمُ خُذُوا رِبْنَتَكُمْ عِنْدَكُلِّ مَسْجِدٍ وَكُلُّوْمَنًا وَشَرِبُوا﴾

«Эй одам болалари, ҳар бир сажда чоғида зийнатланингиз (яъни тоза либосда бўлингиз) ҳамда (хоҳлаганингизча) еб-ичаверинглар»

[Аъроф 31]

﴿هُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ ذُلُّلًا فَامْشُوا فِي مَنَاكِبِهَا وَكُلُّوْمَنَ رِزْقَهُ﴾

«У (Аллоҳ) сизлар учун ерни хокисор-бўйсунгувчи қилиб қўйган Зотдир. Бас, у (ер)нинг ҳар томонида юраверинглар ва (Аллоҳнинг берган) ризқ-рўзидан енглар»

[Мулк 15]

Нарсалар мубоҳлиги ҳақида келган оятларнинг барчаси умумий бўлиб келган. Уларнинг умумийлиги барча нарсаларнинг мубоҳлигига далилдир. Демак барча нарсаларнинг мубоҳлиги Шореънинг умумий хитоби билан келган. Уларнинг мубоҳлигининг далили ҳар бир нарсани мубоҳ қилиб келган шаръий нусулардир. Агар бирор нарса ҳаром қилинса, ушбу умумийликни хослайдиган нас керак бўлади. Шунда ўша нарса умумий мубоҳликдан истисно бўлади. Шундан келиб чиқиб айтамизки, нарсалардаги асл мубоҳликдир. Чунки шариат бирор нарсани ҳаром қилар экан, ўша нарсани умумий нусулардан истисно қиласидиган алоҳида нас келтиради. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿حُرْمَتٌ عَلَيْكُمُ الْبَيْتُ وَاللَّهُمْ وَلَحُمُ الْجَنَّةِ﴾

«Сизларга ўлакса, қон, тўнғиз гўшти ҳаром қилинди»

[Моида 3]

Росулуллоҳ дедилар:

«حُرْمَتٌ اخْسَرُهُ لِعْنَتُهَا»

«Ароқ ароқлиги учун ҳаром қилинди». Демак шариат қайсиdir нарсани ҳаром қилган бўлса, у умумий нусулардан мустасно ва аслнинг хилофи бўлади. Асл эса барча нарсаларнинг мубоҳлигидир». Иқтиbos тугади. Шунинг учун шариат келишидан олдин ҳукм йўқ, шариат масалаларида далилсиз ҳолда ақлдан содир бўлган ҳар қандай ҳукм қабул қилинмайди.

Дин яратувчи билан маҳлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҳажидир

«У сизларнинг қайсиларингиз яхшироқ амал қилгувчи эканлигингишни имтиҳон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир» [Мулк 2]

ояти ҳақида айтади: «Яхшироқ амал қилгувчидан мурод, холисроқ ва тўғрироқ амалдир». Шунда, эй Абу Али, холисроқ ва тўғрироғи нима? – деб сўрашди. У киши бундай деди: «Агар амал тўғри бўлиб, холис бўлмаса қабул қилинмайди. Холис бўлиб, тўғри бўлмаса ҳам қабул қилинмайди. Қабул қилиниш учун ҳам холис, ҳам тўғри бўлиши керак. Холис бўлиши – Аллоҳ учун бўлишидир. Тўғри бўлиши – Суннатга мувофиқ бўлишидир». Агар инсон ўз ишини тўғри йўлга қўйишига ёрдам берадиган кўрсатмага эга бўлмаса, синов ва текшириш мумкин бўлмайди. Бу эса ҳар бир таклифий амалнинг далили мавжуд бўлган шариатни сақлашни тақозо этади.

Таклиф талаб қиладиган нарсалардан бири шуки, Аллоҳ Таоло зарра мисқоличалик амални ҳам ҳисоб-китоб қилишини ваъда берган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَمَنْ يَعْمَلُ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ وَمَنْ يَعْمَلُ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ﴾

«Бас ким зарра мисқоличалик яхшилик қилса ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур»

[Залзала 7-8]

Ушбу оят зарра миқдорича амалнинг ҳам манбаси ваҳийга қайтиши ва унга кўра инсон ҳисоб-китоб қилинишини тақозо этади. Шунингдек, зарра мисқоличалик амални яхши ёки ёмон деб сифатланиши ҳам Аллоҳ томонидан бўлиши ва Аллоҳ унга кўра инсонни ҳисоб-китоб қилишини тақозо этади. Шунинг учун ёлғиз ақлнинг ҳукми шаръий ҳукм дейилмайди. Шунингдек, Аллоҳ Таоло бирор тақлифий масалада бир инсоннинг раъи ёки ақлий ҳукмига қарши чиққанни жазоламайди. Бу оятлар зарра мисқолича ва ундан катта амалларни ҳам тақлиф ўз ичига олишига қатъий далилдир (яъни, қонунчилик кенг қамровли бўлиб, қиёматгача бўлган барча инсоний муаммоларга тегишли, яъни тақлифга алоқадор буйруқ ва тақиқларни ўз ичига олади). Бу оятлар яна шариат далилларини сақлаш зарурлигини ҳамда шариат аҳкомларини истинбот қилиш ва унга кўра амал қилиш учун лозим бўлган кўрсатмаларни сақлаш кераклигини тақозо этади. Шунда инсон

ўзи бажараётган амалнинг яхши ёки ёмон эканини ажратиб олади.

д) Аллоҳ Таоло инсонларни Ўзи ҳисоб-китоб қиласиган бирор масалада ҳам беҳудага, яъни ҳеч қандай амр ва тақиқсиз ташлаб қўймади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَيُحْسِبُ الْإِنْسَنُ أَنْ يُتْرَكُ سُدًّى﴾

«Инсон ўзини бекор ташлаб қўйилишини ўйларми?!» [Қиёмат 36]

Агар бирор масала амр ёки тақиқдан холи бўлса, унда инсоннинг беҳуда ташлаб қўйилгани исбот бўларди ва уни қиласига яраша мұхосаба қилиш имконсиз бўларди. Чунки ваҳий амридан холи бўлгани учун у ишни яхши ёки ёмон деб сифатлаш мумкин бўлмасди, бинобарин у иш учун ҳисоб-китоб қилиш нотўғри бўларди. Бу эса – ҳар бир ишда амр ва тақиқ мавжудлигини, зарра мисқолича амалга ҳам ҳисоб-китоб борлигини ҳамда ўша зарра мисқолича амал ваҳийдаги манбасига биноан яхши ёки ёмон деб сифатланишини исботловчи – қатъий оятларга зиддир. Дарҳақиқат ваҳий баъзи амр ва тақиқларни исботлаш ёки далиллашда гумонга асосланишга рухсат берди ва буни диннинг бир қисми деб ҳисоблади. Уларнинг исботига гумон аралашиши уларни диндан чиқариб юбормайди. Масалан, икки мужтаҳид ихтилоф қилди, улардан бири аёл кишини ушлаш таҳоратни бузмайди деб шаръий далиллардан истинбот қилса, унинг ҳукми шаръий ва диндан бўлади. Агар иккинчиси мана шу ҳукмнинг зиддини шаръий далиллардан истинбот қилса, яъни аёлни ушлаш таҳоратни бузади деб ҳукм чиқарса, унинг ҳукми ҳам шаръий бўлади. Биринчиси, худди иккинчиси каби, бу масалада шариатнинг ҳукми шудир деган гумони ғолиб келгани учун Аллоҳга итоат қиласан бўлади. Чунки ҳар иккиси ҳам ушбу масалага оид амр ва тақиқни ҳамда у ёки бу тушунчанинг эҳтимоли бор бўлган нусусларни топдилар. Шореъ ўзининг амалга оид айрим шаръий аҳкомларидаги нусусларини бир неча йўналишга бурилишини ва бир неча маънони англатишени хоҳлагани учун мужтаҳид нусуслар ва уларнинг далолатларини тушунишда ўз ақлини ишга солди ва Аллоҳга итоат қиласиган ва ижтиҳоди етиб борган нарсага кўра ҳисоб-

Дин яратувчи билан маҳлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҳажидир китоб қилинадиган тушунчага етиб борди¹. Шореъ нусусларни ўрганиш ва тушунишда амалий чораларни қўллашга эътибор қаратганини олдин ҳам айтиб ўтган эдик. Бу нарса нафс-ҳаво билан ҳукм чиқаришдан ва нусусларни ўз истак хоҳишига кўра тушунишдан тўсади. Агар мужтаҳид буларнинг барчасидан холи бўлса ҳамда нусуслар ва уларнинг маъно ва далолатларини усул ва луғат қоидаларига кўра тушунишда ақлини ишлатса, шаръий ҳукмни чиқаради. Қисқа калималарда турли ва кўп маъноларни ўз ичига олган нусуслар ўз ичига олган бу қудрат фиқҳ илмининг кенгайишига олиб келди ҳамда нусусларни қиёматгача инсоний муаммоларни ўз ичига оладиган қилиб қўйди.

е) Мўминлар онаси Оиша  ривоят қилишича, Росулуллоҳ  дедилар:

«مَنْ أَخْدَثَ فِيْ أُمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ فِيهِ، فَهُوَ رَدٌّ»

«Ким бизнинг ишимиизда ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса, у рад этилади». Муслим ривояти. Нававий ҳадиснинг шарҳида бундай дейди: «Иккинчи ривоятда:

«مَنْ عَمَلَ عَمَلاً لَيْسَ عَلَيْهِ أُمْرِنَا فَهُوَ رَدٌّ»

«Ким бизнинг ишимииздан бўлмаган ишни қилса, у рад этилади» деган. Араб тили олимларига кўра, ҳадисдаги (الرد) калимаси рад этилган маъносида бўлиб, ҳисобга олинмайдиган ботил деганидир. Бу ҳадис Ислом динининг буюк асосларидан бири ҳамда Росулуллоҳ  нинг қисқа, аммо чуқур маънога эга ҳадисларидандир. Бу ҳадис ҳар қандай бидъат ва тўқималарни очиқ инкор қилмоқда. Иккинчи ривоят бу маънони янада кучайтиради. Чунки баъзи одамлар бидъатни қилиб туриб, мен ҳеч қандай янгилик пайдо қилмадим, дейиши мумкин. Шунда унга иккинчиси, яъни барча бидъатларни рад этадиган очиқ ҳадис билан қарши чиқилади. Бу бидъатни ўша киши пайдо қилганми ёки ундан олдингиларми фарқи йўқ... Бу ҳадис ёдда сақланиши, мункарларни бекор қилишда фойдаланилиши ва уни далил қилиб келтириш кенг ёйилиши лозимдир». Иқтиbos тугади.

(1) «Суннатнинг ваҳий экани, унинг сақлангани, унинг ҳужжатлиги ва дин усусларидан бири эканига очиқ ҳужжат» номли китобимиздаги «Амалга оид шаръий ҳукмлар гўмонга асосланган бўлиши мумкинлигининг исботи» номли бобга қаранг.

Шунингдек, ақлга таянган, шаръий далиллар ва кўрсатмалардан холи бўлган, ваҳийдан узилган ва аслдан ажралган ҳукм рад этилади. Чунки у бизнинг ишимиизда ундан бўлмаган, яъни ундан олинмаган ишни пайдо қилишдир. Бу фатво асосида амал қилиш бизнинг амримизга тўғри келмайдиган амал бўлиб, у рад этилади ва у ботилдир.

ж) Аллоҳ Таоло пайғамбар юбормагунча азобламаслиги аниқ ҳақиқатдир. У зот одамларни ўзи огоҳлантирган ва уларга нимадан қўрқиш кераклигини баён қилган нарсага кўра ҳисоб-китоб қиласди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُضْلِلَ قَوْمًا بَعْدَ إِذْ هَدَنَاهُمْ حَتَّىٰ يُبَيِّنَ لَهُمْ مَا يَتَّقُونَ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾

«Аллоҳ бирон қавмни ҳидоят қилганидан кейин то уларга сақланишлари лозим бўлган нарсаларни аниқ баён қилиб бермагунича, уларни йўлдан оздиргувчи бўлмади (яъни ҳамма нарсани билиб туриб ўзларини сақламаган кимсаларнигина йўлдан оздирди). Албатта Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчиидир» [Тавба 115]

﴿مَنِ اهْتَدَى فَإِنَّمَا يَهْتَدِي لِنَفْسِهِ وَمَنْ ضَلَّ فَإِنَّمَا يَضْلُلُ عَلَيْهَا وَلَا تَرْزُّ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ وَمَا كُنَّا مُعَذِّبِينَ حَتَّىٰ نَبْعَثَ رَسُولًا﴾

«Ким ҳидоят йўлига юрса, бас, ўзи учун юрап. Ким (ҳидоят) йўлидан озса, у ҳам ўз зиёнига озур. Ҳеч бир кўтаргувчи (яъни, гуноҳкор жон) ўзга жоннинг юкини (яъни гуноҳини) кўтармас. Биз то бирон пайғамбар юбормагунча (у орқали ўзимизнинг амру фармонларимизни юбориб, унга итоат қилишдан бош тортмагунларича, бирон кимсани) азоблагувчи эмасмиз». [Исрой 15]

﴿وَأَوْجِيَ إِلَىٰ هَذَا الْفُرْعَانُ لَا نُنَذِّرُكُمْ بِهِ وَمَنْ بَلَغَ﴾

«Сизларни ва Қуръон етиб борган кишиларни (охират азобидан) огоҳлантиришим учун менга мана шу Қуръон ваҳий қилинди» [Анъом 19]

﴿فَلِإِنَّمَا أَنذِرْكُمْ بِالْوُحْيِيٍّ وَلَا يَسْمَعُ الْصُّمُّ الْدُّعَاءَ إِذَا مَا يُنَذَّرُونَ﴾

«Айтинг: «Мен сизларни фақат ваҳий билан қўрқитиб-огоҳлантирурман. (Лекин) гунглар (яъни динсизлар) ўзлари

Дин яратувчи билан маҳлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҳажидир учун охиратда азоб борлиги ҳақидаги ваҳий билан) қўрқитилаётган вақтларида даъватни эшиштмайдилар»

[Анбиё 45]

﴿رَسُّلًا مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ لَئِلَّا يَكُونُ لِلنَّاسِ عَلَى اللَّهِ حُجَّةٌ بَعْدَ الرُّسُلِ وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا﴾

حَكِيمًا

«Токи бу пайғамбарлар ўтганларидан кейин одамлар учун Аллоҳга қарши ҳужжат бўлиб қолмаслиги учун пайғамбарларни (мўминларга жаннат ҳақида) хушхабар элтувчи ва (кофирларни дўзах азобидан) қўрқитувчи қилиб юбордик. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Зотдир»

[Нисо 165]

Бу оятлар ваҳийни огоҳлантирувчи сифатида нозил бўлганини ва унинг ҳукмлари огоҳлантирилганларга ҳужжат эканини кўрсатади. Кимга очиқ-ойдин огоҳлантириш келса, унга қарши ҳужжат қоим бўлади ва унга қарши чиқса, жазога лойик бўлади. Ким Исломнинг ҳукмларини инкор қилиб, ўрнига бошқасини қабул қиласа ёки ўз замонидан бошқа замонга қўйса, Ислом рисолати асосланган улуғ асослардан бирига қарши чиққан бўлади. Ким Исломни тўлиқ эмас деб ҳисобласа, башариятга туширилган ҳужжатга қарши бўлади. Ким қонунчиликка асоси ақл бўлган нарсани киргизса, мазкур оятларга қарши чиққан бўлади. Оятларки, огоҳлантиришни ваҳийга чеклаб, ваҳий мукаллафлар нимадан сақланиши кераклигини баён қилиш учун келганини айтмоқда. Шунингдек, ваҳий асосида ҳужжат қоим бўлади ва ҳисоб-китоб, савоб ва жазо тайинланади.

з) Огоҳлантириш фақат ва фақат ваҳий билан бўлади. Ваҳийдан бошқа қонунга эргашиш қатъян қайтарилиган. Башариятга у орқали ҳужжат қоим бўладиган огоҳлантириш ўрнатилиши, инсоният чиқарган қонунларнинг йўлини тўсиш ва одамларга фақат ваҳийга эргашиш имконини бериш учун ваҳий сақланиб қолиши керак. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَتَتَبِعُ مَا أُوحِيَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ﴾

«(Эй Мұхаммад), Парвардигорингиздан сизга ваҳий қилинган нарсаларга эргашинг» [Анъом 106]

﴿أَتَتَبِعُوا مَا أُنْزِلَ إِلَيْكُمْ مِنْ رَبِّكُمْ وَلَا تَتَبَعُوا مِنْ دُونِهِ أَوْلَيَاءَ قَلِيلًا مَا تَذَكَّرُونَ﴾

Дин яратувчи билан махлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҗажидир

«(Эй инсонлар), сизларга Пареардигорингиздан нозил қилинган нарсага (Китобга) эргашингиз, ундан ўзга «дўстларга» эргашмангиз! Камдан-кам панд-насиҳат олурсизлар» [Аъроф 3]

﴿فُلِ إِنَّمَا أَنْذِرُكُمْ بِالْوُحْيٍ وَلَا يَسْمَعُ الْقُصُمُ الْدُّعَاءَ إِذَا مَا يُنذَرُونَ﴾

«Айтинг: «Мен сизларни фақат ваҳий билан қўрқитиб-оғоҳлантирурман. (Лекин) гунглар (яъни динсизлар ўзлари учун охиратда азоб борлиги ҳақидаги ваҳий билан) қўрқитилаётган вақтларида даъватни эшишишмайди»»

[Анбиё 45]

Ваҳий бу Китоб ва Суннат, ваҳий бу ҳужжат ва тўлиқ огоҳлантиришдир. Дарҳақиқат ваҳий тўхтаган. Мұхаммад Қасимдан кейин Аллоҳ үнга янги қонунлар нозил қиласидиган ёки йўқолган қонунларни янгилайдиган пайғамбар йўқ. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿مَا كَانَ مُحَمَّدُ أَبَا أَحَدٍ مِنْ رِجَالِكُمْ وَلَكِنْ رَسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمُ النَّبِيِّينَ﴾

«Мұхаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг пайғамбари ва пайғамбарларнинг сўнггисидир»

[Аҳзоб 40]

Бу эса Ислом динига – ақида ва шариатига – даъват қилинган кишиларга қиёмат кунигача тўлиқ ва мукаммал ҳужжат қолиши зарурлигига далолат қиласиди. Шунингдек, бу ҳужжат Китоб ва Суннатда тўла, сақланган, аниқ ва очиқ-ойдин ҳолда одамларга етиб бориши зарур. Бас, Ислом низоми ўз ақидаси ва шариати билан мукаммалдир. Бирор масала ваҳийга боғланган қонундан холи эмас. Унда ушбу масалада зулм бўлишига олиб борадиган бирор инсоний қонун мавжуд эмас. Бу эса қиёматгача башариятга адолат мезонини ўрнатиш орқали неъматни мукаммал қилиш учун шариатни Қуръон ва Суннат билан асраб авайлашни талаб қиласиди.

Имом Ибн Ҳазм Андалусий

﴿أَلْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِيَنَكُمْ وَأَنْتُمْ عَلَيْكُمْ بَعْدَمِي وَرَضِيَتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِيَنًا﴾

«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим» [Моида 3]

оати ҳақида шундай дейди: Аллоҳ Таоло бизга Ислом шариатини баён қилиб беришни Ўз Пайғамбарига буюрган.

Дин яратувчи билан маҳлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҳажидир

Кимки шариат сақланиб қолмаслиги мүмкін, у ўзгариши ҳамда ҳеч қачон ажратиб бўлмайдиган даражада ёлғон билан аралашиб кетиши мүмкін деса, унга бундай деймиз: сен унда Аллоҳ Таолонинг динимизни комил қилгани, Исломни бизга дин қилиб танлагани ва Исломдан бошқа барча динларни қабул қилишдан қайтаргани қандай бўлишини айтиб берчи?! Бу нарса қиёматгача биз учун боқий қоладими? Ёки бу фақат саҳоба  лар учунми? Ёки саҳобалар учун ҳам, биз учун ҳам эмасми? Юқорида айтилган уч важҳдан биттаси тўғри бўлиши лозим. Агар жавоб: буларнинг ҳаммаси қиёматгача биз учун боқий қолади, деган жавоб бўлса, Исломнинг барча қонун-қоидалари комил ва биз учун неъмат бенуқсон бўлгани тўғри бўлади. Бу Росууллоҳ  дин борасида айтган сўzlари ва бизга лозим бўлган нарсалар ҳақидаги баёнларининг сақланиб қолганига ҳамда унга ундан бўлмаган нарса аралашмаганига қатъий далилдир¹. Иқтиbos тугади.

и) Аллоҳ Таоло Аъроф сурасининг 3-оятида эргашиш фақат Аллоҳ нозил қилган нарсага чекланишини айтди. Аллоҳ Таоло Қуръони Каримда Ўз Пайғамбари тилида айтади:

﴿إِنَّ أَتَبْيَعُ إِلَّا مَا يُوحَىٰ إِلَيَّ وَمَا أَنَا إِلَّا نَذِيرٌ مُّبِينٌ﴾

«Мен фақат ўзимга ваҳий қилинадиган нарсага эргашурман.

Мен фақат очиқ огоҳлантиргувчиман»

[Аҳкоф 9]

Аллоҳ Таоло яна айтади:

﴿وَاتَّبِعْ مَا يُوحَىٰ إِلَيْكَ مِن رَّبِّكَ﴾

«Ва (фақат) сизга Парвардигорингиз томонидан ваҳий қилинган оятларга эргашинг» [Аҳзоб 2]

Аллоҳ Таоло огоҳлантириши ваҳийга чеклаб, буни қуйидаги ояти билан таъкидлади:

﴿فُلْ إِنَّمَا أَنذِرْكُم بِالْوُحْيِ﴾

«Айтинг: «Мен сизларни фақат ваҳий билан қўрқитиб-огоҳлантиурман» [Анбиё 45]

Яъни огоҳлантириш ҳамда сўз ва амалдаги эргашиш фақат ваҳийга чекланган бўлади.

(1) Ибн Ҳазм Андалусийнинг «Ихком фи усулил аҳком» китоби 1-жуз, 122-123 саҳифалар. Дорул Кутуб Илмийя, Байрут, 1405 ҳижрий, 1985 милодий.

Аллоҳ Таоло Пайғамбар  га эргашишга буюрди. Бу эса Пайғамбарнинг буйруқ ва қайтаруви Аллоҳ нозил қилган нарса, яъни ваҳийдан эканлигига далолат қиласи. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَتَيْعُوا مَا أُنْزِلَ إِلَيْكُمْ مِّن رَّبِّكُمْ وَلَا تَتَّبِعُوا مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءَ قَلِيلًا مَا تَذَكَّرُونَ﴾

«(Эй инсонлар), сизларга Парвардигорингиздан нозил қилинган нарсага (Китобга) эргашингиз, ундан ўзга «дўстларга» эргашмангиз! Камдан-кам панд-насиҳат олурсизлар»

[Аъроф 3]

Аллоҳ Таолонинг

﴿أَتَيْعُوا مَا أُنْزِلَ إِلَيْكُمْ﴾

(Сизларга нозил қилинган нарсага эргашингиз), деган қавли нимага амал қилиш кераклигини кўрсатадиган қатъий баён бўлса,

﴿وَلَا تَتَّبِعُوا﴾

(Ундан ўзга «дўстларга» эргашмангиз) қавли бошқа ҳар қандай нарсага амал қилишни тақиқловчи қатъий чекловдир. Уммий (саводсиз) Пайғамбарга эргашишга буюриш унинг сўзи, амали, буйруфи ва қайтаруви ваҳийдан эканига далилдир.

й) Дин ўзи мукаммал бўлиб, унда ҳар бир нарсанинг баёни бор. Дарҳақиқат Аллоҳ динни мукаммал қилиб, у орқали мусулмонларга бўлган неъматини тўлиқ қилди ва кофирларни ундан ноумид қилди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿الْيَوْمَ يَسِّئُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ دِينِكُمْ فَلَا تَخْشُوهُمْ وَأَخْشُونَ الْيَوْمَ أَكْمَلُتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَّمَتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيَتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

«Бугун энди кофир бўлган кимсаларнинг сизларни динингиздан (чиқаришдан) умидлари узилди. Бас, улардан қўрқмангиз. Мендан қўрқингиз! Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим»

[Моида 3]

Аллоҳ Таоло бизга Исломни дин сифатида рози бўлар экан, бирор кишидан Исломдан бошқа динни қабул қилмаслигини ваъда берди – Унинг ваъдаси ҳақ – ва Исломдан бошқа динни

Дин яратувчи билан маҳлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҳажидир ушлаганларни охиратда зиён кўрувчилардан бўлишини айтди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَن يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَأَن يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَسِيرِينَ﴾

«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг дини Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир» [Оли Имрон 85]

Бу эса Аллоҳ Таоло инсониятдан Исломдан бошқасини дин (ақида ва шариат, яъни ҳаёт низоми) сифатида ҳеч қачон қабул қилмаслигига далилдир.

Аллоҳ Таоло қонунчиликни мукаммал қилиб, инсоннинг зарра мисқоличалик амалини ҳам қолдирмай, у ҳақида унинг яхши ёки ёмонлигини баён қилиб берган ҳукмни берди ва уни эргашиш вожиб бўлган таклиф қилиб қўйди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَيَحْسَبُ الْإِنْسَنُ أَنْ يُتَرَكُ سُدًّى﴾

«Инсон ўзини бекор ташлаб қўйилишини ўйларми» [Қиёмат 36] яъни бирор жабҳада буйруқ ва қайтарувсиз ташлаб қўйиладими? Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَمَن يَعْمَلُ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ وَمَن يَعْمَلُ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ وَ﴾

«Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса (Қиёмат кунида) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур» [Залзала 7-8] Демак ваҳийдан бир баён қилувчи бўлиб, ҳар бир амалда яхшини ёмондан ажратиб бериши керак, токи үнга кўра ҳисобкитоб тўла бўлсин.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تِبْيَانًا لِكُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً وَبُشْرَى لِلْمُسْلِمِينَ﴾

«Сизга – ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун хушхабар бўлган Китобни-Куръонни нозил қилдик». [Наҳл 89]

﴿وَمَا أُخْتَلَفْتُمْ فِيهِ مِنْ شَيْءٍ فَحُكْمُهُ وَإِلَى اللَّهِ﴾

«Сизлар (бу ҳаёти дунёда кофирлар билан) ихтилоф қилган ҳар бир нарсанинг ҳукми (қиёмат кунида) Аллоҳга (қайтарилур ва У Зот ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини ажратиб берур)» [Шўро 10]

﴿فَإِن تَنْرَعُّثُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُوْهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ﴾

«Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз!» [Нисо 59]

Диннинг ўзи ваҳийга боғлиқ экани далиллар билан событдир. Аллоҳ Таолонинг бизни ҳар қандай келишмовчиликни Аллоҳ ва Росули, яъни Қуръон ва Суннатга қайтаришга буюриши, Қуръон ва Суннатда ўша келишмовчиликнинг ҳукми борлигини англатади. Аллоҳ Таолонинг қонун чиқариш ҳуқуқини фақат Ўзига чеклаши ва ҳар қандай келишмовчиликнинг ҳукми Аллоҳга қайтишидан аён бўладики, ўша нарсанинг ҳукмини Қуръон ва Суннатда баён қилиб берган бўлиши лозим.

Бу лафзлар (ما و), (من شيء)، (كل شيء) في شيء каби умумийликни англатувчи сийғаларда келган. Уларнинг барчаси умумийликни ифодалайди. Яъни ҳар бир ҳодисанинг унга нисбатан позицияни белгиловчи ҳукми бўлади.

Аллоҳ Таолонинг:

﴿تَبَيَّنَ لِكُلِّ شَيْءٍ﴾

«Ҳар бир нарсани баён қилгувчи» [Наҳл 89]
деган қавлининг умумийлигига кўра ҳамда Аллоҳ Таоло бу динни мукаммал қилди деган очиқ нусусга кўра банда учун далили бўлмаган ёки ҳукмга далолат қилувчи кўрсатма бўлмаган амал бўлиши шаръян мумкин эмас. «Баъзи ҳодисаларнинг шаръий ҳукми йўқ, яъни бандаларнинг баъзи амаллари борки, шариат уларга далил ёки унинг мақсади ҳақида мүкаллафи огоҳлантирувчи кўрсатма келтирмай уларни бутунлай эътиборсиз қолдирган» деган даъво – бу ерда Қуръон баён қилмаган нарса бор ҳамда ҳукми зикр қилинмаган амалнинг мавжудлиги сабабли бу динни Аллоҳ мукаммал қилмаган¹, демак у тўлиқ бўлмаган диндир деган маънони англатади. Бу эса Қуръоннинг нусусларига зиддир ва шунинг учун ҳам у ботил даъводир². Бу оятлар Қуръон ва Суннат ҳамда уларнинг ичидаги қонунчиликка бўлган далиллар сақланиши

(1) «Қонунчиликда бўшлиқ йўқ», номли бобга қаранг.

﴿الْيَوْمَ أَكْلَمْ لَكُمْ دِيَنَكُمْ﴾

«Бугун сизларга динингизни комил қилдим» [Моида 3]

(2) Тақийюддин Набаҳонийнинг «Исломий шахсия китоби (Усуул фиқҳ) З-жузиға қаранг.

Дин яратувчи билан махлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҳажидир лозимлигини тақозо этади. Шунда, мужтахид бу Шореънинг ҳукми деган гумоннинг ғолиб келиши орқали ваҳийдан истинбот қилингандар шаръий ҳукмни чиқаришга қодир бўлади. Уларнинг сақланиб қолмаслиги эса баён ва тушунтиришнинг йўқолишига олиб келади.

к) Шак-шубҳасиз Аллоҳ Таоло Қуръон ва Суннатни одамлар барча ишларида улардан ҳукм излашлари, келишмовчиликларда унга мурожаат қилишлари ва ҳар бир ҳодисада у билан ҳукм чиқаришлари учун нозил қилди. Шунга кўра, улар дунё ва охиратда ҳисоб-китоб қилинадилар ва шу асосда Ислом ҳукмларига содиқликлари кўринади ва даражалари ажралади. Натижада ё савоб оладилар ёки гуноҳкор бўладилар. Агар ўша ҳукмлар ҳозирги замонда сизга етиб келмасдан йўқолса, уларнинг нима маъноси бор?! Уларга риоя қилмаганингиз туфайли жавобгарликка тортилишингиз мумкинми? Уларнинг йўқолиши адолат кўзланган жойда зулм ўрнашини англатмайдими? Бу – ҳукмлар етиб келган одамларга ҳужжат қоим бўлиб, етиб келмаганларга қоим бўлмаслигини англатмайдими? Бу – ҳукмлар етиб келмаганлар Шореънинг ниятини тушунмайдилар ва бу йўқотиш туфайли қонунлар юборилган мақсад амалга ошмайди, дегани эмасми? Бу шариат олиб келган ижмолий ҳукмлар уларни тафсилоти билан тушунтириб берадиган Суннатдан ажралиб қолганини ва воқеликка бегона бўлиб, татбиқ қилиб ҳамда тушуниб бўлмайдиган тилсимга айланганини англатмайдими? Бу билан Қуръон ҳар бир нарсани баён қилувчи деган сифатини йўқотмайдими? Шунинг учун Суннат Қуръон сақланиб қолганидек сақланиб қолиши лозим. Токи Аллоҳ Таоло рози бўлган Ислом билан Аллоҳ Таолонинг башариятга неъмати тўла бўлсин. Токи Аллоҳ Таоло Уммат учун рози бўлган халифа қилиш амалга ошган вақтда, у иккиси билан дин барпо бўлсин.

Имом Шофеий роҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Мен айтдим: фарз биз, биздан олдингилар ва биздан кейингилар барчага бир хилми? У: Ҳа, деди. Мен: Росулуллоҳ нинг буйруғига эргашиб бизга фарз бўлса, бу фарзни адо этиш учун у зот бизга буюрган барча нарсаларни иҳота қила оламизми? – дедим. У:

ҳа, деб жавоб берди. Мен айтдим: Сиз ё сиздан олдин ёки кейин келган ва Росууллоҳ ﷺни күрмаган киши Аллоҳ Таолонинг фарзини, яъни Росууллоҳ ﷺга эргашини бажаришда Росууллоҳ ﷺдан келган хабарлардан бошқа йўл топа оладими? Менинг бунга фақат хабар орқали амал қила олишим Аллоҳ Таоло менга Росууллоҳ ﷺнинг ҳадисларини қабул қилиш мажбуриятини юклаганини англатади¹.

Аллоҳ Таоло Ислом динини барча одамларга нозил қилди² ва рисолатни пайғамбарлик замонида яшаганларга чекламади. Ваҳий орқали нозил бўлган ақида, шариат, қиссалар ва хитоб барча одамларга умумийдир. У Росууллоҳ ﷺ юборилгандан қиёмат кунигача бўлган барча башариятга қаратилган. Аллоҳ Таоло айтди:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَةً لِلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا وَكَيْنَ أَكْثَرُ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«(Эй Мұхаммад), Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга: (мұмынларга жаннат ҳақида) хушхабар бергувчи, (коғирларни дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи бўлган ҳолингизда, пайғамбар қилиб юбордик. Лекин кўп одамлар билмаслар»

[Сабаъ 28]

⁽¹⁾ «Ал-Умм», 7-қисм, 251-саҳифа, ёки Шофеийнинг «Илмлар тўплами» 21-22 саҳифалар. Доктор Абдуғаний Абдухолиқнинг Суннатнинг ҳужжатлиги китоби 262-263 саҳифалар, Дорул Оламия Лилкитабил Исламий, Халқаро Исломий фикр институти 1995 йил нашри.

⁽²⁾ Имом Ибн Ҳазм «Иҳом» китобининг 1-жилд, 97-саҳифасида Аллоҳ Таолонинг:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ آتَيْنَا أَطْبَعِنَا اللَّهَ أَطْبَعُوا الرَّسُولَ وَأُولَئِكُمْ مِنْكُمْ قَاتَلُوكُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُودٌ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ حَيْرٌ وَأَحْسَنُ ثَوْبًا وَلِيَ﴾

«Эй мұмынлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз – агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз – у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир» [Нисо 59]

оятидаги «қайтаринг» сўзи ҳақида шундай дейди: «Қайтаринг»дан мурод Қуръон ва Росууллоҳ ﷺдан бўлган хабарга қайтаринг эканининг далили шуки, Уммат бу хитоб бизга ва қиёматгача яратиладиган ва рух бериладиган инсу жинларга ҳамда Росууллоҳ ﷺ даврида бўлган ва у зотдан кейин келган ҳар бир кишига қаратилганига ижмо қилгандир. Доктор Абдуғаний Абдухолиқнинг Суннатнинг ҳужжатлиги китоби 263-саҳифа, Дорул Оламия Лилкитабил Исламий, Халқаро Исломий фикр институти 1995 йил нашри.

﴿قُلْ يَأَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا الَّذِي لَهُ وَمُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ يُحْيِي وَيُمِيتُ فَقَاتِلُوهُ الَّتِي أَلْأَمَّيَ الَّذِي يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَكَلَمَتِهِ وَاتَّعُوهُ لَعَلَّكُمْ تَهَدُونَ﴾

«Айтинг (эй Мұхаммад): «Эй одамлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ (юборган) элчиман. У шундай зотки, самовот ва ер Унинг мулкидир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. Ҳаёт ва ўлтим берадиган ҳам Унинг Ўзидир. Бас, Аллоҳга ва Унинг элчисига – Аллоҳга ва Унинг сўзларига ишонадиган уммий пайғамбарга – иймон келтириңгиз ва унга эргашингиз, шояд ҳидоят топурсиз»

[Аъроф 158]¹

Бу хитоб Аллоҳ Таолонинг:

﴿قُلْ يَأَيُّهَا النَّاسُ﴾

деган қавлига кўра барча инсонларга қаратилган хитобдир. Инсон деб аталган ҳар бир киши, яъни бу умумий хитоб нозил бўлгандан то қиёматгача бўлган одамларга Пайғамбаримиз юборилгандир. Аллоҳ Таоло бу умумийликни қуидаги қавли билан таъкидлаган:

﴿إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ﴾

(*Албатта мен сизларга (юборилган) Аллоҳнинг элчисиман*). Бу ерда хитоб қилинганлар орасида инкор этиб, иккиланганлар борлигини инобатга олиб, хабарни таъкидлаш учун (ан) калимаси қўлланилган. Хитоб қилинганларнинг (жемиу) билан таъкидланиши нусусни умумий эканини кўрсатади. Токи Пайғамбаримизнинг рисолати маълум одамлар ёки маълум

⁽¹⁾ Улусий, Розий ва Ибн Ошур тафсирлари, Шаъровийнинг Фикрлар китоби. Доктор Фозил Сомирой айтади: «Бу сифатлар яхудийларга эслатиш ва насиҳат қилиш учун келтирилди. Чунки улар Мұхаммад  пайғамбарлигини инкор этиб, Мусодан кейин пайғамбар йўқлигини даъво қилишди ва Мұхаммаднинг даъватини оғир олишди. Улар ҳеч бир элчи Мусога ўхшамайди деб эътиқод қилишарди. Шунда Аллоҳ Таоло осмонлару ернинг соҳиби ёлғиз Ўзи эканини, фазилатни хоҳлаганига беришини, бир пайғамбар жўнатиб, кейин бошқасини жўнатиш унчалик катта иш эмаслигини, бу нарса Унинг қўлида эканлигини эслатди. Тирилтириш ва ўлдиришни эслатар экан, уларга Аллоҳ Таоло шариатни ва бошқасини тирилтиришни эслатмоқда. Шундай экан, бу ерда ушбу сифатлар зикр қилинаётганидан ажабланманг, чунки қисса буюқдир».

Дин яратувчи билан махлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҗажидир замонга хосланиб қолмасин ҳамда даъват барча одамларга етказилсін.

л) Ҳужжат одамларга қарши событдир. Шунинг учун пайғамбарлардан кейин одамларнинг Аллоҳ ҳүзүрида узлари йүқ. Бу эса ҳужжат қиёматгача қоим бўлишини тақозо қиласди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿رُسُلًا مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ لِئَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَى اللَّهِ حُجَّةٌ بَعْدَ الرَّسُولِ وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا﴾
حَكِيمًا

«Токи бу пайғамбарлар ўтганларидан кейин одамлар учун Аллоҳга қарши ҳужжат бўлиб қолмаслиги учун пайғамбарларни (мўминларга жаннат ҳақида) хушхабар бергувчи ва (коғирларни дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи қилиб юбордик. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир» [Нисо 165]

Агар диндан бирор нарса йўқолса, дин ўша нарсанинг жузлари ҳақидаги ҳужжатсиз қолади. Бу эса далил қоим бўлиши ва унга кўра ҳисоб-китоб қилинишига зиддир.

м) Суннатдан бирор нарсанинг йўқолиши Қуръонда нозил бўлган диндан бирор нарсанинг баёни йўқолишини билдиради. Бу эса, Қуръон баён қилувчи деган сифатини йўқотди деганидир. (Дарҳақиқат Қуръон Суннатни баён қилувчи қилиб белгилаган). Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلْ أَطِيعُو اللَّهَ وَأَطِيعُو أَرْرَسُولَ فَإِنْ تَوَلَّوْا فَإِنَّمَا عَلَيْهِ مَا حُمِّلَ وَعَلَيْكُمْ مَا حُمِّلْتُمْ وَإِنْ تُطِيعُوهُ تَهْتَدُوا وَمَا عَلَى أَرْرَسُولٍ إِلَّا أَبْلَغَ أَمْبِيلِينَ﴾

«Айтинг: «Аллоҳга бўйсунингиз ва пайғамбарга бўйсунингиз! Энди агар юз ўгирсангизлар бас, (пайғамбар) зиммасида ўзига юкланган нарса (яъни одамларга Аллоҳнинг динини етказиш) бордир, сизларнинг зиммангизда эса ўзларингизга юкланган нарса (пайғамбарга бўйсуниш) бордир. Агар унга бўйсунсангиз ҳидоят топасиз. Пайғамбар зиммасида (сизларни зўрлаб динга киргизиш эмас, балки) фақат (сизларга Ҳақ динни) етказиш бордир» [Нур 54]

Бу дин зое бўлишдан сақланган ва Суннат ҳам зое бўлишдан сақланган деганидир. Суннатнинг барчаси бизгача етиб келган. Чунки у билан Қуръон баён қилинади, унинг ижмолий ҳукмлари муфассал бўлади, мутлақ ҳукмлари қайдланади,

Дин яратувчи билан маҳлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҳажидир лафзлари шарҳланади ҳамда аҳком ва маънолари изоҳланади. Суннат билан дин мукаммал бўлади. Бизнинг вазифамиз унинг саҳиҳини заифидан ажратишдир. Зеро шаръий ҳукмларнинг катта қисми Суннатдан олинган. Чунки Суннат Қуръонни баён қиласди ва уни шарҳлаб, тушунтиради. Фуруъларни асосига боғлайди ҳамда Қуръонда асли бўлмаган янги ҳукмларни қонунийлаштиради. Дин Суннат билан мукаммал бўлган, неъмат тўла бўлган ва Аллоҳ Таоло бизга Исломни Қуръон ва Суннатдаги аҳкомлари билан бирга дин қилиб танлаган. Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло айтади:

﴿وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ وَلَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ﴾

«Сизга эса одамларга нозил қилган нарсаларни (яъни, шариат аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун ва шояд тафаккур қилсалар, деб бу эслатмани-Қуръонни нозил қилдик» [Наҳл 44]

Аллоҳ Таоло яна айтади:

﴿وَمَا أَنْزَلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ إِلَّا لِتُبَيِّنَ لَهُمُ الَّذِي أَخْتَلَفُوا فِيهِ وَهُدًى وَرَحْمَةً لِّقَوْمٍ يُوَمِّنُونَ﴾

«Биз сизга иймон келтирган қавм учун ҳидоят ва раҳмат бўлган бу Китоб-Қуръонни фақат уларга ўзлари ихтилоф этаётган нарсаларни баён қилиб беришингиз учунгина нозил қилдик» [Наҳл 64]

Шаръий ҳукмга етишнинг муфассал асослари мавжуд бўлганига қарамай, гумоннинг ғолиб келиши билан шаръий ҳукмларга етиш йўлига ҳам рухсат берилган. Айрим Қуръон оятларининг далолати зонний (гумонли) бўлиши мумкин бўлгани каби, Суннатда келган оҳод хабарларнинг субути ёки далолати зонний бўлиши мумкин. Шунинг учун, усули фиқҳга кўра, дин тўлалигича Аллоҳ Таолонинг ҳар бир иш, ҳар бир масала ва ҳодисага алоқадор буйруқ ва қайтарувларини рўёбга чиқаради. Шунингдек, зарра мисқоличалик амалга кўра ҳисоб-китоб қилиш ва унга кўра яхшилик ёки ёмонликка эришиш имкониятини рўёбга чиқаради. Шунинг учун бу динни бизга етказганларнинг ижмоси қатъий бўлиши керак, акс ҳолда, диннинг событилиги, мукаммаллиги ва барча нарсаларни ўз ичига олганлигининг қатъийлиги ҳақида шўбҳа пайдо бўлади. Бизга буйруқ ва қайтарув етиб келиб, ҳисоб-китоб қилиш имконияти рўёбга чиқдими, демак динни мукаммал ҳолда

Дин яратувчи билан махлуқотлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳаёт манҗажидир етказган ва улар туфайли дин барқарор бўлган кишиларнинг ижмолари тўғрилиги ҳақида қатъий ишонч пайдо бўлади.

н) «Суннатнинг ваҳий эканлиги ва унинг (Аллоҳ томонидан) мухофаза қилингани унинг ҳужжат ва дин асосларидан бири эканлигига очиқ ҳужжат» номли китобимизда ҳадис илмлари ва уларнинг тафсилотлари манҗажининг нозиклиги орқали Суннатни сақлашни батафсил баён қилдик.

Демак таклиф тақозо этадиган нарса шуки, биз шаръий ҳукмларни воқеаларга тушириш амалиётини билишимиз керак. Токи ҳар бир воқеа учун инсоннинг ҳаёт тарзини тартиблаштирадиган ҳамда мукаллафнинг амалларини ва бир-бирлари билан бўладиган алоқаларининг ҳукмларини муолажа қиласиган, шунингдек, давлат, ҳаёт ва жамият низомлари ҳақидаги аҳкомларни баён қиласиган шаръий ҳукм чиқарилсин. □

ФАРБ ҲАЗОРАТИ ҲАЛОКАТ ВА ТҮЛИҚ ҚУЛАШ ЁҚАСИДА

**Абдулхолик Абдун Али
Хизб ут-Таҳрир – Судан вилояти
матбуот бўлими аъзоси**

Фарб ҳазоратининг ниҳояси бошланди, унинг қуёши ботадиган ва шон-шуҳрати сўнадиган вақт келди. У дафн маросимининг эълон қилинишини кутмоқда... Чунки у ўзининг барча қадриятларини тугатди. У ҳозир инсоният тарихи давомида дуч келмаган ахлоқий таназзул, тубан турмуш тарзи ва маънавий қашшоқликнинг энг паст даражасига тушиб қолди.

Фарб ҳазоратининг ҳақиқати ва унинг қадриятлари ҳақида фикр юритган ҳар бир киши унинг улуғланаётган «колий қадриятлари» асл воқеликка зид келишини кўради. Чунки Фарб жамиятларининг барча жабҳаларида бузук қадриятлар ва ахлоқсизлик кенг тарқалгани ҳар бир кўзи очиқ ва соғлом табиатли кишиларга сир эмас.

Фарб жамиятлари мисли кўрилмаган даражада ахлоқий таназзулдан ва ҳатто ҳайвонлар ҳам ўзига муносиб кўрмайдиган қадриятлар таназзулидан азият чекмоқда. Бунга гомосексуализм, маҳрамлар ўртасидаги зино, оиланинг бузилиши, эр-хотин ўртасидаги хиёнатга олиб келадиган ўткинчи хиёнаткорона муносабатлар билан жинсий истакни қондириш, ажралишнинг юқори кўрсаткичлари, вояга етмаганлар ҳомиладорлиги, аборт, турмуш қуриш ва туғишдан бош тортиш каби иллатларнинг кенг тарқалганини мисол қилиш мумкин. Бу эса уларнинг жамиятларини қариликдан азият чекадиган жамиятга айлантириб қўйди.

Эҳтимол, Фарб ҳазоратининг қулаш арафасида тургани ҳақида гапирғанларнинг энг ростгўйи Сайид Қутброҳимаҳуллоҳ бўлса керак. У шундай деган эди: «Инсоният бугун тубсиз жар ёқасида турибди... Бу унинг устида муаллақ турган ҳалокат таҳдиidi туфайли эмас... Чунки бу муаммонинг сабаби эмас, балки унинг белгисидир... Асл муаммо инсониятнинг «қадриятлар» оламида банкротга учраганидир. Чунки инсон ҳаёти шу қадриятлар соясида соғлом ўсиб, тўғри ривожланиши мумкин. Бугунги Фарб дунёси инсониятга бера оладиган ҳеч қандай қадриятларга эга эмас. У энди ўзининг мавжуд бўлиб туришига бўлган ишончни ҳатто ўз кўнглига ҳам кола олмайди». У яна шундай қўшимча қиласи: «Фарб

дунёсининг инсоният устидан етакчилиги ниҳоясига етмоқда. Бу Ғарб ҳазорати моддий жиҳатдан банкротга учрагани ёки иқтисодий ва ҳарбий қуввати заифлашгани учун эмас, балки, у энди етакчилик қилишига имкон берадиган қадриятларга эга бўлмай қолгани учун шундай бўлди. Шунинг учун Европанинг истеъоди орқали инсоният эришган моддий ютуқларни сақлаб қолиб ривожлантиришга, инсониятни янги, ўзига хос метод ёрдамида ҳақиқий қадриятлар билан таъминлашга қодир етакчилик зарур. Бундай метод ва қадриятларга эга бўлган ягона тизим Ислом низомидир. Бу Уммат учун ўйғонишнинг, азизлиги ва ҳалқлар орасидаги етакчилик мавқеига қайтишнинг ягона тарихий имкониятидир. Бу эса фақат шариат аҳкомларини ўрнатиш орқали амалга ошади. Зоро, шариат аҳкомлари юксак ахлоқлар ҳимоя қилинишини кафолатлади. У бизни Ғарб жамиятининг заҳарли иллатларидан, жирканч ишлари ва ахлоқий таназзулидан сақлайди. Шунингдек, бизга Аллоҳ инъом этган, айни пайтда талон-торож қилинаётган бойлик ва ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлади».

Саъд Каҳтоний айтади: «Ғарб ўзини инсоний қадриятлар ҳомийси, хавфсизлик ва тинчлик элчиси ҳамда бизнинг кўриниб турган дунёмиз билан чегараланган ердаги жаннат жарчиси сифатида кўрсатди. Бироқ, унинг етакчилик даври инсониятни ер юзидан деярли йўқ қилган икки жаҳон уруши билан бошланди. Ушбу икки урушнинг ўзидаёқ етмиш миллиондан ортиқ инсон ҳалок бўлди. Бу қадар кўп сондаги одамнинг ҳаётига зомин бўлиш анъанавий қуроллардан кўра кучлироқ ва ҳалокатлироқ қуролларни талаб қиласар эди. Шунинг учун Ғарб кишиси ўзининг бутун иқтидорини оммавий қирғин қуролларини ўйлаб топишга қаратди. Шундай қилиб, бир лаҳзадаёқ ўн минглаб инсонни йўқ қилишга қодир ядрорий қурол пайдо бўлди.

Атом бомбаси Нью-Мексико саҳроларида синовдан ўтказилганидан сўнг, уни одамлар устида синаб кўришга қарор қилинди. Сўнг, у Япониянинг Хиросима шаҳрига ташланди. Бомба портлаган лаҳзада 70 000дан ортиқ инсон ҳалок бўлди. Кейин Нагасаки шаҳрининг ўн минглаб аҳолисини нобуд қилган иккинчи бомба ташланди. Омон қолганларнинг кўпчилиги кейинчалик куйиш, саратон ёки радиация таъсиридан ҳалок

бүлди... Бұйык шаҳар ақолисининг ушбу фожиа оқибатларидан азоб чекиши узоқ үилларгача давом этди.

Ғарб үзининг қирғин қилишга лаёқатли эканлигини исботлади. Чунки у битта қурол билан 200 000дан ортиқ одамни үлдирди».

У яна айтади: «Ғарбнинг оқ танли одам ҳазоратидан бошқа ҳазоратта мансуб инсонларга бүлган мұносабатига назар ташланса, унинг юзини безаб турған косметика йўқолиб, инсонпарварларигининг сохталиги фош бўлади. Инсон қадр-қиммати поймол қилинишининг энг даҳшатли мисолларидан бири африкаликларни қул қилиб сотиш жиноятидир.

Оқибатлари ҳали ҳам сезилиб келаётган бу мисол Ғарб ҳазоратини тарқ этмайдиган шармандалик доғи бўлиб, унинг қора тарихидан буни ўчириш мумкин эмас.

Қул савдоси

Ғарб давлатлари саноат инқилобини бошлаш учун кўп сонли ишчи кучига муҳтож эди. Европаликлар саноат ишлаб чиқариш тезкорлигини ошириш ва янги Ғарб дунёсини қуришнинг энг мұносиб йўлини африкаликлар меҳнатидан фойдаланиш деб кўришди. Европа давлатлари Африка соҳилларида африкаликларни овлаш марказларини барпо этишди. Ўқ отар қуроллар билан қуролланган маданиятли Ғарб кишиси учун ибтидоий африкаликларни овлаш қийин эмас эди. Мустамлакачи давлатларнинг мустамлакалари кўпайгани сари, уларни ишчи кучи билан таъминлаш учун кўп сонли қулларга эгалик қилиш зарурати долзарб бўлиб қолди. Натижада, қул савдоси гуллаб-яшнади, саноат лойиҳалари эгалари ниҳоятда бойиди ҳамда қора қитъа ахолисини қувиб чиқиш ва хом-ашё ресурсларини талон-торож қилиш ҳисобига ишлаб чиқариш икки баравар кўпайди. Баъзи тадқиқотлар шуни кўрсатади, Африкадан кўчириб кетилган кишилар сони юз миллионга етган.

Қул савдоси ҳалқаро савдоға айланди ва у «учбурчак савдо» деб номланди. Чунки Европадан Африкага товарлар жўнатилиб, қулларга алмаштирилган. Кейин қуллар Америка ва Европага жўнатилиб, у ерда яна товарларга алмаштирилган. Америкага юборилган ҳар беш қулдан фақат битта қул етиб борган. Қолганлари эса зўравонлик, қотиллик, касаллик ва очликка дучор бўлиб, вафот этган.

Ахлоқий таназзул:

Ғарбнинг инсониятга қарши жиноятларини тасвирлаб ёзмоқчи бўлган ҳар қандай киши, кўп жилдли асарлар муаллифи бўлиши мумкин. Шунинг учун оқ одам етакчилиги давридаги таназзулнинг бошқа жиҳатига, яъни ахлоқий таназзулга эътиборни қаратамиз. Ғарб ҳазорати инсонни марказий ўринга қўйиб, уни самовий ваҳийдан узиб қўйганидан бошлаб, ўзининг ахлоқий камолотга эриша олмаслигини тан олган. Диндан ташқарида ахлоқий қадриятлар тизимини қуришга бўлган ҳар қандай уриниш қўм устига уй қуришга ўхшайди. Чунки ахлоқ динга асослансанагина тўғри шаклланади.

Ғарб ҳазоратида инсоннинг ўзи ўзи учун ўлчовга айланган. Шунинг учун кимгадир маъқул кўринган нарса бошқаларга жирканч кўриниши ёки бунинг акси бўлиши мумкин. Бундай «ахлоқий нисбийлик» тушунчасига кўра, ахлоқ объективлигини йўқотади. Сўзларимиз шунчаки назария бўлиб қолмаслиги учун қўйидаги мисолларни келтирамиз: тасаввур қилинг, инсон табиатини бузувчи жирканч ахлоқсиз иллат бўлган гомосексуализмни ҳатто соғлом табиати сақланиб қолган одамлар ҳам очиқ қоралай олмайди. Америкада бир ёш йигит ЛГБТ байроғини шунчаки ёқиб юборгани учун 16 йилга озодликдан маҳрум этилди. Суд уни гейларни ҳақорат қилгани учун 15 йилга, ёнғинга эҳтиётсизлик учун 1 йилга озодликдан маҳрум этди.

2015 йилда АҚШ олий суди бир жинслилар никоҳини қонунийлаштириди. Замонамизнинг энг қудратли давлатларидан бирининг ўша пайтдаги президенти Барак Обама бу қарорни «Бу Американинг ғалабаси ва бу севгининг ғалабаси», деб изоҳлади. Тасаввур қилинг-а, инсон фитратидан четга чиқиш «ғалаба» дея мақталадиган, у учун қурбон бўлганлар улуғланадиган қонуний ишга айланди.

Америка ваҳшийликларига мисол:

Ҳозирги кунда «Қўшма Штатлар» деб номланган жойга европаликлар келишганида у ерда 120 миллион ҳинду бўлган. Аммо эпидемиялар, кучли алкоголь ва оммавий қирғинлар билан давом этган 300 йиллик уруш бу аҳолини деярли йўқ қилди. Европаликлар ҳиндуларни ва уларнинг чорваларини қирғин қилиб, ерларини эгаллаб олишди. Мустақиллик эълон

қилинганидан 120 йил үтганидан кейин ҳам, қуролланған АҚШ армияси томонидан 1900 йилгача қирғинлар давом эттирилди. Ҳинду қабилаларнинг ибтидоийлиги ва қолоқлиги уларнинг оммавий қирғин қилинишига сабаб бўлди. 1900 йилга келиб, фақат 338 минг ҳинду тирик қолди. Американинг биринчи президентлари қизил танли ҳиндуларга нисбатан содир этган жиноятлари ва зулмлари туфайли ҳокимиятга келишар эди. Чунки қайси генерал қизил танли ҳиндуларга кўп зулм қиласа, унинг президентликка сайланиш имконияти ортарди. Ахвол шу даражага етдики, америкаликлар бундай қонли ваҳшийликлар билан мақтанадиган бўлишди. Плимут колонияси губернатори Вильям Бредфорд шундай деган эди: «Ҳиндулар орасида қасалликларни ёйиш Худога ёқимли ишдир. У бу одамларга ўлим келтирганингизни кўриб завқланади. Шундай қилиб, ҳар 1000 ҳиндудан 950 нафари ҳалок бўлади. Уларнинг жасадлари дағн этимасдан ерда чириб йўқолади. Худога иймон келтирғанлар Унинг ушбу неъмати учун шукур қилишлари керак».

Ҳиндулардан тортиб олинган ресурслардан фойдаланиш учун арzon ишли кучига мұхтож бўлган америкаликлар қирғин қилиш стратегиясини қисман ўзgartириб, уларни мажбурий меҳнат тизими орқали йўқ қилишга ўтишди. 1846 йил Америка армияси Калифорнияни босиб олди. Статистик маълумотларга кўра, Калифорния ҳиндуларининг 80 %и мажбурий меҳнатга бўйсундириш билан йўқ қилинган. Айни пайтда, аёллар ва болалар савдоси фаоллашган. 1830 йилда АҚШ Конгресси ҳиндуларни мажбуран кўчириш қонунини қабул қилди. Шундай қилиб, кўчиб келиб жойлашган америкаликларга ҳиндуларни ўз ерларидан қувиб чиқиш ёки агар хоҳлашса ўлдириш ҳуқуқи берилди.

Ўша пайтда АҚШ армияси мунтазам кучлари вабо тарқаган ҳудудларга мажбуран кўчирилган чероки, чокто, чикасо, крик ва семинол ҳиндуларидан тирик қолганларини йўқ қилди. 1776 йил чероки ҳиндуларига қарши олиб борилган ҳарбий кампанияда уларнинг шаҳарлари ёқиб юборилди, экин майдонлари вайрон этилди ва ўрмонларда яширганлар таъқиб этилиб ўлдирилди. Уч йил үтгач, Жорж Вашингтон аскарларга ороқо ҳиндулари аҳоли пункtlарини вайрон этиб, ер юзидан йўқ қилиш ҳақида буйруқ берди. Шунинг учун

сенека ҳиндулари Америка республикаси отаси Жорж Вашингтонни «шаҳарларни вайрон қилувчи», деб аташган. Унинг бўйруғига кўра, сенека ҳиндулари яшайдиган 30та шаҳарнинг 28таси тўлиқ йўқ қилинганд. Ирокеза ҳиндулари сардорларидан бири 1792 йил Жорж Вашингтонга шундай деган эди: «Сенинг номинг тилга олинса, аёлларимиз ваҳимага тушиб, юзлари оқариб кетади. Болаларимиз эса, қўрқувдан оналарининг бўйнига ёпишади».

Қўшма Штатлар асосчиларининг барчаси Жорж Вашингтоннинг изидан боришиди. Ҳатто Америка эркинлиги элчиси ва мустақиллик декларацияси муаллифи сифатида танилган Томас Жефферсон ўз мудофаа вазирига АҚШ экспансиясига қарши турган ҳиндуларга болта билан қарши туришни ва уларни йўқ қилмагунча бу болтани қўймасликни буюрган. Унга шундай деган эди: «Ҳа, улар баъзиларимизни ўлдиришлари мумкин. Аммо биз уларни йўқ қиласиз ва уларнинг изини ер юзидан ўчириб ташлаймиз». 1636 йил нарагансетт ҳиндулари чечак касаллигига дучор бўлишган. Чунки америкаликлар уларга чечак бактерияси юқтирилган совғаларни беришган. Ҳиндулар капитан Жон Олдамни оммавий қирғинда айблаб, уни қатл қилишганида, Америка 1637 йилда бактериологик қурол ёрдамида нарагансетт ҳиндуларини қирғин қилиш орқали қасос олди. 1763 йил америкаликлар томонидан қасддан бактериологик қурол қўлланганини исботловчи биринчи ҳужжат пайдо бўлди. Англия бош қўмондони лорд Жеффри Амхерст Анри Букега хат ёзиб, ундан ҳиндулар билан музокара олиб боришни ва уларга чечак бактерияси юқтирилган адёлларни тақдим этишни талаб қилган. Буке унга: «Мен уларга бактерия юқтирилган баъзи адёлларни совға қилишга ҳаракат қиласман ва касаллик ўзимга юқмаслиги учун керакли эҳтиёт чораларини кўраман», деб айтган. Чечак касалхонасидан олинган бактерия юқтирилган адёл ва рўмолчалар орқали эпидемия оттава, ирокеза, майами ва ленапе ҳиндулари орасида тарқалиб, 100000дан ортиқ болалар, қариялар, аёллар ва ўсмирларни ўлдириди. Амхерст ҳужжатида бактериологик уруш «Розетта тоши» номи билан аталган. Яна бир ҳужжатга кўра, 1837 йил 20 июнда Форт-Кларкда ҳам чечак бактерияси юқтирилган адёллар мандан ҳиндуларига берилган. Бу бир йилдан камроқ вақт ичida

100000 кишининг – болалар, қариялар, аёллар ва эркакларнинг ўлимига олиб келган. Бу қурбонлар сони ҳақида берилган энг камтарона баҳодир. Тахминан 15 йил үтгач, бутун Қўшма Штатларни Калифорния ҳиндуларини йўқ қилишни энг яхши усули нима? – деган савол қизиқтириди. Сан-Франциско шаҳар газеталаридан бири 1853 йил 6 марта: «Биз бу ерда ҳиндуларни милтиқ ёки чечак билан йўқ қилишга тўлиқ тайёрмиз... ва бу ҳозир амалда бажарилмоқда», деб ёзди. Мустамлака даврида ҳиндуларга чечак касаллигини мунтазам равишда юқтириш давлатлар ва маҳсус тижорат компаниялари томонидан қўллаб-қувватланган уюшган амалиётга айланди. Кўчиб келганлар бундан хурсанд бўлиб, шу муносабат билан байрамлар ўtkазиши. 1860 йил 10 июлда San-Francisco Bulletin газетасида чиқкан мақолада: «Бу лаънати ирқни бутунлай йўқ қилиш учун бактериялар қўлланмоқда», дейилади. Америкалик тарихчи Роберт Хейзер «Калифорния ҳиндуларининг йўқ қилиниши» номли китобида қуйидагича ёzádi: «Ҳиндуларни йўқ қилиш оқ ирқни ифлосланишидан сақлаб қолиш учун зарурий чорадир. Оқ танли киши Худога ўхшаган суратда қолиши учун улар (ҳиндулар) ва ўрмондаги йиртқич ҳайвонларга қарши ов қилиниши керак». Америкалик таникли тарихчи Франсис Яркин: «Ҳиндуларга келган қирғинлар учун уларнинг ўзлари жавобгар. Чунки бизнинг ҳазоратимизга қўшилмаган ҳар бир киши йўқ қилиниши керак», деб ёzádi. Мустамлака маъмурлари ҳиндуни ўлдириб, унинг бошини олиб келганларга мукофот беришган. Кейинчалик бош териси олиб келиниши билан чекланишган. Қурбоннинг ўзлигини аниқлаш зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно. Тарихчи Мунир Аккаш бутун дунё бўйлаб Америка қирғинлари қурбонлари сонини 112 миллион киши деб ҳисоблайди.

Британия империяси жиноятлари

Ҳиндистонлик ёзувчи ва дипломат Шаши Тарур Британия империясининг кўплаб жиноятларни содир этиб, тарихда қонли из қолдиргани ҳақида ёzádi. Унга кўра, Британия ўзи босиб олган юртлар бойликларини тугатиб битирган ва халқлар бойликларини талон-торож қилиш орқали ўзининг саноат инқилобини молиялаштирган. «The Independent» газетасида

чиққан мақолада Британиянинг бешта энг шафқатсиз жиноятлари рўйхати келтирилган.

1 – Иккинчи инглиз-бурлар уруши (1899-1902).

Инглизлар бур аҳолисининг олтидан бир қисмини, асосан аёллар ва болаларни тўплаб, гавжум концлагерларга қамаган. Номаълум сондаги қора танли африкаликлар билан бирга лагерга қамалган жами 107 000 кишидан 27 927 киши касаллик ва эпидемиялардан вафот этган.

2 – Амритсар қирғини

1919 йил 13 апрелда тинч намойишчилар Амритсарда Британия мустамлакачилигига қарши норозилик билдириш учун ҳукумат буйруғига қарши чиқди. Генерал Режинальд Дайер қўмондонлиги остидаги Гуркха аскарлари уларни Жаллианвала боғида қўршовга олиб, ўқса тутди. Ўн дақиқа давом этган ўқса тутиш натижасида 379дан 1000 нафаргacha одам ҳалок бўлди ва мингдан ортиқ одам яраланди. Кейинчалик Британия жамоатчилиги Дайерни қаҳрамон сифатида олқишилади ва унга мукофот сифатида 25 000 фунт стерлинг йиғди.

3 – Ҳиндистон билан Покистоннинг бўлиниши

1947 йилда Сирил Рэдклифф Ҳиндистон ва янги ташкил этилган Покистон ўртасидаги чегараларни белгилаш учун масъул этиб тайинланди. Ҳиндистон ярим оролининг бўлиниши диний асосда амалга ошди. Натижада 10 миллионга яқин одам, жумладан, Покистондаги ҳиндлар ва Ҳиндистондаги мусулмонлар уйларини тарк этишга мажбур бўлдилар. Чунки вазият тезда кенг миқёсдаги зўравонликларга айланниб кетди. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, динлараро тўқнашувларда миллионга яқин одам ҳалок бўлган.

4 – Британиянинг Кениядаги жиноятлари (1951-1960)

Минглаб кекса ёшдаги кенияликларнинг айтишича, улар 1951-1960 йиллардаги мау-мау қўзғолони пайтида зўравонликка учраб, қийноққа солинган. Улар Британия ҳукуматидан 200 миллион фунт стерлинг товон пули талаб қилишган.

Британия кучлари кикуйя қабиласи аъзоларини «Британия концлагерлари»да ёки қамоқ лагерларида ҳисбда сақлаган. Уларнинг айтишича, улар Британия кучлари томонидан мунтазам қийноққа солинган ва жинсий зўравонликларга

дүчор бўлишган. Тарихчи Дэвид Андерсон ҳалок бўлган кенияликлар сони 20 мингга етганини айтади. Кэролайн Элкинс эса, қурбонлар сони 100 мингга етади деб ҳисоблади.

5 – Британия ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда юз берган оммавий очарчилик

Тахминан 12 миллиондан 29 миллионгача бўлган ҳиндлар Британия мустамлакачилиги даврида очликдан ўлган. Даҳшатли очарчилик даврида ҳам Ҳиндистондан Британияга миллионлаб тонна дон жўнатилган.

1943 йил юз берган Бенгал очарчилигига тахминан 4 миллион киши ҳалок бўлди. Бенгалда ҳалокатли очарчилик ҳукм суриб турган бир пайтда Британия бош вазири Уинстон Черчилль инглиз аскарларга ва Грекия каби давлатларга озиқовқат жўнатган. Черчилль Бенгал очарчилиги ҳақида шундай деган эди: «Мен ҳиндлардан нафратланаман. Улар ваҳший динга эргашувчи ваҳший халқдир. Очарчиликка уларнинг ўзлари айбдор, чунки улар қуёндек кўпаяди».

Франция: мустамлакачилик, талончилик, геноцид, қулчилик ва ҳақиқатларни яшириш тарихи

Тарих Франциянинг бугунги кунгача давом этган мустамлакачилик амалиётига гувоҳдир. Инсоният тарихидаги ўша қоронғи даврда Франция халқларни эксплуатация қилди, бойикларини талон-торож қилди, оммавий қирғинларни содир этди ва қул савдоси билан шуғулланди. У 1524 йил ўзининг мустамлакачилик фаолиятини бошлаганидан сўнг, Шимолий ва Ғарбий Африканинг 20та давлатида ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Тахминан уч аср давомида Африка қитъасининг 35 %и француз мустамлакачилари назорати остида бўлди. Сенегал, Кот-д'Ивуар ва Бенин каби давлатлар қул савдоси марказларига айланди ҳамда уларнинг ресурслари фаол равишда талон-торож қилинди. Африканинг турли минтақаларида француз мустамлакачилиги даври тахминан беш аср давом этди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин француз мустамлакаларида мустамлакачиликни рад этиб, мустақилликни талаб қилган норозилик намойишлари бошланди. Франция уларга қарши ҳарбий куч ишлатиб, қонли репрессия билан жавоб берди. Бунинг натижасида 2 миллиондан ортиқ африкалик ҳалок бўлди. Франция ўз урушларида қатнашишлари эвазига мустақиллик беришни

ваъда қилган Африка давлатларида ҳам намойишларга қарши зўравонлик қилди. Жазоир 132 йиллик мустамлакачиликдан кейин 1962 йил мустақилликка эришгунига қадар, Франция бу юртда мунтазам равишда зўравонлик ва қонли куч ишлатишни давом эттирди. Мустақилликка эришиш учун мустамлакачиликка қарши урушда қатнашган бир миллион Жазоир фуқаролари Франциянинг жиноятлари қурбони бўлди. 1830 йилдан бошлаб Жазоир жамиятига қарши маданий геноцидни амалга оширди. У Жазоир халқи ўзлигини ва 300 йиллик тарихга эга бўлган, Усмонийлардан қолган ёдгорликларни йўқ қилишга ҳаракат қилди.

Шунингдек, Франция ўзининг сиёсий таъсири остида бўлган давлатларда инсон ҳуқуқларини жиддий равишда бузди. 1994 йилда Руандада «тутси» этник гуруҳига қарши содир этилган геноцид бунинг энг ёрқин мисолларидан биридир. Тахминан 800 минг кишининг ҳаётига зомин бўлган бу геноцид тарихдаги энг катта фожиалардан биридир. Кейинчалик унинг содир этилишида Париж катта роль ўйнагани маълум бўлди. Чунки француз аскарлар, жиноятга ҳозирлик кўрилаётгани ҳақида маълумотга эга бўлишларига қарамай, қирғинлар бошланишидан олдин миintaқани тарк этишган. Бундан ташқари, халқаро ҳисоботларда француз аскарларнинг Руандадаги қирғин ижрочиларига бевосита ёрдам бергани қайд этилган. Франция Руандадаги оммавий қирғинларни олдини олиш ўрнига, «хуту» ҳукуматига қурол-яроғ етказиб берган ва логистик ёрдам кўрсатган. Шунинг учун Парижга қарши ҳатто ҳозиргacha суд жараёнлари давом этмоқда. Бундан ташқари, Франция ушбу жиноятлар ҳақидаги ҳужжатларни ўз ичига олган архивларга киришга тақиқ қўйган. 2017 йил сентябрда Франция Конституциявий суди Руандадаги қирғинларни ўрганаётган тадқиқотчиларнинг президент архивида сақланаётган материалларга кириш сўровини рад этди.

Хуноса: Америка ва Европа мустамлакачилиги зўравонлик, зулм, оммавий қирғин ва урушлар билан тўла тарих саҳифаларидир. Бундай зўравонликларга асосланган ҳазорат ҳатто ўз аҳли учун ҳам лаънатга айланди. Шунинг учун у албатта йўқ қилиниши керак. □

АМЕРИКАДА БҮЛИНИШ ЧУҚУРЛАШМОҚДА

Билол Ажилий

1775 йил Жорж Вашингтон бошчилигига инглиз мустамлакачилигига қарши инқилоб бошлангунига қадар Америка Британия таъсири остидаги Европа мустамлакаси бўлган. 1776 йил Филадельфияда бўлиб ўтган йиғинда мустамлакаларнинг мустақиллиги эълон қилинди ва янги давлат – АҚШ пайдо бўлди. Вақт ўтиши билан у ўсиб, ривожланди ва дунёning етакчи давлатларидан бирига айланди.

Америка Монро доктринасига асосланиб, ғарбий ярим шарда изоляцион сиёsatни олиб боришни қабул қилди. Монро доктринасини 1823 йил 2 декабрда АҚШ президенти Жеймс Монро Конгрессга йўллаган мурожаатида эълон қилган эди. Бу доктринада ғарбий ярим шардаги барча давлатлар мустақиллиги Европа аралашувидан ҳимоя қилиниши, шунингдек, келажакда бу давлатларга Европа кучлари мустамлакаси сифатида қаралмаслиги кераклиги таъкидланади. Шунга кўра, Америка ташки сиёsatи ғарбий ярим шарни дунёдаги бошқа давлатлардан ҳимоя қилишга асосланган эди. Бу мақсадга эришиш учун Европа давлатлари ўrtасидаги кучлар мувозанатини сақлаш стратегиясига таянди. Унинг сиёсий ва ҳарбий фаолияти ғарбий ярим шарга чегараланди ва ундан чиқмади. Фақат Япониянинг кучайиб бораётганидан қўрққани учун Филиппинни босиб олиш бундан мустасно. ғарбий ярим шарда эса Жанубий Америка ва у ердаги оролларда ўз ҳукмронлигини кенгайтирди. У уларнинг ўrtасида кураш кучайиб бораётган Европадаги тўртта йирик давлат: Германия, Франция, Англия ва Россияга нисбатан маҳсус сиёsatни белгилади. Қўшма Штатлар улар ўrtасида кучлар мувозанатини сақлаш сиёsatини олиб борди. У бу давлатлардан бирининг Европада ҳукмронлик қилишига йўл қўймасликка ҳаракат қилди. Европада кучлар мувозанатини сақлаш сиёsatида Англия томонида туриб, унинг сиёsatини қўллаб-қувватлади. Бошқа давлатни ютиб юбормоқчи бўлган ҳар бир Европа давлати билан бирга турди. Америка биринчи навбатда Германиянинг, кейин, Россиянинг Европани ўз назоратига олишидан қўрқар эди. Шунинг учун 1917 йилда Германияга қарши жаҳон урушига кирди. Кейин иккинчи жаҳон

урушигача ўзининг ғарбий ярим шардаги изоляцион сиёсатига қайтди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ғарбий Европа давлатлари вайронага айланди, Шарқий Европани эса Россия босиб олди. Совет Иттифоқи қудратли ҳарбий кучга айланди ва Европада кучлар мувозанатига таҳдид соладиган коммунистик мафкурани фаол равишда тарғиб қила бошлади. Бу вақтда Хитой ҳам коммунистик мафкурани қабул қилди. Бу икки омил 1947 йилда Американи изоляцион сиёсатидан воз кечиб, бошқа давлатлар билан дунё сиёсатида ва халқаро жараёнларни бошқаришда иштирок этишга унади. Қўшма Штатлар Варшава шартномаси давлатларига қарши туриш учун НАТО каби ҳарбий иттифоқлар тузба бошлади. У ўз манфаатларини таъминлаш учун иккитомонламадан тортиб кўптомонламагача бўлган турли ҳарбий шартномалар тузди. Оламнинг молиявий ва иқтисодий сиёсатига етакчилик қилиш учун «кatta еттилик» (G7)ни тузиши ташаббуси билан чиқди. АҚШ долларини жаҳон захира валютасига айлантирди. Бу қадамларнинг барчаси Қўшма Штатларга жаҳон саҳнасида ўз гегемонлигини мустаҳкамлаш имконини берди.

Американинг бўлиниши ва неоконсерваторларнинг пайдо бўлиши:

1991 йил декабрда Совет Иттифоқи парчаланганидан сўнг, Қўшма Штатлар жаҳон саҳнасида тўлиқ ҳукмронлик қилиб, ягона етакчи давлатга айланди. Унинг глобал сиёсатга таъсири ва назорати бугунги кунгача давом этмоқда. Республикачилар билан демократлар ўртасидаги биринчи аниқ келишмовчилик 2001 йилда, кичик Жорж Буш президентликка келганида пайдо бўлди. Унинг ҳокимиятга келиши Пол Вулфовиц, вице-президент Дик Чейни ва мудофаа вазири Рамсфелд каби неоконсерваторлар даврини бошлаб берди. АҚШ 2001 йил 11 сентябр воқеаларини терроризмга қарши уруш ниқоби остида Исломга қарши уруш учун баҳона сифатида ишлата бошлади. Неоконсерваторлар аралашув ва босқинчиликдан фойдаланиб, эски мустамлакачилик усусларига қайтди. Бу Афғонистон ва Ироқда ҳарбий амалиётлар ўтказилишига, Сурияга аралашиб таҳдидига сабаб бўлди.

Кичик Жорж Буш: «Сиз ё биз билан ёки террорчилар билан биргасиз», дея неоконсерваторлар давридаги янги Америка

таълимотини эълон қилди. У демократ президент Билл Клинтон олиб борган ҳамкорлик сиёсатидан воз кечди ва бир томонлама аралашув сиёсатини танлади. Бу сиёсат Европа давлатлари ва Россияни Америкага қарши уюшишга ундаdi. 2003 йил Америка Ироқقا бостириб кирган пайтда бу яқол намоён бўлди. Чунки Франция, Германия ва Россия Америкага қарши туришда муҳим роль ўйнади. Бу эса унга Ироқда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқарди. Агар Миср, Сурғия ва Кўрфаздаги хоин ҳукмдорлар уни қийин аҳволдан олиб чиқиш учун ёрдам кўрсатишмаганида, АҚШ бу аҳволдан чиқа олмаган бўларди. Неоконсерваторлар сиёсати Ироқда учраган шиддатли қаршилик туфайли барбод бўлди. Бу эса уларнинг президентлик сайловларида мағлубиятга учрашларига ва 2008 йилда демократ президент Обаманинг ҳокимиятга келишига олиб келди. Обама ҳамкорлик сиёсатига қайтди ҳамда неоконсерваторларнинг ҳаракатлари, хусусан, Афғонистондаги Баграм ва Ироқдаги Абу Гурайб қамоқхоналарида инсон ҳуқуқлари бузилиши натижасида жиддий тушиб кетган АҚШ обўйини тиклашга ҳаракат қилди.

Трампнинг келиши ва бўлинишнинг чуқурлашиши:

Ҳамкорлик сиёсати узоққа чўзилмади. Чунки 2016 йил президент Трамп орқали яна ҳокимиятга келишди. Трамп Америка манфаатларини биринчи ўринга қўйишига, ташки ёрдамларни қисқартишишга ва бошқа давлатларнинг халқаро хавфсизликка кўпроқ ҳисса қўшишларини кутишга асосланган «биринчи навбатда Америка» тамойилини қабул қилди. Бу эса АҚШнинг изоляционизмга қайтишига олиб келди.

Америка сиёсатида сезиларли ўзгаришлар юз берди. У кўп томонлама муносабатлардан икки томонлама муносабатларга ўтиб, мамлакат учун кўпроқ фойдали бўлган битимларни тузишга интилди. Трамп маъмурияти саккизта халқаро келишувдан чиқди:

1 – Транс-Тинч океани ҳамкорлиги келишуви (2017 йил, январ). Бу келишувнинг американлик ишчиларга фойда келтирмаслиги таъкидланди.

2 – Париж келишуви (2017 йил, июн). Трамп иқлим бўйича Париж келишувининг АҚШ иқтисодига таъсири салбийлигини айтиб, ундан чиқишини эълон қилди.

3 – Юнеско (2017 йил, октябр). У ташкилотни яхудий вужудига қарши тарафкашликда айблади.

4 – Эрон яdroвий келишуви (2018 йил, май). Эронга қайта санкциялар жорий қилди.

5 – БМТ инсон ҳуқуқлари кенгashi (2018 йил, июн). Кенгашни иккюзламачилик ва яхудий вужудига қарши тарафкашликда айблади.

6 – Ўрта ва қисқа масофаларга учувчи ракеталарни йўқ қилиш ҳақидаги шартнома (2019 йил, август). Россияни келишув шартларини бажармаганликда айблади.

7 – Очиқ осмон келишуви (2020 йил, май). Россияни мажбуриятларни бажармаганликдан айблади.

8 – Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (2020 йил, июл). Унинг COVID-19 пандемиясига ёндашуви ва Хитой билан тахминий ҳамкорлиги танқид қилинди.

Қўшма Штатларни «яширин давлат» муассасалари (Пентагон, Давлат департаменти, йирик корпорациялар лоббиси ва нуғузли капиталистлар) бошқаради. Бироқ шундай бўлсада, сўнгги 20 йил ичидаги жамиятда чуқур бўлиниш кузатилди. Бу бўлиниш дастлаб институционал даражада намоён бўлди, кейин аста-секин кўчаларга чиқди. Демократ Жо Байден ғалаба қозонган 2020 йилги сайловларда бу бўлиниш ўзининг энг юқори чўққисига чиқди.

Байден маъмурияти Трамп сиёсатига тескари сиёсатдан борди. Чунки у Париж келишувига қайтди, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотидан чиқишни тўхтатди, НАТО ва бошқа халқаро ташкилотлар олдидаги мажбуриятларини қайта тасдиқлади. Байден маъмурияти олдинги сиёсатдан кўра шиддати пастроқ ва мослашувчанроқ сиёсатга таянди. Аммо, дунёда Россия-Украина уруши ва Судандаги уруш каби бир нечта урушларни, баъзи давлатларда бир қатор давлат тўнтиришларини келтириб чиқарди. Бу эса қарор қабул қилиш ва битим тузишлардаги фарқларни кўрсатади.

Икки партия ва уларнинг тарафдорлари ўртасидаги биринчи тўғридан-тўғри қарама-қаршилик 2021 йилда Трампнинг сайловлардаги мағлубиятидан кейин АҚШ Конгрессига бостириб кирилган пайтда юз берди. Ўшанда Трамп ўз тарафдорларини Вашингтонга йиғилиб, Конгресс ва вице-президент Майк Пенсни сайлов натижаларини бекор қилишга,

Трампнинг президентлигини сақлаб қолишга мажбурлаш учун уларга қарши чиқишига чақирган эди. Кейинроқ ФТБ Трампнинг уйига бостириб кириб, бир қанча ҳужжатларни мусодара қилди ва 2024 йилги сайловларда қатнашишига йўл қўймаслик учун суд ишларини бошлади. Бу унинг тарафдорларини ғазаблантириди ва улар тинтүвга рухсат берган Нью-Йорк судъясига таҳдид қилишди. Трамп Американи қора кунлар кутаётганидан огоҳлантириб, «Қўшма Штатлар дўзахга қараб кетяпти», деди.

Техас штати Олий суд қарорларига бўйсунмаслигини эълон қилган ва 25 республикачи штат Техас губернаторини қўллаб-қувватлаган вақтда зиддият авж олди. Америкалик журналист Малик Шарқови Россиянинг RT телеканалига берган интервьюсида шундай деди: «Америкада фуқаролик уруши бошланиш арафасида турибди. Бунга нафақат Техаснинг чиқиши, балки Трампнинг 2024 йилги сайловларда иштирок этишининг тақиқланиши ёки ўлдирилиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолда фуқаролар уруши муқаррар. Аҳолининг қўлида миллионлаб қуроллар бор, айниқса, жанубий ва жануби-ғарбий штатларда фуқаролар эҳтимол уруш бўлишини кутиб, фаол равишда қурол-яроғ ва ўқ-дори захиралашмоқда. «Fox News» телеканали берган маълумотларга кўра, Трампнинг ишини кўрган судья ўлим таҳдидига учраган, шунинг учун унга қўриқчилар тайинланган».

Президентлик сайловлари ва курашнинг кучайиши:

Президентлик сайловлари яқинлашган сари икки партия ва уларнинг тарафдорлари ўртасида зиддият кучайди. Уларнинг бир-бирларини айблаб баёнотлар бериши бўлинишни чуқурлаштириб юборди. 2024 йил 18 сентябрда Шарқул Авсат газетаси нашр қилган мақолада қўйидагича келади: «Сўров натижалари шуни кўрсатдики, республикачиларнинг деярли ярми, агар Дональд Трамп демократ рақиби Камала Харрисга ютқазса, президентлик сайловлари натижаларини тан олмасликларини айтишган. Улардан баъзилари «қўл қовуштириб ўтирасликларини ва сайлов натижаларини бекор қилиш учун чора кўришларини» айтишган, деб ёзади USA Today газетаси».

Бошқа томондан, 100дан ортиқ давлатда қонун устуворлиги масаласини ўрганишга ихтисослашган World Justice Project

(Жаҳон адолат лойиҳаси) ўтказган тадқиқотда қайд этилишича, демократларнинг деярли тўртдан бир қисми Харрис мағлуб бўлса, сайлов натижаларини тан олмасликларини айтишган. Натижаларни бекор қилиш учун чоралар кўришни айтган Демократларнинг Республикачиларга қараганда сони кам. Сўров натижаларига кўра, республикачиларнинг 46 %и, демократларнинг 27 %и ўз номзодлари мағлуб бўлса, сайлов натижаларини қабул қилмасликларини айтишган. Айни пайтда республикачиларнинг 14 %и, демократларнинг 11 %и «чора кўришларини» билдиришган.

Бундай бўлиниш давлат муассасаларига ва «давлат ичидаги давлат»га ўз таъсирини ўтказди. Энергетика ва технология корпорациялари, икки асосий партия билан чамбарчас боғлиқлиги учун, АҚШ сиёсий жараёнининг ажралмас қисмига айланди. Бу эса мавжуд бўлинишни янада кучайтиргди. Иқтисодий эксперт Абдулғани Кабаж 2020 йил 13 ноябрдаги мақоласида шундай ёзади: «Йирик капиталистик компаниялар Америкада иқтисод, сиёсат ва жамиятни назорат қилиб, Америка халқини ҳуқуқларидан маҳрум қиласи. Жамиятда пул ва йирик капиталистик компанияларнинг ҳукмронлик қилиши шаклланиб, ҳар қандай радикал фикр ва онг четга сурилган. Ўнг қанот капиталистик тенденциялар фаол рафбатлантирилади. Христианлик дини капиталга бўйсундирилган. Капиталнинг америкаликлар ҳаётини назорат қилишига қарши бўлган илғор ижтимоий ҳаракатлар ҳар томонлама йўқ қилинади».

Ўнгчи ва сўлчилар ўртасидаги бу бўлиниш АҚШ ташқи сиёсатига ўз таъсирини ўтказди. Чунки мамлакатнинг ташқи сиёсати унинг ички ҳолатини акс эттиради. Бу бўлиниш ташқи сиёсатнинг турли жабҳаларида, масалан, Фаластин масаласи, икки давлат ечими, Россия-Украина урушини қандай тугатиш, Эрон, Хитой ва бошқа масалаларга ёндашувларда намоён бўлади. Бу масалаларни барчаси Оқ уйда ким бўлишига боғлиқ бўлади. Бироқ, яхудий вужудини қўллаб-қувватлаш ва Хитойнинг юксалишига қарши туриш каби баъзи масалалар тубдан ўзгаришсиз қолади.

Хулоса

Бу бўлиниш Америка учун янгилик эмас. Чунки унинг тарихи қон тўкишлар ва фуқаролик урушларига тўла. Капитализм

штатлар ўртасида сезиларли иқтисодий тафовутларни келтириб чиқарди ҳамда этник бўлинишларни ҳал қилиш ўрнига, уларни чуқурлаштириди. Бўлиниш жамиятнинг капиталистик мафкурага ишончсизлигини ҳам кўрсатади. Бу инқирозлар Американи биринчи давлатлик мақомидан туширмайди ёки унинг қулашига олиб келмайди. Аммо улар Қўшма Штатларнинг дунёни бошқаришга яроқсизлигининг исботи сифатида хизмат қиласди. Мусулмонларнинг дунёни ислоҳ қилишга, у ерда адолат ва хотиржамликни ёйишга қодир альтернатив ҳазоратга эга эканликларини ҳисобга олсак, бу инқирозлар Американинг ўрнига шу альтернативани олиб келиш зарурлигини кўрсатади. Бу, шунингдек, дунёни капитализм кишанидан халос этиш ва уни Ислом адолати сари етаклаш учун мусулмонлар ўз зиммаларига олишлари керак бўлган улкан масъулиятга ишора қиласди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا أُوْسِلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ﴾

«(Эй Мұхаммад), дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат (яъни Аллоҳнинг раҳмати-жаннатига етаклагувчи) қилиб юбордик» [Анбиё 107] □

ҚАЕРДАСИЗ, ЭЙ МУСУЛМОН УЛАМОЛАР?!

Салофа Шумон
Байтул Мақдис

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ﴾

«Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларигина қўрқур» [Фотир 28]

Росууллоҳ ﷺ дедилар:

«صِنَفَانِ مِنَ النَّاسِ إِذَا صَلَحَ النَّاسُ وَإِذَا فَسَدَ فَسَدَ النَّاسُ: أَلْعُلَمَاءُ وَالْأَمْرَاءُ»

«Икки тоифадаги одамлар ўнгланса, одамлар ҳам ўнгланади. Агар улар бузилса, одамлар ҳам бузилади: уламолар ва амирлар». Абу Нуайм «Хиля»да Ибн Аббосдан ривоят қилган, Суютий «Жомиус сағир»да шу лафз билан зикр қилган.

Уламолар Аллоҳ Таоло дин ва Ислом илмларини тушунишни неъмат қилиб берган, билим ва ҳикмат билан поклаган кишилардир. Улар ҳалол ва ҳаромни одамлардан кўра билгувчироқдир... Албатта уламолар Аллоҳнинг қудратини билишга энг муносибидирлар. Шунинг учун одамлар орасида Аллоҳдан энг қўрқадиганлари бўлиши керак. Улар биринчи навбатда илм байроғини кўтариб, кейин ўзгаришларга интилиш масъулиятини ўз зиммасига олишга муносибидирлар.

Ким шундай бўлса, ҳақни қўллаб-қувватлаш ва ёйиш, насиҳатга муҳтож бўлган ҳар бир кишига – у хоҳ ҳоким бўлсин, хоҳ фуқаро – насиҳат қилиш, одамларга ҳақиқатни тушунтириш, маъруфга буюриб, мункардан қайтариш борасида Аллоҳ Таоло буюрган ишларни бажаришга иштиёқи баланд бўлади. Албатта бу энг буюк фарзлардандир. Росууллоҳ ﷺ дедилар:

«وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَتَأْمُرُنَّ بِالْمَعْرُوفِ وَلَتَنْهَاوُنَّ عَنِ الْمُنْكَرِ، أَوْ لَيُوْشِكَنَّ اللَّهُ أَنْ يَبْعَثَ عَلَيْكُمْ عِقَابًا مِنْ عِنْدِهِ، ثُمَّ لَتَدْعُنَّهُ فَلَا يَسْتَجِيبُ لَكُمْ»

«Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, сизлар албатта маъруфга буюриб, мункардан қайтарасизлар, акс ҳолда Аллоҳ сизларнинг устингизга Ўз даргоҳидан бир азоб юборур. Кейин дуо қиласверасизлар (лекин) дуоларингизни ижобат қилмай қўяди».

Уламолар золимга қарши кураш ва мазлумларни қўллаб-қувватлашга одамларнинг энг лойиқлариидир. Росулуллоҳ عليه السلام дедилар:

«سَيِّدُ الْشَّهَادَاءِ حَمْرَةُ وَرَجُلٌ قَامَ إِلَىٰ حَاكِمٍ ظَالِمٍ فَأَمْرَهُ وَنَهَاهُ فَقَتَلَهُ»

«Шаҳидлар саййиди Ҳамза ва золим ҳокимга қарши туриб, уни амри маъруф ва наҳий мункар қилган, натижада ҳоким уни ўлдирган кишидир». У зот яна дедилар:

«أَفْضَلُ الْجِهَادِ كَلِمَةُ حَقٍّ عِنْدَ سُلْطَانٍ جَائِرٍ»

«Энг афзал жиҳод золим ҳоким олдида айтилган ҳақ сўздир».

Ким олимдек ҳақ билан ботилни, адолат билан зулмни ажратади?! Ким олимдек ҳақ йўлни ва ўзгартиришнинг шаръий йўлини била олади?! Шунинг учун Росулуллоҳ عليه السلام юқоридаги ҳадисда жамиятларнинг ислоҳи амир ва уламоларнинг ислоҳи билан, жамиятларнинг бузилиши уларнинг бузилиши билан бўлиши хабарини бердилар. Чунки амирлар фасод қилиш ниятида бўлса, раббоний уламолар уларни қайтаради. Бундай кишилар ҳар жойда ва ҳар доим мавжуддир.

Қуръон ва Суннатдаги нусуслар илм ва уламоларнинг фазилати ҳамда уларнинг мақомини баён қилган. Қуйида улардан айримларини келтириб ўтамиш:

– Аллоҳ Таоло айтади:

﴿شَهَدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُوُ الْعِلْمُ قَاتِلًا بِالْفِسْطِ﴾

«Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари адолат билан ҳукм қилгувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Унинг ўзи борлигига гувоҳлик бердилар» [Оли Имрон 18]

Аллоҳ Таоло оятда аввал ўзини, сўнг фаришталарни, кейин илм аҳлини зикр қилди. Демак уламоларнинг шон-шараф ва таъсир этишда ҳам мақоми юқоридир.

– Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَرْفَعُ اللَّهُ أَلَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни баланд даражага мартабаларга кўттарур»

[Мужодала 11]

Ибн Аббос айтади: Уламолар мўминлардан даражаси 700 марта юқори бўлиб, ҳар бир даража орасидаги масофа беш юз йилдир.

- Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَقَالَ الَّذِينَ أُوتُواُ الْعِلْمَ وَيَلَّكُمْ تَوَابُ اللَّهِ خَيْرٌ لِمَنْ ءَامَنَ وَعَمِيلٌ صَلِحًا﴾

«Илм маърифат ато этилган кишилар эса: «Ўлим бўлсин сизларга! Иймон келтирган ва яхши амал қилган киши учун Аллоҳ берадиган ажр савоб яхшироқ-ку» дедилар!»

[Қасос 80]

- Росулуллоҳ дедилар:

«مَنْ يُرِدَ اللَّهُ بِهِ حَيْرًا يُفَقِّهُ فِي الدِّينِ، وَيُلْهِمُهُ رُشْدًا»

«Аллоҳ кимга яхшиликни хоҳласа, уни динда фақиҳ қилиб қўяди ва уни динда тўғри йўлга илҳомлантиради».

- Росулуллоҳ дедилар:

«الْعَلَمَاءُ وَرَبُّهُ الْأَنْبِيَاءُ»

«Уламолар Пайғамбарларнинг меросхўрлариидир». Маълумки пайғамбарликдан юқори мартаба йўқ, мана шу мартабага меросхўр бўлишдан юқори шараф йўқ.

- Росулуллоҳ дедилар:

«يَسْتَفْهِرُ لِلْعَالَمِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ»

«Осмонлару ердаги барча нарсалар олим учун истиғфор айтади». Осмондаги фаришталару ердаги нарсалар унга истиғфор айтадиган кишининг мартабасидан ҳам юқорироқ мавқе борми?!

- Росулуллоҳ дедилар:

«مَوْتُ الْعَالَمِ مُصِيبَةٌ لَا تُجَبِّرُ، وَثُلْمَةٌ لَا تُسَدِّدُ، وَمَوْتٌ قَبِيلَةٌ أَيْسَرٌ مِنْ مَوْتٍ عَالِمٍ، وَهُوَ نَجْمٌ طَمِسَ»

«Олимнинг ўлими тузатиб бўлмайдиган бало ва тўлдириб бўлмайдиган ёриқдир. Қабиланинг ўлими олимнинг ўлимидан енгилроқ, чунки олимнинг ўлими сўнаётган юлдуздир». Табароний Абу Дардодан ривоят қилган.

- Росулуллоҳ дедилар:

«يُوزَنُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِدَادُ الْعُلَمَاءِ بِدَمِ الشُّهَدَاءِ»

«Қиёмат куни олимларнинг қалами шаҳидларнинг қони билан ўлчанади».

— Росулуллоҳ  дедилар:

«فَضْلُ الْعَالَمِ عَلَى الْعَابِدِ كَفَضْلٌ عَلَى أَذْنَائُكُمْ، ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ اللَّهَ وَمَا لَيْكُتَهُ وَأَهْلُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ حَتَّى النَّمَاءَ فِي جُحْرِهَا وَحَتَّى الْحُوتَ لِيُصْلُوْنَ عَلَى مُعَلِّمِ النَّاسِ الْخَيْرِ»

«Олимнинг обиддан устунлиги менинг сизлардан энг пастингиздан устунлигим кабидир». Сўнгра яна дедилар: Албатта Аллоҳ, фаришталар, еру осмон аҳли, ҳатто ўз инидаги чумоли ва балиқлар ҳам одамларга яхшиликни ўргатувчи киши учун дуо қиласидилар».

— Росулуллоҳ  дедилар:

«فَضْلُ الْعَالَمِ عَلَى الْعَابِدِ كَفَضْلُ الْقَمَرِ لَيْلَةُ الْبَدْرِ عَلَى سَائِرِ الْكَوَاكِبِ»

«Олимнинг обиддан устунлиги тўлин ой кечасидаги ойнинг барча юлдузлардан устунлиги кабидир».

— Росулуллоҳ  дедилар:

«يَشْفَعُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ثَلَاثٌ: الْأَنْبِيَاءُ وَالْعُلَمَاءُ وَالشُّهَدَاءُ»

«Қиёмат кунида уч турли киши шафоат қиласи: пайғамбарлар, уламолар ва шаҳидлар».

— Али ибн Абу Толиб  дандан ривоят қилинади: «Қалблар идишлардир, уларнинг энг яхиси қабул қилувчисидир. Сенга айтганларимни ёдингда сақла: Одамлар уч турли бўлади: Раббоний олим, нажот изловчи шогирд ва ҳар баланд овозга эргашувчи, ҳар шамолда тебранувчи, илм нури билан мунаввар бўлмаган ва омонат гўшадан паноҳ топмаган жоҳил. Илм бойликтан яхшидир. Илм сени қўриқлайди, бойликни эса сен қўриқлайсан. Илм амал билан кўпаяди, бойлик сарфлаш орқали камаяди. Олимнинг муҳаббати ажр олинадиган ибодатдир. Илм олим учун ҳәётида итоатни, вафотидан кейин гўзал ҳикояни касб қиласиди. Бойликдан келган нарса унинг йўқолиши билан йўқолади. Бойлик соҳиблари тирик бўла туриб вафот этдилар, аммо уламолар асрлар давомида боқий қолдилар. Уларнинг таналари йўқолди, лекин улар қалбларда мавжуд».

— Абул Асвад айтади: «Илмдан кўра кучлироқ нарса йўқ. Подшоҳлар одамлар устидан ҳукмрон бўлса, уламолар подшоҳлар устидан ҳукмрондир».

— Ибн Аббос  айтади: «Сулаймон ибн Довуд га илм, бойлик ва подшоҳлик ўртасида танлов берилган эди, у илмни танлади. Лекин унга илм билан бирга бойлик ва подшоҳлик ҳам берилди».

— Ҳасан айтади: «Агар илм бўлмаганида одамлар ҳайвонларга ўхшаб қоларди».

— Ином Абу Ҳомид Ғаззолий  айтади: «Бу уламоларнинг маъруфга буюриб, мункардан қайтариш ва сultonларнинг қудратига эътибор бермаслиқдаги сийрати ва одати эди. Чунки улар ҳимояда Аллоҳ Таолонинг фазлига суюниб, Аллоҳ Таолонинг уларга шаҳидлик бериш ҳақидаги ҳукмига қаноатланган эдилар. Улар Аллоҳга холис ният қилган вақтда сўзлари қотиб қолган қалбларга таъсир қилди ҳамда уларни юмшатиб, қаттиқлигини йўқотди. Ҳозир эса, уламоларнинг тилини таъма боғлаб қўйган, шунинг учун улар сукут сақламоқда. Агар улар гапирса ҳолатлари сўзларини тасдиқламайди, шунинг учун улар муваффақиятсизликка учрамоқда. Агар улар ростгўй бўлишса ва илм ҳақиқатини қасд қилишса нажот топишади. Чунки одамлар подшоҳларнинг бузилиши сабаб бузилса, подшоҳлар уламоларнинг бузилиши сабабли бузилади. Уламоларнинг бузилиши бойлик ва обрў эътиборга қарамлиқдандир. Кимки бу дунё ишқига мағлуб бўлса, подшоҳ ва зодагонлар у ёқда турсин, оддий одамларни ҳам муҳосаба қила олмайди».

Оятлар ва ҳадислардан иборат нусуслар ҳамда машҳур ҳикматлар орқали биз Ислом динининг уламоларга берган мақомини топамиз. Бу уларнинг ҳидоят ва даъват байроғини қўтариш ҳамда ушбу Умматга насиҳат қилишдаги буюк роли туфайлидир. Чунки улар бу омонатни ўз илмлари билан қўтардилар ҳамда ишонч ўрни ва эргашишга лойиқ инсонлар бўлишди. Бу улар раббоний уламо, ботилга қарши ёрдамчи ва ҳокимга насиҳат қилишга иштиёқманд бўлганларида содир бўлди. Тури асрларда Исломий давлатда уламолар шундай сифатларга эга эдилар. Золимлар ва ботил аҳлига қарши курашиш, маъруфга буюриб, мункардан қайтариш борасида шонли исломий тарихимида улар ҳақида мисоллар кўп.

Раббоний уламолар шундай бўлдилар, уларнинг Исломнинг ҳар бир давридаги позицияси ҳам шундай бўлган эди: ҳақиқатни қўллаб-қувватлаш, Аллоҳ учун ҳеч кимнинг маломатидан қўрқмаслик, охиратга интилиш ва бу ўткинчи дунёга эътибор бермаслик...

Хўш, эй Умматимиз уламолари, бугунги кунда Умматнинг аҳволи ёмондан ёмонлашиб бораётган бир пайтда қаердасизлар? Дарҳақиқат кофиirlар ҳар тарафдан бу Уммат устига ёғилиши. Улар фақат Ислом ва мусулмонларга уруш ёзлон қилган вақтдагина бирлашмоқда. Ақсо тўфонидан кейин, малай режимларнинг иллатлари аён бўлиб, шарқу ғарбнинг Ислом ва мусулмонларга нисбатан нафратлари ошкор бўлган вақтда қаердасизлар?!... Ахир бу шиддатли ва тўхтовсиз урушку. Уммат бугун унинг ўз динига ва ўзига бўлган ишончини кучайтирадиган кишига муҳтоҷ. Шунингдек, ҳақиқатни қўллаб-қувватлаш, юрт ва одамларни озод қилиш учун куч излашда унинг ёнида турадиган кишига муҳтоҷ.

Эй уламолар, билингларки, сизлар бу омонатни ўз зиммангизга юклаб олдингиз. Бас энди, вазифангизни тўғри бажариб, Аллоҳ ҳузуридаги бурчингизни оқлаб, дунё ва охиратда мукофотга лойиқ бўласиз. Ёки бу даражага эриша олмай, бу улуғ бурчни бажармайсиз. Ўшанда Аллоҳга рўбарў бўладиган кунда омонатга хиёнат қилганингиз учун У зотга қандай жавоб берасиз?! Эй уламолар, билингки, Росулуллоҳ одамларнинг иккюзламачилик бўлмаган иймон лагери ва иймон бўлмаган мунофиқлик лагеридан иборат икки лагерга бўлиниши ҳақидаги ҳадисларида бизнинг замонамиз ҳақида хабар берганлар.

Сизлардан ким Ибн Таймия ва Из ибн Абдуссаломнинг сийратини такрорлаб, ҳақ йўл кўрсатувчи, пайғамбарлар меросхўри, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмайдиган, ҳақни сўзловчи, Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмайдиган раббоний олим бўла олади. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
(Исроил) тарихда АҚШдан энг кўп ҳарбий ёрдам олган вужуддир		
<p>Қўшма Штатлар ўз иттифоқчиси (Исроил)ни Ғазодаги ваҳший тажовузкор уруши давомида тинмай молиявий ва ҳарбий ёрдамлар билан таъминлаб келди. Ушбу ёрдам ҳажми АҚШнинг «Исроил»ни қўллаб-қувватлаши шунчаки иттифоқ эмас, балки унинг Яқин Шарқдаги стратегик манфаатларини ҳимоя қилиш учун олиб борилаётган прокси уруш эканини кўрсатади. Дарҳақиқат, Американинг бу вужудга ёрдами сони жуда катта бўлди, масалан, Браун университетининг «Уруш харажатлари лойиҳаси» эълон қилган сўнгги ҳисоботга кўра, Ақсо Тўфони жанглари бошланганидан бери бир йил ичida АҚШ (Исроил)га 17,9 миллиард доллар қийматида ҳарбий ёрдам кўрсатган. Яқинда «Times of Israel» сайти чоп этган ҳисоботда тарихда АҚШдан энг кўп ҳарбий ёрдам олган (Исроил) эканлиги айтилди. Яъни бу миқдор 1959 йилдан бери 251,2 миллиард долларга етди. Бу хусусда Браун университети қошидаги «Ватсон ҳалқаро ва жамоатчилик билан алоқалар институти» одатдагидек биринчи бўлиб ҳисббот чиқарди. «АҚШнинг Исроил ҳарбий операциялари ва шунга алоқадор минтақадаги АҚШ операциялари учун сарфлаган харажатлари 2023 йил 7 октябрдан 2024 йил 30 сентябргacha» номли ушбу ҳисбботда Байден маъмуриятининг (Исроил) билан имзолаган қурол-яроғ битими камида 100 та битимни ташкил этгани, бундан ташқари, Ҳусийларнинг Ғазодаги геноцид урушига қарши ҳужумларига жавобан АҚШ Яманда ва Қизил денгизда ўтказган мудофаа ва ҳужум операциялари қиймати 4,86 миллиард долларга етгани айтилади. Оқ уй 2024 йил 13 августда сионист вужуд билан 20,3 миллиард долларлик қўшимча қурол сотиш бўйича битимлар тузганини, бу битимлар АҚШ конгресси томонидан маъқулланганидан кейин келаси йилларда кучга киришини, булар АҚШнинг хорижий ҳарбий савдо дастурига алоқадор эканини эълон қилди. Ушбу битимларга кўра, (Исроил) АҚШдан 18,8 миллиард долларлик 50 та «F-15» қиравчи самолётини олиши кутилмоқда. Қўшма Штатлар 50 йилдан ортиқ вақтдан бери (Исроил)га энг йирик қурол етказиб берувчи давлат саналиб келяпти. Масалан,</p>		

сионист вұжудни Яқын Шарқ давлатлари устидан ҳарбий сифат жиҳатидан устунлигини сақлаб қолишга ҳаракат қылмоқда. Минтақада Американинг «F-35» каби янги типдаги қиурувчи самолётларига әғалик қылувчи ва үндан фойдаланувчи ягона давлат ҳам (Исроил) ҳисобланади. Масала шу ерда тұхтамаяпти, балки бундан-да ошиб кетмоқда, яъни АҚШнинг ҳарбий техникаси учун тұланаған тұловларни келгуси йилларгача кечикиришга рухсат берилған ягона давлат ҳам (Исроил) бўлиб келяпти. (Исроил), шунингдек, АҚШдан узлуксиз олаётган йиллик ҳарбий ёрдамларнинг 25%ини ўз қуролларини ишлаб чиқариш ва ривожлантиришга сарфлашига рухсат берилған ҳамда бу каби ҳарбий истиснолар дунёning ҳеч бир давлатига тақдим этилмаган.

Ал-Ваъй: Қўшма Штатлар бу сионист вұжудни қўллаб-қувватламоқда, шунингдек, ҳам ўзининг Яқын Шарқдаги стратегиясини амалга ошириш, ҳам сиёсатига қарши бўлган минтақавий кучларни тұхтатиши учун восита сифатида бу вұжудни ҳимоя қылмоқда. Бунга АҚШ президенти Жо Байденнинг «Агар Исроил мавжуд бўлмаганда биз уни ўйлаб топган бўлар эдик», деган сўzlари яққол далил.

Собиқ мудофаа вазири (Исроил)ни уруш жиноятларида айблашдан тұхтамаяпти

(Исроил) собиқ мудофаа вазири Моше Яalon (Исроил)ни ғазо секторида уруш жиноятлари ва этник тозалаш содир этганликда айлади. Ҳукумат эса бу айболовни кескин қоралади. Қаттиқ позицияга эга собиқ генерал Яалоннинг (Исроил) матбуотига айтишича, бosh вазир Бинямин Нетаняху етакчилик қилаётган ҳукуматдаги ультра ўнг радикал сиёсатчилар фаластиналыктарни ғазо шимолидан қувиб чиқаришга ва у ерда яхудий аҳоли пунктларини тиклашга интилмоқда. «Мен у ерда нималар бўлаётгани ва биздан яширилаётгани ҳақида огохлантиришга мажбурман, охир оқибат, уруш жиноятлари содир этилмоқда», деди Яалон яхудийларнинг «Radio Makان» радиосига берган интервьюсида. Яалон (Исроил)нинг собиқ армия бosh штаби бошлиғи. У Нетаняху ҳукуматида 2013-2016 йилларда мудофаа

вазири бўлиб ишлаган. Шундан сўнг, Нетаняхуни танқид қилиб келади. Нетаняху аъзолигидаги Ликуд партияси уни «туҳмат тарқатиш»да айблади. Яalon ўзининг ғазо секторида этник тозалаш операцияси олиб борилаётгани ҳақидаги баёnotидан қайтмаслигини таъкидлаганидан сўнг, (Исройл) армияси энди «дунёдаги энг ахлоқий армия» эмас, чунки у инсониятга қарши уруш жиноятлари содир этмоқда, деб ҳам баёnot берди. Бунинг муқобили ўлароқ, армия штаби бошлиғи Херци Ха-Леви «Яалоннинг ҳар қандай хавфсизлик йиғилишида қатнашишини ёки аскарларга маърузалар қилишини тақиқлаш» ҳақида қарор чиқарди. Шуниси эътиборга лойиқки, Яалон Нетаняхуга қарши ҳамкорлик қилаётган Исройл мухолифати унинг ғазодаги урушни «Этник тозалаш» деб таърифлашига тоқат қила олмади, айниқса, унинг армияси у ерда ҳарбий жиноятлар содир этаётгани ҳақидаги баёnotларидан ҳайратда қолди ва унга ҳужум қила бошлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Яалондан ғазабланишаётганининг сабаби шуки, унинг сўзлари уйдаги гапларни кўчага олиб чиқиш қабилиданdir.

Ал-Ваъй: Шубҳасиз, Нетаняхунинг ғазо, ғарбий Соҳил ва Ливан аҳлига қарши шундай қирғинлар содир этаётгани ва буни яҳудийларнинг аксар қисми қўллаб-қувватлаётгани соғлом инсон табиатига сиғмайдиган ҳол. Шу сабабдан Яалон мана шундай баёnot берди... Уммат (Исройл)дан албатта интиқом олади. Росулуллоҳ ﷺ бизга

«تُقَاتِلُكُمْ يَهُودٌ فَنَفَّثُلُونَهُمْ»

«Яҳудийлар сизларга қарши жанг қилишади, шунда сизлар уларни ўлдирасизлар», деганлар. Бу ҳаргиз ёлғон эмас, ҳақ ваъдадир... Ушбу ваъда амалга ошганда золимлар қандай оқибатга қараб кетишаётганини билиб олишади.

Рейтер: Туркия раввин Коган ўлимида шубҳаланганларни Амирликларга топшириди

Туркия хавфсизлик хизматидаги манбаларнинг Рейтер агентлигига маълум қилишича, Бирлашган Араб Амирликларида (исроиллик) раввин Цви Коганни ўлдиришда гумонланган уч шахс Туркия разведка хизматлари ва полицияси шу ҳафтада ўтказган махфий операция натижасида Истанбулда

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубхасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>қўлга олинган. Шубҳаланғанларнинг учаласи Ўзбекистондан бўлиб, Амирликлар талабига биноан экстрадиция қилинди, дея қўшимча қилди манба. Амирликлар ташқи ишлар вазирлиги ўзининг «Х» платформасидаги аккаунтида ёзган постида турк ҳукуматига «жиноятчиларни ҳибсга олишда ҳамкорлик қилгани учун» миннатдорчилик билдириди. Амирликлар ички ишлар вазирлигига кўра, асли молдавиялик раввин Цви Когани ўлдиришда гумонланган уч шахс Олимбой Тохирович (28 ёш), Маҳмуджон Абдураҳим (28 ёш) ва Азизбек Комилович (33 ёш) Ўзбекистон фуқаролари бўлган. Вазирлик маҳсус хавфсизлик органларининг уларни прокуратурага ўтказиб бериш учун улар билан дастлабки тергов ишларини бошлаганини қўшимча қилди, бошқа тафсилотларни ошкор этмади. Вазирлик «жиноятчиларни рекорд вақт ичида қўлга олишга муваффақ бўлган»ини эълон қилди. (Исроил) ва Молдавия фуқароси бўлган Коган Амирликлардаги яхудийларнинг «Хабад» ҳаракати вакилларидан бири бўлган. У шунингдек, Амирликларда Абу-Даби бош раввинининг ёрдамчиси сифатида истиқомат қилган. (Исроилда чиқадиган Едиот Ахронот газетаси).</p>		
<p>Ал-Ваъй: Мана сизга Эрдоган, мана унинг жирканч «исломий» режими... Бу унинг сон-саноқсиз хиёнатларидан бир мисол бўлиб, улар йиғилса, бадбўй ахлат тоғини ҳосил қиласи. Бу золим ва жобир ҳукмдорлардан бир мисолдирки, улардан қутулинмагунча ва барчаларини тарих ахлатига улоқтирилмагунча Уммат учун ёруғ кун йўқ. Уларга жаҳаннам етарли ва у нақадар ёмон жой.</p>		
<p>Трампнинг Яқин Шарқ бўйича командаси (Исроил)нинг дўстлари бўлиб, унинг тарафида эканликларини яширишмаяпти</p>		
<p>Ҳар қандай сайланган америкалик президентнинг қандай сиёsat юритишини, у лавозимиға киришишидан олдин ўзига ёрдамчи қилиб тайинлаган шахсларнинг йўналишларига қараб билиб олиш мумкин. Трампнинг ташқи сиёsatдаги тайинловлари шуни кўрсатмоқдаки, (Исроил) ва унинг стратегик манфаатларига алоқадор масалаларни ҳал этишда</p>		
Ал-Ваъй	65	

Трамп радикал сиёsat олиб боради, чунки ўз режимига исроилпаст фикрга эга қарчиғайларни тўплади. Бу эса (Исройл)нинг экстремист вазири Смотричга бундай сўзларни айтишга журъат берди: «2025 йил Исройлнинг Иудея ва Самария ҳудуди устидан ўз суверенитетини ўрнатиш йили бўлади», «мен Исройл расмийларига босиб олинган Фаластин ҳудудларини аннексия қилиш учун тайёргарлик ишларини бошлашга буйруқ бердим».

— Трамп Арканзас штатининг собиқ губернатори, фаластиналклар ва уларнинг босиб олинган ерларига қарши ўта ўнгчи позицияси билан танилган Майк Хакабини АҚШнинг (Исройл)даги элчиси этиб тайинлади. У айни лавозимга АҚШ сайлов натижалари эълон қилингандан атиги З кун ўтиб тайинланган. (Исройл)да чиқадиган «Гаарец» газетаси хабарига кўра, Хакаби экстремист раввин Меир Кахане асос солган ва қароргоҳи АҚШда жойлашган «Яҳудийлар Ҳимояси Лигаси»нинг фаол аъзоларидандир. Хакабининг тайинланиши Нетаняху ҳукуматидаги икки экстремист вазир – молия вазири Бецалел Смотрич ва миллий хавфсизлик вазири Итамар Бен-Гвир томонидан қувонч билан кутиб олинди. Хакаби «Иброҳимий келишувлари»ни қўллаб-қувватловчи шахс. Маълумки, бу келишув охир-оқибат Трамп томонидан (Исройл) билан бир қатор араб давлатлари ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш сари саъй-ҳаракатга олиб келган. Баптист руҳонийси бўлган Хакаби ўнлаб маротаба (Исройл)га сафар қилган ҳамда 2017 йил Ғарбий Соҳилдаги энг йирик (Исройл) аҳоли пунктларидан бирининг пойдеворига тош қўйган ва айни маросимда «келгинди яҳудийларнинг аҳоли пункти деган нарса йўқ, балки улар жамиятлар, кварталлар ва шаҳарлардир», деган. Бу баптист яна бундай деган: «Исройлда Тангри томонидан Иброҳим ва унинг меросхўрларига Иудея ва Самария ҳудуди устидан берилган эгалик ҳуқуқи мавжуд». Хакаби бу билан (Исройл) 1967 йил Яқин Шарқ урушида босиб олган Ғарбий Соҳилни назарда тутди.

— Трамп, шунингдек, бошқа «исроиллик қаҳрамонлар»ни ҳам танлади, масалан, Нью-Йоркдан Республикачиларнинг вакиллар палатасидаги аъзоси Элиз Стефаникни АҚШнинг

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ

БМТдаги доимий вакиласи қилиб тайинламоқчи. Ҳамаснинг 2023 йил 7 октябрда ғазо атрофидаги (Исроил) ахоли пунктлари ва кибүцларига қилған ҳужумидан сүңг Элиз БМТнинг айни урушта муносабатини очық танқид қила бошлаган. Бу ҳақдаги хабарлар марказий үринни әгаллаган.

— Энг қизиғи, Трамп АҚШ давлат котиби лавозимига Марко Рубиони танлашдан олдин Ҳакабини (Исроил)га әлчи, күчмас мулк инвестори Стив Уиткоффни Яқин Шарққа маҳсус вакил, деб эълон қилди. Трамп билан гольф ўйнайдиган бу эски дўсти ўтган йил сентябрдаги иккинчи сиуқасдга уриниш пайтида ҳам унинг ёнида бўлган. АҚШнинг маҳсус вакили мансабини әгаллаши мумкин бўлиб турган бу Уиткофф гарчи ташқи сиёсатда ҳеч қандай тажрибага эга бўлмаса-да, бироқ Трампнинг (Исроил) билан бўлган сиёсатини ҳар доим юқори баҳолаб келган.

— Трамп давлат котиби қилиб тайинлаган сенатор Марко Рубио ғазодаги (Исроил) урушини қўллаб-қувватлади ва жуда кўп сонли фаластинлик қурбонларга нисбатан «булардан Ҳамас жонли қалқон сифатида фойдаланяпти», деган туҳмат тошини отди. Яҳудийлар билан насронийларнинг халқаро бирлиги тадбирида «нацистларнинг барча шафқатсизликларига қарамай, улар ўз ваҳшийликларини ижтимоий тармоқларда тарқатишмади ва ўз қилмишларини дунёга реклама қилишга уринмадилар» деди. Кейин «2023 йилда содир бўлган воқеа, менимча, Ҳамас томонидан содир этилган даҳшатларни янада даҳшатли қиласи. Чунки улар атайлаб бутун дунё уларнинг қилған ишларини кўришни хоҳлашади», дея қўшимча қилди. Шунинг учун Рубио «сиёсат ишлаб чиқиш шарт эмас, президентнинг режасини бажаришнинг ўзи кифоя» эканини таъкидлади. Ҳакаби ҳам «сиёсат ишлаб чиқмайман, балки президентнинг сиёсатини бажараман», деди.

Ал-Ваъй: Бу тайинлашлар мусулмонлар учун Трамп замонида қора күнлар келаётганидан дарак бермоқда. Бироқ Уммат ўз Роббисига берган аҳдида қолади ва нусратни фақат Роббиси Субҳанаҳу ва Таолодангина кутмоқда. □

ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУХБАТИДА

﴿وَلَا تَحْسِبَنَّ اللَّهَ غَفِلًا عَمَّا يَعْمَلُ الظَّالِمُونَ إِنَّمَا يُؤَخِّرُهُمْ لِيَوْمٍ تَشَخَّصُ فِيهِ الْأَبْصَرُ﴾

«(Эй Мұхаммад), сиз қарғыз: «Аллоҳ золим кимсаларнинг қилаётган амалларидан ғофил», деб ўйламанг! Фақат Аллоҳ уларни(нг жазоларини) күзлар (даҳшатдан) қотиб қоладиган (қўрқинчли қиёмат) кунига қадар кечиктирмоқда, холос»

Шайх Мұхаммад Мутавалли Шаъровийнинг ушбу оятлар тафсирида қуидагича келади:

«Ҳақ Субҳанаҳу коинотга ато этган умумий неъматларни ҳамда Маккада яшаган ва авлодлари орасидан бир гурухи Росулуллоҳ ﷺ саркашлиқ ила қарши турган кишиларга ато этган хос неъматларини зикр қилиб, изоҳлаб бергандан сўнг, Росулуллоҳ ﷺ ушбу оят билан тасалли бериб қўнглини кўтармоқда. Бундан олдинги оятларда улар мавжуд бўлган бу жойнинг қандай пайдо бўлгани ва бу жойни ватан қилганларга нақадар баракотлар келгани зикр қилинди. Масалан, у ерга мева-чевалар келгани ва улуғлик неъмати улар учунлиги, чунки Аллоҳ Таоло Абраҳа каби уларга қарши душманлик қилган кимсаларни

﴿فَجَعَلَهُمْ كَعْصَفِ مَأْكُولٍ﴾

«Уларни (қурт-қумурсқалар томонидан) чайнаб ташланган сомон каби (илматешик) қилиб юборди». [Фил 5]

дея ҳалок қилганини баён қилди. Кейин Ҳақ Субҳанаҳу кейинги сурада бундай деди:

﴿لَا يَلِفِ قُرْيَشٌ ۚ إِلَّا فِيهِمْ رِحْلَةُ الشِّتَاءِ وَالصَّيفِ ۚ فَلَيَعْبُدُوا رَبَّ هَذَا الْبَيْتِ ۚ الَّذِي أَطْعَمَهُمْ مِنْ جُوعٍ ۖ وَآمَنَهُمْ مِنْ حُوْفٍ ۚ﴾

«Қурайшга осон қилиб қўйилгани – уларга қишиш ва ёз сафари осон қилиб қўйилгани учунгина. Улар мана шу уйнинг Роббисига ибодат қилсинлар! У зот уларни очликдан (қутқариб) таомлантириди ва хавфу хатардан омон қилди»

Бирок, шунга қарамай, улар Росууллоҳ  нинг даъватига нисбатан инкор, саркашлик ва қаршилик позициясини эгаллашди ҳамда Исломнинг барча душманларини ушбу динга қарши курашиб учун ёрдамга чақиришди. Шунинг учун Ҳақ Субҳанаҳу бу ерда

﴿وَلَا تَحْسِبَنَّ اللَّهَ غَفِلًا عَمَّا يَعْمَلُ الظَّالِمُونَ﴾

«(Эй Мұхаммад), сиз ҳаргиз: «Аллоқни золим кимсаларнинг қилаётган амалларидан ғофил», деб ўйламанг!» деб улуғ Руслана тасалли бермоқда. Нима учун? Бу саволга оятнинг иккинчи ярмида

﴿إِنَّمَا يُؤْخِرُهُمْ لِيَوْمٍ تَشْخُصُ فِيهِ الْأَبْصَارُ﴾

(Аллоҳ уларни(нг жазоларини) күзлар (даҳшатдан) қотиб қоладиган (қўрқинчли қиёмат) кунига қадар кечиктирмоқда, холос), дея жавоб келди. Аллоҳ Таолонинг

وَلَا تَحْسِبَنَّ

(... **деб ўйламанг**), дегани «ғафлатда деб ўйламанг» демакдир. Чунки бу ердаги **پىش** феъли ҳисобламоқ ва санамоқ маъносида эмас, балки **حسب يحسب** ўйламоқ феълидир. Яъни бу масалани Аллохнинг

﴿أَحَسِبَ النَّاسُ أَنْ يُتْرَكُوا أَنْ يَقُولُوا إِعْمَالُنَا وَهُمْ لَا يُفَتَّنُونَ﴾

«Одамлар: «Иймон келтирдик», дейишлари билангина, имтихон қилинмаган ҳолларида, қүйиб қўйилишларини ўладиларми?!» [Анкабут 2]

деган каломи ёритиб бермокда.

Аллоҳ Субҳанаҳу инкор қилган **الغفلة** ғафлат бу ерда бир ишни эътиборсизлик қилиб, унга диққат қилмай хато қилишдир. Табиийки ва аниқки бу нарса Аллоҳ Субҳанаҳуда асло мавжуд эмас. Чунки Аллоҳ на мудроқ, на уйқу олмайдиган агадий турувчи-Қайюмдир. Бу ерда Ҳақ Субҳанаҳу Ўз Росули ва у зот билан бўлган мўминларга хитоб қиляпти, чунки қачон Ҳақ Субҳанаҳу Ўз Росулига хитоб қилса, бир вақтда, Ўзига иймон келтирган ҳар бир инсонга хитоб қилган бўлади. Бироқ, Росулуллоҳ Аллоҳни ғофил деб ўйлаган эдиларми? Йўқ албатта. Келинг, мулоҳаза юритайлик: Қачон Аллоҳ бандасини бир нарсага йўллаган бўлса, баъзан бандаси ўша нарсани амалда қилаётган бўлиши мумкин ва Аллоҳ ундан амалда

қилишда давом этишни талаб қилаётган бўлади. Масалан, сиз кимгадир «ароқ ичма», десандыз у ҳақиқатда ароқ ичмаётган бўлиши мумкин, аммо сиз бу гапингиз билан ундан шундай ичмасликда давом этишини талаб қилаётган бўласиз. Яъни шу ҳолатингда давом эт, буйруқни қилишдан, тақиқдан тийилишдан тўхтама, деган бўласиз.

Ғафлат Аллоҳда бўлиши мумкинми? Гап шундаки, агар сиз инсонда бўладиган, Ҳақ Субҳанаҳуда бўлмайдиган бир сифатни кўрсангиз, уни Аллоҳгагина хос бўлган баркамоллик сифатлари билан талқин қилишингиз керак. Ким зулм қилса бунинг жазосини олади, жазоси кечикса, зулмга гувоҳ бўлганлар ҳайрон бўлиб, «қизиқ, фалончининг зулми унугидими? Бу ишда ғафлат бўлдими?» дейдилар. Улар бу саволлари билан гуноҳ қилганга нисбатан ўз позицияларини кўрсатяптилар, унинг жазоланиши кераклигини таъкидлаяптилар. Шунга биноан, биз оятдаги ﴿فَإِنَّمَا يُعَذِّبُ اللَّهُ عَلَىٰ مَا يَعْمَلُونَ﴾ сўзини «жазони кечиктирувчи», деб тушунамиз.

Савол берадиганлар Ҳақ Субҳанаҳунинг мана бу каломини эсласинлар:

﴿وَأَمْلِ لَهُمْ إِنَّ كَيْدِي مَتِينٌ﴾

«Мен уларга муҳлат бериб қўюрман. Дарҳақиқат, Менинг «макрим» жуда қаттиқдир!» [Қалам 45]

Демак, бу ерда ғафлат йўқ, балки золимларга жазони кечиктириш бор. Чунки зулмнинг маъноси кишидан ҳақини тортиб олиб, бошқа бирорвга бермоқ ёки ўзига олмоқдир. Агар ақидавий ишда зулм қилинган бўлса, бу ширк бўлади, яъни энг оғир гуноҳ. Агар гуноҳи кабираға қўй урган бўлсангиз, бу фосиқлик бўлади, агар гуноҳи сағира қилган бўлсангиз бу золимлик бўлади. Шунинг учун, Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло ҳар бир ҳукмни уч ҳолатга бўлганига гувоҳ бўламиш: Яъни ширкка йўл берган кимсалар ҳақида бундай дейди:

﴿وَمَنْ لَمْ يَحْكُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَفِرُونَ﴾

«Ким Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритмаса, ана ўшалар коғирлардир» [Моида 44]

Гуноҳи кабира йўл берганлар ҳақида бундай дейди:

﴿وَمَنْ لَمْ يَحْكُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْقَسِيْفُونَ﴾

«Ким Аллоҳ нозил қылған аққомлар билан ҳукм юриттаса, ана ўшалар фосиқлардир» [Моида 47]

Гунохи сағирага йўл берган кимсалар ҳақида бундай дейди:

﴿وَمَنْ لَمْ يَحْكُمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

«Ким Аллоҳ нозил қылған аққомлар билан ҳукм юриттаса, ана ўшалар золимлардир» [Моида 45]

Агар бир маҳкум бўлиб, унинг устидан чиқадиган бир нечта қарор бўлса, якуний қарор у судланган масалага боғлиқ. Биз оятда келган зулмни ўрганадиган бўлсак, золим мазлумни тақозо этади. Агар зулм зулмнинг чўққиси бўлса, яъни – Аллоҳ асрасин – Аллоҳга ширк келтириш бўлса, буни уламолар уч турга бўладилар: Биринчиси: Аллоҳнинг борлиги ва илоҳлигини ҳеч кимга нисбат бермасдан инкор этиш, яъни атеистлик. Бу Ҳақ Субҳанаҳунинг вожибул вужудлигига нисбатан зулmdir. Иккинчиси: Аллоҳнинг илоҳлигини эътироф этиб, илоҳликда унга бошқаларни шерик қилиш. Бундай ширк Унинг зоти ва ваҳдониятига нисбатан зулmdir. Учинчиси: Аллоҳ қисмлардан иборат, дейишдир, яъни бу Унинг зоти ягона эканлигига нисбатан зулmdir. Орифлардан бири «мавжудотдаги энг биринчи ҳақиқат Аллоҳ Таолонинг мавжудлигидир», деган... Биз фикрлашаётган оятдаги зулм бу зулмнинг чўққиси, яъни илоҳий ақидадаги, шу жумладан, Росулуллоҳ  нисбатан зулmdir. Шоир уларнинг Росулуллоҳ қылған зулмларини қўйидагича ифодалаган:

Йигитлигига уни ишончли деб номладингиз

Кейин нега ишончлини ёлғончига чиқардингиз

Ҳақиқатда, улар Росули акрамни пайғамбарликдан олдин Амин-ишончли деб аташган, пайғамбарликдан кейин эса бу сифатни у зотдан чиқариб юборишиди. Пайғамбарликдан олдин Содик-ростгўй деб ҳам аташганди. Пайғамбарликдан олдин у зотни сеҳргар, ёки мажнун дейишмаган. Ахир у зотда ростгўйлик ва ҳақгўйлик сифатлари бўлгани ҳамда ҳукм чиқаришдаги афзаллиги ҳақида гапирилганку? Нега пайғамбарликдан олдин шундай сифатлари бўлсада, пайғамбарликдан кейин бу сифатларни чиқариб юборасиз? Мана шу зулmdir, баркамолликни тортиб олган зулmdir. Росулуллоҳ  да пайғамбарликдан олдин ҳам баркамоллик бор эди, зулм қилиб, ушбу баркамолликни инкор этдингиз, бу эса

иккиюзламачилик зулмидир. Пайғамбарлиқдан олдин амин-ишончли эканини тан олгандингиз, пайғамбарлиқдан кейин омонатгүйлигини инкор этдингиз. Пайғамбарлиқдан олдин ростгүйлигини тан олгандингиз, пайғамбарлиқдан кейин ростгүй эмас дедингиз. Пайғамбарлиқдан олдин у зотда камчилик сифати бўлмаган, сўнгра сизлар: сеҳргар, фолбин ва мажнун деган ноқис сифатлар билан сифатладингиз. Бунда Росууллоҳ  га нисбатан зулм мавжуд.

Бу, шунингдек, улар яшаган жамиятга ҳам зулм. Чунки ким куфр калимаси билан истибдоднинг давом этишини истаса, бирорвнинг устидан ҳукмронлик, эксплуатация ва зўравонликни давом этишини хоҳласа, буларнинг барчаси жамиятга зулмдир. Бундан ташқари, бу кишининг ўзи учун ҳам зулм, чунки ким зулм қилса, оддий роҳат-фароғатни олади-да, катта ҳақиқий роҳат-фароғатдан ўзини маҳрум қиласди. Катта роҳат-фароғат эса Аллоҳнинг манҳажи соясида ҳаёт кечирмоқдир. Бунга Раҳмоннинг ушбу қаломи тўғри келади:

﴿وَمَا ظَلَمْنَاهُمْ وَلَكِنْ كَانُوا أَنفَسُهُمْ يَظْلِمُونَ﴾

«Биз уларга зулм қилмадик, балки улар ўзларига (ўзлари) зулм қилдилар» [Наҳл 118]

Бу турдаги одамлар жамиятга ва одамнинг ўзига зулм қилишдан ташқари жонсиз предметлар, жониворлар ва ўсимликлар каби бутун коинотга қарши зулм қилиши мумкин. Масалан, бутун коинот Холиқнинг йўлига бўйсундириб қўйилган бўлса-ю, инсон Холиқи йўлида юрмаса, демак, у коинот билан муносабатида бунга риоя қилмаган бўлади. Аллоҳ Субҳанаҳу бундай деган:

﴿وَإِن مِن شَيْءٍ إِلَّا يُسَيِّعُ بِحَمْدِهِ﴾

«Мавжуд бўлган барча нарса Унга ҳамд ила, тасбиҳ айтиб туради» [Исрө 44]

Коинотдаги ҳамма нарса Аллоҳга ҳамд айтса-ю, инсон бундан ўзини тортиб, Аллоҳ йўлидан юрмаса, бутун коинот бундай инсонни ёмон кўради, бу билан инсон ўзига ҳам, коинотга ҳам зулм қилган бўлади. Шу тариқа, биз илоҳийликни инкор этишдаги энг катта зулмни, Аллоҳга ширк келтиришдаги зулмни, уни қисмлардан иборат деб билиш зулмини, Росууллоҳдаги баркамолликни, яъни иймон хабарини олиб

келган воситани инкор этиш зулмини, турли жисмлари билан Аллоҳга тасбиҳ айтүвчи бутун коинотта зулмни ўрганиб чиқдик.

Хақ Субҳанаҳунынг

﴿وَلَا تَحْسِنَ اللَّهُ عَفِلًا عَمَّا يَعْمَلُ الظَّالِمُونَ﴾

(Аллоҳ золим кимсаларнинг қилаётган амалларидан ғофил», деб ўйламанг!) деган каломида «يعمل» амал қилиш феълини күряпмиз. Бизга маълумки, «عمل» билан « فعل» ўртасида фарқ бор. فعل тилдан бошқа барча органларнинг қилган ишларидир, тилнинг ишига эса «قول ғап» сўзи ишлатилади. Ҳар бир органнинг қиласиган иши ўз номига эга, аммо тилнинг иши ўзига хос номга эга. Одамларни юз тубан дўзахга улоқтирувчи нарса уларнинг тилларидир. فعل феъл билан قول ғапни амал жамлайди. Бу ерда фикрлашаётганимиз оятда Хақ Субҳанаҳу «يعمل» демоқда. Чунки Қуръонни эшитган мушриклар Ислом ва Ресулуллоҳ ﷺ га қарши ғап билан курашишди, улар содир этган барча феълларга оғзаки иғво сабаб бўлди. Ушбу ояти каримада Хақ Субҳанаҳу уларга гуноҳларига жазо олишлари учун гуноҳ қилишга имкон берганини таъкидламоқда ва ушбу оят

﴿إِنَّمَا يُؤَخِّرُهُمْ لِيَوْمٍ تَشَخَّصُ فِيهِ الْأَبْصَرُ﴾

(Аллоҳ уларни(нг жазоларини) кўзлар (даҳшатдан) қотиб қоладиган (қўрқинчли қиёмат) кунига қадар кечиктирмоқда, холос), деб келмоқда. Бизга маълумки, уларнинг бошига Ресулуллоҳ ﷺнинг нусрати яқин эканини тасдиқловчи айрим ҳодисалар тушди, яъни айрим етакчи ва сардорлари Бадрда ҳалок бўлди, катталари асирга тушди. Хақ Субҳанаҳу ваъда ёки таҳдидни шундай тарзда юзага чиқаришни хоҳлади.

Аллоҳ Таоло ҳар бир эшитувчига – агар ширк келтиришда ва пайғамбарликка қарши курашда давом этса – охират азоби ҳақида хабар берди. Хақ Таолонинг

﴿تَشَخَّصُ فِيهِ الْأَبْصَرُ﴾

(Кўзлар (даҳшатдан) қотиб қоладиган), деган каломи – кўзлар даҳшатдан ўнгу сўлга қаролмай (қотиб) қолади, демакдир. Баъзан кўзлар кўрган нарсаси жуда гўзал бўлгани сабабли ҳам қотиб қолиши мумкин. Бу иккиси ўртасидаги фарқ инсоннинг ўша вақтдаги ўзига хос бўлган ўзлаштиришига боғлиқ.

Қаттиқ қүрқувдан даҳшатга тушган одамға эътибор берсангиз, унинг юзи үзгариб, қүрқувни акс эттиради. Аммо гўзал нарсага маҳлиё бўлган кишига қарасангиз, унинг нигоҳлари гўзаллашганига гувоҳ бўласиз... Биз қўрққан одам билан маҳлиё бўлган одамнинг фарқини нигоҳлари завқланиши ёки даҳшатга тушишидан ажратиб олишимиз мумкин. Кўз қўрилаётган нарсага диққат билан қарайди, кўрилган нарсалар кўпайса, кўз уларнинг ўртасида ййнай бошлайди. Шунинг учун кўрувчи шахс кўринган нарсаларга ҳар доим чалғийди, унинг хаёли у ердан бу ерга ўтади. Аммо Аллоҳ кўрмаслик неъматини берган кишилар – кўзи ожизлар – эса, уларни манзара чалғитмайди, шунинг учун уларнинг илмга жуда ўч инсонлар эканини гувоҳи бўламиз. Чунки уларнинг зеҳнлари ортиқча нарсалар билан машғул бўлмайди. Улар ҳисларининг маркази қулоқ бўлиб, маълумотни уларнинг зеҳнида мустаҳкам ўрнаштиради. Шунинг учун улардан толиби илмларини «ilm sandiqlari», дейишади. Улардан илм олаётгандарининг бирортаси ҳам ҳеч қачон бўш бўлмайди, улар худди ҳеч қачон бўш турмайдиган сандиқ каби бўладилар.

Ҳақ Субҳанаҳу Қуръоннинг бошқа бир ерида айтади:

﴿وَإِذْ رَأَغَتِ الْأَبْصَرُ﴾

«Ўшандо кўзлар тиниб-хорғинлашиб қолди» [Аҳзоб 10]
 Яъни кўзлар қиёмат даҳшатидан бир сафар қотиб қолиб, даҳшатли манзарадан қаттиқ қўрқувга тушса, бир сафар толиб, хорғин аҳволга тушиб, чиқар жойни ва чорани излаб қолади, аммо тополмайди.

Ҳақ Субҳанаҳу кўзлари толиб қолган кимсаларнинг аҳволини ушбу каломи билан хотималайди:

﴿مُهْطِعِينَ مُقْنِعِي رُءُوسِهِمْ﴾

«(У куни) улар бошларини (осмонга) кўтарган ҳолларида (чорланган томонга ҳисоб-китоб учун) чопишур» [Иброҳим 43] □

САБОТ БИЛАН ТУРИШ ВА МАШАҚАТЛАРГА САБР ҚИЛИШ

(Росулуллоҳ ўз қавмидан кўрган азоб ва озорлардан айримлари ҳақида)

Абу Ҳорис Тамимий

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим:

يَأَيُّهَا الْمَرْءَمُ قُمْ الْيَلَ إِلَّا قَلِيلًا يَصْفَهُ وَأَوْ أَنْقُصْ مِنْهُ قَلِيلًا أَوْ زَدْ عَلَيْهِ وَرَتَّلِ الْقُرْءَانَ تَرْتِيلًا إِنَّ سَنْلُقَيْ عَلَيْكَ قَوْلًا ثَقِيلًا إِنَّ نَاشِئَةَ الْيَلِ هِيَ أَشَدُ وَطْنًا وَأَقْوَمُ قِيلًا إِنَّ لَكَ فِي الْنَّهَارِ سَبْحَانَ طَوِيلًا وَأَذْكُرْ آسَمَ رَبِّكَ وَتَبَّاعِلْ إِلَيْهِ تَبَّاعِلًا رَبُّ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ فَاحْجَدْهُ وَكِيلًا وَاصْبِرْ عَلَى مَا يَقُولُونَ وَاهْجُرْهُمْ هَجْرًا جَمِيلًا وَذَرْنِي وَالْمُكَدِّبِينَ أُولَى النَّعْمَةِ وَمَهْلُكُمْ قَلِيلًا إِنَّ لَدِيْنَا أَنْكَالًا وَجَحِيمًا وَطَعَامًا ذَا عُصَمَةٍ وَعَدَابًا أَلِيمًا يَوْمَ تَرْجُفُ الْأَرْضُ وَالْجِبالُ وَكَانَتِ الْجِبالُ كَثِيبًا مَهِيلًا

«Эй (кийимларига) ўралиб олган зот, кечаси (бедор бўлиб, намозда) туринг! Фақат озгина — унинг (кечанинг) ярмида (ухлаб ором олинг) ёки (уйқуни кечанинг) ярмидан ҳам бир оз камайтириング, ёхуд унга (бир оз) зиёда қилинг (яни кечанинг ярмидан кўпроғида ухлаб, истироҳат қилинг) ва Қуръонни тартил билан (дона-дона қилиб) тиловат қилинг! Зоро, Биз сизга оғир Сўзни-Қуръонни туширажакмиз. Албатта кечаси (ибодат учун бедор бўлиб) туриш (тун уйқу-ором вақти бўлгани сабабли) жуда оғир юқдир ва (лекин у пайтда кундузги безовталиклар бўлмагани учун) энг тўғри сўздир. Албатта, сиз учун кундузи узун-тинимсиз иш бор (шу сабабли кечалари бедор бўлиб ибодат қилинг). Роббингизнинг номини (мудом) ёд этинг ва Унга бутунлай берилиб, (чин ихлос билан қуллик қилинг)! (У) машриқ ва мағрибнинг Роббидир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ,

фақат Унинг Ўзигина бор. Бас, сиз (ўзингиз учун) фақат Уни вакил-ҳомий қилиб олинг! Ва улар (мушриклар) айтаётган сўзларига (бераётган озорларига) сабр қилинг ҳамда уларни чиройли тарк этинг! (Сизни) ёлғончи қилгувчи у аҳли неъмат-аҳли дунёларни менга қўйиб беринг ва уларга озгина (Қиёматгача) мұхлат беринг! Зоро Бизнинг даргоҳимизда (кофирлар учун тайёрлаб қўйилган) кишанлар ва (уларни куйдирив азоб бергувчи) олов-дўзах бор! Ва (томуққа) тиқилгувчи (йиринг ва қон каби) «таом» ҳамда алами азоб бор! У Кунда ер ва тоғлар титроққа тушар ва у тоғлар тўкилиб тургувчи қумтепаларга айланиб қолур!» [Муззаммил 1-14]

Мўминлар онаси Хадижа бинти Хувайлид  Росууллоҳ  Ҳонинг ҳолига ачинди, қавмига янги рисолани етказишда оғир машақат чекаётганини, уни кўтаришда чекмаган озорлари қолмаганини кўрди ва «эй амакиваччам, ўзингизга бир оз дам беринг», деди. Бунга у зот «Бугундан бошлаб энди дам олиш йўқ», деб жавоб бердилар. Чунки Росууллоҳ  Ҳонинг назарларида бу иш жуда мұхим бўлиб, унда дам олишга ўрин йўқ эди. Даъватни кўтариб чиқаётган инсон ўзининг даъват қилишдаги масъулиятларини англаса, бажараётган ишининг улканлигини ҳис этса, даъват юки ҳам, ташвиши ҳам дам олишни кўтармайди. Бас, эй оғаниилар, даъватни етказишда собит туришнинг маъноси уни малолланмай ва чарчоқ билмай кўтаришда давом этиш ҳамда унинг мешақатларига – бу мешақатлар хилма-хил, оғир бўлса ҳам – сабр қилишдан иборат. Баъзан даъватни етказаётган киши одамлар нафратига дуч келади, баъзан ҳукумат томонидан таъқиб-тазиққа учрайди, баъзан унинг ризқ йўллари кесилиб, танг ҳаётга дучор бўлади, баъзан буларнинг барчасидан ошиб кетиб, даъват йўлида қатл қилиниши ҳам мумкин.

Росууллоҳ  бизга ҳамиша ўрнақдирлар, у зотдан ибрат оламиз ва ҳидоятларига юрамиз. Саҳобаи киромлар ҳам Исломни етказувчилар учун ҳамон ҳақиқий намунаидирлар, уларнинг сийратига ўзимизни бағишлиаймиз, улар қилган

ишлар олдида ўз ишларимизни арзимас санаймиз. Бу сўзлардан ягона мақсад Росууллоҳ ﷻ ва саҳобаи киром ларнинг Маккай Мукаррамадаги гўзал сийратларига тўхталиш, холос. Зеро, рисоланинг бешиги, даъват билан одамлар ўртасидаги муносабат маскани ва даъватда событ туриб, унинг йўлидаги азоб-уқубатларга сабр қилиш ватани бўлмиш Маккай Мукаррамада биз уларнинг тарихини кўриб, эргашамиз ҳамда Аллоҳ бизни ҳам ушбу давлатни барпо этиш бахтига муюссар айласин учун уларнинг Ислом давлатини барпо этишдаги ҳаракатларидан ўrnак оламиз, жонимизни уни рўёбга чиқаришга бағишлимиз.

Жубайр ибн Нуфайр отасидан ривоят қиласи: «Биз бир куни Миқдод ибн Асвад ﷻ билан ўтиргандик, бир киши ўтиб қолди ва Миқдод ﷻга қараб бундай деди: «Росууллоҳ ﷻни кўрган бу кўзлар қандай ҳам бахтили-а, Аллоҳга қасамки, қани энди биз ҳам сиз кўрган нарсаларни кўриб, сиз гувоҳ бўлган ишларга гувоҳ бўлсан эк!». Нуфайр айтади: У ҳеч бир ёмон нарса айтмаган бўлса-да, Миқдод ﷻ ундан ғазабланди! Мен бундан ажабландим. Миқдод ﷻ у кишига юзланиб бундай деди: Сизлардан бирор киши Аллоҳ Азза ва Жалла ундан беркитган нарсани орзу қилишига нима туртки бўлади, у ўша нарсани устида бўлганида қандай ҳолатда бўлишини билмайди-ку? Аллоҳга қасамки, Росууллоҳ ﷻ замонида шундай кимсалар бўлган – Аллоҳ уларни юзтубан жаҳаннамга улоқтиурсин – у зотни қабул қилишмади, набийлигига ишонишмади. Аллоҳ сизни яратгани, фақат Роббингизни таниганингиз, Набийингиз олиб келган нарсаларни тасдиқлаганингиз, бошқа кишилар сабабли балодан қутулганингиз учун Унга ҳамд айтмайсизми? Аллоҳга қасамки, Набий ﷻ пайғамбарлар юборилган ҳолатларнинг энг оғирида, одамлар бутларга сифинишни энг яхши дин деб билган жоҳилият даврида пайғамбар қилиб юборилдилар. У киши Фурқонни олиб келиб, ҳақ билан ботилнинг, ота билан фарзанднинг ўртасини ажратдилар. Ҳатто қалбини иймонга очиб қўйган бир киши ўз отаси ёки

боласи ёки ака-укасини кофир бўлганини кўрди. У дўзахга тушган кимсанинг ҳалок бўлишини, энг яқин кишиси дўзахга киришини билиб, кўзлари қувонмади. Худди шу ҳақида Аллоҳ Азза ва Жалла деди:

﴿رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَرْوَاحِنَا وَذُرِّيَّتِنَا فُرَّةً أَعْيُنٍ﴾

«Парвардигоро, Ўзинг бизга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан кўзларимизни қувонтир ва бизни тақвадорларга пешво қилгин» [Фурқон 74]

(Бу ривоятни Абу Нуайм «Ҳиля»да ривоят қилган. Табароний ҳам бир неча санадлар билан ривоят қилган, улардан бирида Яхё ибн Солих бор, уни Заҳабий ишончли, деган, қолган ровийлари саҳих).

Анас رضي الله عنه нинг бундай деганларини ривоят қиласиди:

﴿لَقَدْ أَوْذِيْتُ فِي اللَّهِ وَمَا يُؤْذِيْ أَحَدْ، وَأَخْفَتُ فِي اللَّهِ وَمَا يَخَافُ أَحَدْ، وَلَقَدْ أَتَتْ عَلَيَّ ثَلَاثُونَ مِنْ بَيْنِ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ وَمَا لِي وَلِلَّالِ مَا يُكُلُّهُ ذُو كِيدِ، إِلَّا مَا يُوَارِي إِبْطَأْ بِلَالِ﴾

«Мен Аллоҳ йўлида ҳеч ким чекмаган азобларни чекдим. Аллоҳ йўлида (мушриклар томонидан) ҳеч ким кўрмаган қўрқув-таҳдидларни кўрдим. Мен ва Билол ўттиз кеча-кундузни қоринга тушадиган бирор егуликсиз ўтказганмиз, бизда фақат Билол қўлтиғига қистириб олган нарсагина бор эди». (Имом Аҳмад ва Ибн Ҳибон ўзининг саҳихида ривоят қилган ҳамда Термизий ҳам ривоят қилиб, бу ҳасан саҳих, деган).

Уқайл ибн Абу Толиб رضي الله عنه дан бундай дегани ривоят қилинади: Қурайш Абу Толибнинг олдига келиб, «эй Абу Толиб! Акангизнинг ўғли Каъбадаги ибодатгоҳларимизга ва ўтиришларимизга келиб, барчамизни хафа қиладиган сўзларни айтди, биздан уни тийиб қўйсангиз, яхши бўларди» дейишди. Абу Толиб менга «эй Уқайл, амакиваччангни менга топиб кел», деди. Мен у зотни Абу Толибнинг ҳужраларидан биридан топдим. У зот мен

билан бирга юрар экан, сояни қидирар, аммо тополмас эди, шу зайл Абу Толибнинг олдига етиб келди. Абу Толиб унга деди: «Эй акамнинг ўғли, Аллоҳга қасам, менга итоат қиласизми билмадим. Олдимга қавмингиз келиб, Каъбада ва ўтиришларида уларнинг олдига бориб, уларни хафа қиладиган сўзларни айтаётганингизни иддао қилишди ва биздан уни тийиб қўйсангиз яхши бўларди, дейишди. Шунда Росууллоро ﷺ самога боқдилар ва бундай дедилар: «وَاللَّهِ مَا أَنَا بِأَقْدَرٍ أَنْ أَذْعَمَ مَا بُعِثْتُ بِهِ مِنْ أَنْ يَشْعَلَ أَحَدُكُمْ مِنْ هَذِهِ الشَّمْسِ شُعْلَةً مِنْ نَارٍ»

«Аллоҳга қасамки, сизлардан бирортангиз ушбу Қуёшдан бир шуъла олиб ёқолмаганингиз каби мен ҳам ўзим юборилган нарсани тарк эта олмайман». Шунда Абу Толиб «Аллоҳга қасам, акамнинг ўғли ҳеч қачон ёлғон гапирган эмас, яхшиликча ортингизга қайтинг», деди. (Табароний, Абу Яъло. Абу Яълонинг ривоятчилари саҳих).

Байҳақий ривоятида бундай келган:

«Эй акамнинг ўғли! Қавмингиз олдимга келишди ва ҳоказо гапларни гапиришди, бас, менга ҳам, ўзингизга ҳам раҳмингиз келсин ва менга ҳам, ўзингизга ҳам кўтаролмайдиган нарсани юкламанг, қавмингизга ёқмаган гапларни гапиришдан тийилинг. Шунда Росууллоро ﷺ амакисининг ҳолини англадилар, уни энди ёрдамсиз топшириб қўяётганини, бирга туришдан ожиз эканини билдилар. Росууллоро ﷺ бундай дедилар:

«يَا عَمْ: لَوْ وُضَعَتِ الشَّمْسُ فِي يَمَنِي وَالْقَمَرُ فِي يَسَارِي مَا تَرَكْتُ هَذَا الْأَمْرَ حَتَّى يُظْهِرَهُ اللَّهُ أَوْ أَهْلُكَ فِي طَلَبِهِ»

«Эй амаки, агар ўнг қўлимга қуёш, чап қўлимга ой қўйилган тақдирда ҳам бу ишни тарк этмайман, ё Аллоҳ бу ишни ғолиб қиласди ёки уни бажариш йўлида ҳалок бўламан». Сўнг Росууллоро ﷺ нинг кўзлари ёшланиб, йиғладилар. Росууллоро ﷺ юзларини бургач, амакиси бу ишнинг ўз жиянига қанчалик мұхимлигини англади ва «Эй

акамнинг ўғли!», деди. У зот амакисига қарадилар. Амакиси «Боринг, хоҳлаган ишингизни қилинг, Аллоҳга қасам, сизни ҳаргиз уларга топшириб қўймайман», деди».

Росууллоҳ ﷺнинг амакиси вафотидан кейин нималар бошига тушганига келсак, бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Жъафар رض ривоят қилади: «Абу Толиб вафот этгач, Росууллоҳ ﷺга Қурайш тентакларидан бири рўбарў келиб, тупроқ сепиб юборди, шунда у зотнинг қизларидан бири келди ва юзларини артиб тозалаб, йиғлади. У зот «Эй қизим, йиғлама, Аллоҳ отангни ҳимоя қилгувчиидир», дедилар. Росууллоҳ ﷺ яна бундай дер эдилар:

«مَا نَأْلَمُ فُرِيقًا شَيْئًا أَكْرَهُهُ حَتَّىٰ مَاتَ أَبُو طَالِبٍ ثُمَّ شَرَحُوا»

«Қурайш то Абу Толиб вафот этгунча менга ҳеч зиён етказа олмади, (у вафот этгандан) кейин зиён етказишга ҳаракат қила бошлашди». (Байҳақий ривояти). Абу Ҳурайра رض ривоят қилади: «Абу Толиб вафот этгач, Росууллоҳ ﷺга қовоқ соладиган бўлишди. У зот бундай дедилар:

«يَا عَمَ! مَا أَسْعَ مَا وَجَدْتَ فَقَدْكَ»

«Эй амаким, сизни йўқотганимни қанчалик тез сездим-а!». (Абу Нуайм «Хиля»да ривоят қилган).

Шундан кейин у зотга қарши чиқиш ва у кишини ёмон кўриш кучайиб кетди. Бу ҳақда Табароний Манбит Аздийдан ривоят қилади: «Жоҳилиятдаги вақтимда Росууллоҳ ﷺнинг бундай деганларини эшигандим:

«يَا أَيُّهَا النَّاسُ! قُولُوا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ تُفْلِحُوا»

«Эй инсонлар, Ла илаҳа иллаллоҳ денглар, нажот топасизлар». Одамлар бўлса, баъзилари у зотнинг юзига тупурди, баъзилари юзига тупроқ сочди, баъзилари куппа-кундузи у зотни сўкди. Бир қиз пиёлада сув олиб келиб, у зотни юз ва қўлларини ювди. Шунда у зот «Эй қизим, отангни ўлдиришлари ёки хорлашларидан қўрқма», дедилар. Бу ким? – деб сўрагандим, Росууллоҳ ﷺнинг қизи Зайнаб, дейишди».

Урва رض ривоят қиласи: «Мен Ибн Ос رضга мушрикларнинг Росууллоҳ ﷺга энг ёмон қилмишларидан айтиб беринг, дегандим бундай деди: Росууллоҳ ﷺ Каъба қўйнида намоз ўқиётган эдилар олдига Уқба ибн Абу Муайт келиб, кўйлагини бўйнига тортди ва қаттиқ бўғди... Шунда Абу Бакр رض келиб унинг бўйнидан тортиб, Набий ﷺни сақлаб қолди ва бундай деди:

أَتَقْتُلُونَ رَجُلًاً أَنْ يَقُولَ رَبِّيَ اللَّهُ وَقَدْ جَاءَكُمْ بِالْبَيِّنَاتِ مِنْ رَبِّكُمْ

«Бир кишини, «Роббим Аллоҳдир», дегани учун ўлдиурмисизлар, ҳолбуки, у сизларга Роббингиз томонидан аниқ ҳужжатлар келтирганку?!» [Фоифир 28] (Бухорий ривояти).

Абу Яъло ривоят қиласи, Анас ибн Молик رض бундай деди: «Улар Росууллоҳ ﷺни калтаклашди, шу даражадаки ҳушидан кетиб қолдилар. Шунда Абу Бакр رض: вайл бўлсин сенларга! Роббим Аллоҳ деган инсонни ҳам ўлдирасанларми? – дея бақирди. У ким? – деб сўрашганди, бу мажнун Абу Бакр, дейиши ва Росууллоҳ ﷺни тарк этиб, Абу Бакрга юзланишди». (Ушбу ривоятни ровийлари саҳих, буни Ҳоким ҳам ривоят қилган ва Муслим шартига кўра саҳих, икки шайх ривоят қилмаган, деди).

Абу Бакр رضнинг ушбу позицияси ҳақида имом Али ибн Абу Толиб رض ҳикоя қилган. Муҳаммад ибн Уқайл رض ривоят қиласи, Али رض уларга бундай деди: «Эй инсонлар, энг шижаотли инсон ким? Сизсиз, эй мўминлар амири! Аммо мен фақат ўз тенгим билан курашаман. Бироқ энг шижаотли киши Абу Бакр رضдир. Аллоҳга қасам! Биз (катта Бадр ғазотида) Росууллоҳ ﷺга капа тикидик ва мушриклардан бирортаси ҳужум қилмаслиги учун: ким Росууллоҳ ﷺ билан бирга турди? – дедик. Аллоҳга қасам! Ўшанда Абу Бакр رضдан бошқа ҳеч биримиз у зот билан турмади, у Росууллоҳ ﷺнинг тепасида қиличини сўғуриб, у зотга ҳеч ким ҳужум қилмасидан ўзим унга ҳужум қиласман, деди. Бас, энг шижаотли инсон Абу Бакрдир. Мен Росууллоҳ ﷺни Қурайш тутиб олганини

кўрдим, бири у зот билан баҳслашарди, яна бири ёқасидан ушлаб силкитарди, улар: сен илоҳларимизни битта илоҳга айлантирдинг, дейишарди. Аллоҳга қасам, шунда Абу Бакр ﷺдан бошқа ҳеч киммиз уларга яқинлашмадик. Абу Бакр мушриклардан бирини уриб, иккинчиси билан жанг қилди, яна бирини ёқасидан ушлаб силкитиб, вайл бўлсин сенларга, Роббим Аллоҳ деган кишини ҳам ўлдирасанларми? – деди. Али ؏ шуларни айтиб, эгнидаги чопонини кўтариб йиғлаб юборди, ҳатто соқоллари ҳўл бўлди. Кейин – Аллоҳга қасам айтингчи, Фиръавн оиласидаги мўмин яхшими, Абу Бакрми? – деб сўради. Халойиқ жим қолди. Шунда Али ؏ деди: Аллоҳга қасам! Абу Бакр ҳаётининг бир соати бутун ер юзи Фиръавн оиласидаги мўминлар билан тўлиб тошганидан яхшироқдир. Чунки у одам иймонини яширади, ушбу эр киши эса иймонини очиқ эълон қилди». (Баззор ривоят қилди ва буни фақат шу жиҳатдан ривоят қилинганини биламиз, деди).

Абдуллоҳ ибн Масъуд бундай ривоят қилади: «Биз Росууллоҳ ﷺ билан бирга Каъбада эдик, Абу Жаҳл ибн Ҳишом, Робианинг икки ўғли Шайба ва Утба, Уқба ибн Абу Муайт, Умайя ибн Халаф ва яна икки киши, ҳаммаси етти киши Ҳижрда эди. Росууллоҳ ﷺ намоз ўқиётган эдилар. Саждага бориб, узоқ сажда қилдилар. Шунда Абу Жаҳл: қайси бирингиз Бану фалон сўйган қўйнинг ичак-човоғини келтиради, уни Мұхаммаднинг устига ташлар эдик, деди. Уларнинг энг разили Уқба ибн Абу Муайт бориб ичак-човоқ келтирди ва уни саждада турган Росууллоҳ ﷺнинг елкаларига ташлади. Ибн Масъуд айтади: мен ҳеч нарса қилолмай турдим. Чунки менинг тарафимни оладиган ҳеч ким йўқ эди. Мен кетаётганимда Росууллоҳ ﷺнинг қизи Фотиманинг овозини эшилдим. Фотима онамиз бориб, ичак-човоқни елкаларидан олиб ташлади, кейин Қурайшга юзланиб, уларни сўкиб берди, улар унга ҳеч қандай жавоб қайтара олишмади». (Баззор ва Табароний ривоят қилди, Ҳайсамий бундай деди: унда Ажлаҳ ибн Абдуллоҳ Киндий

бор ва уни Ибн Майн ва бошқалар ишончли деган. Бу ривоятни Абу Нуайм «Далоили Нубувва»да ривоят қилган. Бухорий, Муслим, Термизий ва бошқалар ҳам Абу Бухтарий қиссасини қисқартирилган ҳолда ривоят қилғанлар).

Робия ибн Убайд Дилийдан ривоят қилинади: «Мен сизларнинг Қурайш Росууллоҳ ﷺга озорлар бергани ҳақида гапирганингизни эшийтмадим. У зотнинг уйи Абу Лаҳаб ва Уқба ибн Абу Муайтнинг уйлари ўртасида эди. Уйига келганда дарвозаси остонасига чорваларнинг қорни, қони ва сүяклари (ифлос-нажас нарсалар) ташлаб кетилганини кўрар эдилар, уларни камони билан бир четга суриб ташлаб,

«بِسْ الْجَوَارُ هَذَا يَا مَعْشَرَ قُرْيَشٍ»

«Эй Қурайш, бу қандай ёмон қўшничилик-а!», дер эдилар. (Табароний «Авсат»да ривоят қилган).

Урва ибн Зубайр رض ривоят қилади: «Абу Толиб вафот этди ва Росууллоҳ ﷺнинг бошига балолар жуда кучайиб кетди, у зот Сақифга бошпана ва нусрат талаб қилиб бордилар. Уларнинг етакчилари бўлган учови (ака-укалар Абдуёлайл ибн Амр, Хубайб ибн Амр ва Масъуд ибн Амр) билан учрашиб, уларга ўз ишларини рўпара қилдилар ва бошига тушган балолардан, қавмининг зулмларидан шикоят қилдилар. Улардан бири: агар сени Аллоҳ юборган бўлса, мен Каъбанинг ёпинчиини ўғирлайман, деди. Иккинчиси: Аллоҳга қасам, сен билан шу ўтиришимдан кейин ҳеч қачон бир оғиз ҳам гаплашмайман, агар ҳақиқатда пайғамбар бўлсанг, мен сен билан гаплашишимдан кўра буюкроқ ва шарафлироқсан, деди. Учинчиси: Аллоҳ сендан бошқасини пайғамбар қила олмадими? – деди. Кейин буни бутун Сақиф бўйлаб тарқатишди, ҳаммаси тўпланишиб, Росууллоҳ ﷺни масхара қилишди, икки саф бўлиб ўтириб олишди ва қўлларига тош олиб, масхаралаб кулишган ҳолда у зотга қаратат отишди, оёқларини ердан узиб-уздирмай тошбўрон қилишди. Уларнинг сафидан қутулиб чиқиб, уларнинг токзори қўрғонида ҳимояландилар, оёқларидан қон

оқарди. Сояга ўтиб, токлардан бирининг ёнига ўтирдилар, хафа бўлиб, оғриқ чекдилар. Токзорда Робианинг ўғиллари Утба ва Шайбани кўриб қолдилар. Ака-укаларнинг Аллоҳга, Росулига ва Росули олиб келган нарсаларга душман бўлгани сабабли уларнинг келишини истамадилар. Ака-укалар найнаволик Аддос номли бир насроний хизматкор йигит орқали Росууллоҳ  узум бериб юбориши. Росууллоҳ  у келтирган узумни қўлларига олиб, «**Бисмиллаҳ**», деб едилар. Аддос бу калимадан таажжубланди. Росууллоҳ  «**Сен қаерликсан, Аддос?**», деб сўрагандилар «**найнаволикман**», деди. «**Солиҳ инсон Юнус ибн Маттонинг шаҳриданмисан?**», дедилар. Йигит: «сиз Юнус ибн Маттони қаердан биласиз?», деди. Росууллоҳ Юнус  ҳақида билганларини айтиб бердилар. Росууллоҳ  ҳеч кимга менсимай муомала қилмаганлар, балки унга Аллоҳ Таолонинг рисоласини етказганлар. Аддос: «Эй Аллоҳнинг Росули! Менга Юнус ибн Матто ҳақида гапириб беринг», деди. У зот ўзига нозил бўлган Юнус  қиссасини айтиб бердилар. Шунда йигит Росууллоҳ  тиз чўкиб сажда қилди ва Росууллоҳ  нинг қонаб турган оёқларини ўпди. Ака-ука Утба ва Шайба ўз хизматкорларининг нима қилаётганини кўриб, индамай қолиши. Йигит уларнинг олдига келганида: сенга нима бўлди, Муҳаммадга сажда қилиб, оёқларини ўпдинг-а, бизга эса бундай қилмагансан? – дейишди. Йигит деди: Бу солиҳ киши, Аллоҳ Таоло бизга пайғамбар қилиб юборган Юнус ибн Матто ҳақида айтиб берди ва ўзининг Аллоҳнинг Росули эканини айтди. Ака-укалар кулишиб, «сени фитналаб насронийлигиндан чиқариб юбормасин. У ёлғончи киши», дейишди. Кейин Росууллоҳ  «Маккага қайтдилар». (Абу Нуайм «Далоил»да ривоят қилган).

Мусо ибн Уқба ривоят қиласиди: «У зотнинг йўлига Тоиф аҳолиси икки саф бўлиб, ўтаётганида оёқларини ердан узиб-уздирмай тошбўрон қилиши, оёқларини қонатишиди. Улардан қутулиб олганларида оёқларидан ҳамон қон оқарди. Ибн Исҳоқ ривоятида бундай келган: Росууллоҳ 

Сақифнинг яхшилик қилишидан умидларини үзиб, уларнинг олдида турдилар. Менга айтилишича, уларга: менга қилганингизни қилдингиз, фақат менинг келганимни сир сақланглар, дедилар. Чунки бу хабарнинг ўз қавмига етиб боришини, улар эшитиб ҳаддан ошишларини истамадилар. Аммо Сақиф бундай қилишмади, балки тентаклари ва қуллари у зотни ҳақоратлаб, ҳайқиришди ва тўпланишиб, у зотни Утба ва Шайбанинг токзори қўрғонигача – улар ўша ердалигида – қувиб боришиди. Кейин тентаклари ортга қайтишди. У зот токнинг соясига ўтиб ўтирдилар, ака-укалар у зотни ва Тоиф аҳлидан нималарни бошдан кечирганини томоша қилиб туришди. Росууллоҳ ﷺ Жамҳ қабиласидан бир хотинга йўлиқдилар ва унга «Сенинг яқинларингдан бошимизга нималар келмади-я!», дедилар».

Урвадан ривоят қилинади: «Росууллоҳ ﷺ нинг завжалари Оиша رضي الله عنه у зотдан: сизга Уҳуд кунидан ҳам қаттиқроқ кун бўлганми? – деб сўради. Росууллоҳ ﷺ дедилар: «Ҳа, мен бу қавмингдан кўп азоб-уқубатларга дуч келдим. Уларнинг энг қаттиғи Ибн Абдуёлайл ибн Абдукулолга ўзимни ҳимоя қилишни таклиф қилган кунимда бўлди. У қабул қилмади, олдида ғам чекиб бошимни эгган ҳолда қайтдим. Қарни Саолиб (Макка яқинидаги жой)гача ўзимга келолмадим, у ерга келганимда бошимни кўтариб қарасам тепамда бир булат мени соясига олганини кўрдим. Қарасам, булат тепасида Жаброил ﷺ менга нидо қилдилар ва «Аллоҳ қавмингизнинг сизга нима дейишганини, қандай жавоб қайтаришганини эшитди. Нима тилагингиз бўлса амр этинг, деб сизга тоғлар фариштасини юборди. Истасангиз қавмингизнинг устига Ахшабайн (Макка яқинидаги икки тоғ)ни ташлаб юбораман» деди. Шунда Набий ﷺ: «Йўқ, мен Аллоҳ Азза ва Жалланинг уларнинг пушти камаридан Аллоҳ Азза ва Жалланинг ёлғиз Ўзига ибодат қилиб, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайдиган инсонларни чиқаришини умид қиласман», дедилар». (Бухорий, Муслим ва Насойи ривоятлари).

Росууллоҳ  тинчлангач, машҳур дуоларини қилдилар:

«اللَّهُمَّ إِلَيْكَ أَشْكُو ضُعْفَ قُوَّتِي، وَقُلَّةَ حِيلَتِي، وَهَوَانِي عَلَى النَّاسِ، يَا أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ! أَنْتَ رَبُّ الْمُسْتَضْعَفِينَ وَأَنْتَ رَبِّي، إِلَى مَنْ تَكْلِي؟ إِلَى بَعِيدٍ يَتَجَهَّمُنِي؟ أَمْ إِلَى عَدُوِّي مَلْكُتُهُ أَمْرِي؟ إِنْ لَمْ يَكُنْ بِكَ عَلَيَّ غَصَبٌ فَلَا أُبَالِي، وَلَكِنْ عَافِيَتَكَ هِيَ أَوْسَعُ لِي، أَعُوذُ بِنُورِ وَجْهِكَ الَّذِي أَشْرَقْتُ لَهُ الظُّلُمَاتِ وَصَلَحْتَ عَلَيْهِ أَمْرَ الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ مِنْ أَنْ تُنْزِلَ بِي غَضَبَكَ، أَوْ يَكُلُّ عَلَيَّ سُخْطُكَ، لَكَ الْغَنْيَى حَتَّى تَرْضِي، وَلَا حُولَّ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِكَ»

«Аллоҳим! Қувватимнинг заифлиги, чорамнинг озлиги ва одамлар олдида хўрланганимдан Сенга шикоят қиласман. Эй раҳмиларнинг раҳмлиси! Сен бечоралар Роббисисан, менинг Роббимсан, мени кимга ташлаб қўймоқдасан? Менга қўполлик қош-қовоқ қиласдан узоқдаги кишигами ёки ишимга эгалик қиласдириб қўйганинг душмангами? Агар менга ғазабинг бўлмаса, мен хавотир олмайман. Аммо офииятинг мен учун яхшироқдир. Зулматларни оидинлатувчи, дунё ва охират ишлари у билан ислоҳ бўлувчи юзинг нури билан паноҳ сўрайманки, менга ғазабинг келмасин ёки қаҳринг тушмасин. Мендан рози бўлиш йўз қўлингдадир. Сендан ўзгада ҳеч қандай кўч ва қувват йўқ».

Оиша  ривоят қиласди: «Абу Бакр: мен билан Росууллоҳ  форга чиққанимизни кўрганингда эди. Росууллоҳ  оёқларининг ости қонаб кетди, менинг оёқларимнинг ости қавариб қадоқ бўлиб кетди, деди. Оиша : Росууллоҳ  оёқ яланг юрмасдиларку, деди». (Ибн Мурдавайҳ ривояти, Канзул Аммолда шундай келган).

Булар Росууллоҳ  нинг ўз қавмидан кўрган азоб-уқубатларининг айримлариidir. Саҳобаи киромлар ҳам кўп озор ва азоб-уқубатлар кўрдилар. □

АРАБ ДАВЛАТЛАРИНИНГ (ИСРОИЛ)НИ ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИ ҒАЗО АҲЛИГА ХИЁНАТДИР

Сионистлар армияси ғазо секторида бегуноҳ фуқароларга қарши оммавий қирғинларни содир этиб, у ерда очарчиликни келтириб чиқариш учун қамал жорий қилаётган бир пайтда, баъзи масъулиятсиз араб режимлари (Истроил) ва унинг армиясини у ерда ўта тақчил бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини яширинча етказиб бериш орқали қўллаб-қувватлади. Кейин бу режимлар ғазога озиқ-овқат ва доридармон билан ёрдам қўрсата олмасликларини эълон қилиб, ҳалқаро ҳамжамиятдан (Истроил)га қарши туриб, геноциднинг олдини олишни ва қамални бекор қилиб, мазлумларга ёрдам қўрсатишни талаб қилишди. (Истроил) соғлиқни сақлаш вазирлиги Иорданиядан мева ва сабзавотларни олиб киришни тұхтатиш тұғрисида қарор чиқарганидан кейин, араб давлатларининг (Истроил)ни қўллаб-қувватлаётгани шубҳа туғдирмайдиган ҳақиқатта айланди. Бундай қарор чиқарилишига Ярмук дарёси сувида ва у ердан олиб келинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида вабо бактерияси топилгани сабаб килиб қўрсатилди. Бу – агрессия вақтида араб давлатларининг (Истроил)ни қўллаб-қувватлагани ҳақидаги ушбу ҳабарларнинг ҳақиқатлигини тасдиқлайди. Шунингдек, яширинча (Истроил)ни қўллаб-қувватлаган ва очиқчасига ғазони ёрдамсиз ташлаб қўйган режимларнинг асл башарасини фош қиласди.

Қароргоҳи Қўшма Штатларда жойлашган (Истроил)ни қўллаб-қувватловчи «Иброҳим келишувлари» тинчлик институти ҳисоботида ғазога қарши уруш бошлангандан бери баъзи араб давлатлари билан (Истроил) ўртасида савдо алоқалар кучайгани таъкидланади. Унда айтилишича, 2023 йилнинг сўнгги уч ойида «Фарб» давлатлари томонидан (Истроил)га экспорт 18 %га камайган. Аммо «араб» давлатлари экспорти атиги 4 %га қисқарган. Ҳисоботга кўра, ғазога қарши агрессия бошлангандан бери Мисрнинг (Истроил)га экспорти 168 %га кўпайган бўлса, Марокашнинг экспорти 200 %дан ортиқ ўсган. Яқинда (Истроил) Марказий Статистика Бюроси ғазога қарши агрессия пайтида Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Иордания ва Марокашдан яхудий вужудига экспорт ҳажмини очиқлади. Ушбу маълумотларга кўра, май ойининг ўзида Мисрнинг экспорти 25 миллион доллар бўлган, жорий йилнинг дастлабки беш ойида БААдан экспорт 1,2 миллиард доллар, Иорданиядан 129,1 миллион доллар, Марокашдан 7,4 миллион долларга етди. Бундан ташқари, Walla сайти БАА Саудия Арабистони ва Иордания орқали Ҳайфа портига 200 километр узунликдаги кўпприк қураётгани ҳақида хабар берди. Сайтга кўра, бу кўпприк Ҳусийларнинг (Истроил)нинг ғазога қарши тажовузларни тұхтатиш мақсадида уни блокадага олишига барҳам бериш учун тижорат юкларини ташишга мўлжалланган.

(Истроил) ҳукумати уруş оқибатлари билан боғлиқ маълумотларни қаттиқ сирсақлаётган бир пайтда Times of Israel газетаси ўтган апрел ойида «(Истроил) инсонпарварлик ташкилотлари Песах байрами олдидан уруш туфайли юзага келган озиқ-овқат танқислигини ҳал қилиш учун аралашмоқда», номли мақолани нашр қилди. Бу мақола баъзи масъулиятсиз араб ҳукуматлари (Истроил)га қўрсатаётган хизмат ва ёрдамлар ҳажмини фош қилди. Мақолада Қаршилик Ҳаракати ғазо атрофидаги аҳоли пунктларига ҳужум қилганидан сўнг истроилликларнинг озиқ-овқат танқислиги ва нархларнинг кўтарилишидан азоб чекаётгани очиб берилган. Газетада ёзилишича, Ҳамаснинг ҳужуми (Истроил) қишлоқ хўжалигини фалаж қилиб қўйган. ғазо яқинидаги мамлакат қишлоқ хўжалиги маркази 7 октябр куни уруш ва вайронагарчилик зонасига айлангани туфайли қишлоқ хўжалиги сектори қарийб 40 % ишчи кучи ва 30 % ерини йўқотган. (Истроил) қишлоқ хўжалиги ерларининг 20 %га

яқини ғазо яқинида жойлашган. Globes газетаси октябр ойида (Исроил) Фермерлар Федерацияси раисига таяниб нашр қилган мақолага кўра, мамлакатдаги сабзавотнинг 75 %и, меванинг 20 %и ва сутнинг 6,5 %и ғазо филофидан келади. Бу тармоқларнинг барчаси 7 октябрдан кейин ўз фаолиятини тўхтатган.

Агар масъулиятсиз араб ҳукуматлари озиқ-овқат етказиб бериш орқали Нетаняхуга ёрдам кўрсатишмаганида, бу йўқотишлар уни ғазони вайрон этишини ва тинч фуқароларни қирғин қилишни тўхтатишига мажбур қилиши мумкин эди. Шу билан бирга, Ливандан Ҳизбуллоҳ ракета ҳужумига учраган (Исроил) шимолидаги босиб олинган ҳудуд яхудий вужуди қишлоқ хўжалиги ерларининг учдан бир қисмини ўз ичига олади. (Исроил) қишлоқ хўжалиги вазирлигига кўра, Жалила ва Жўлон минтақалари маҳаллий тухум ва товуқ етказиб беришнинг қарийб 73 %ини ташкил этади. Агар араб давлатлари ёрдам кўрсатмаганида, бу маҳсулотлар етказиб берилишининг тўхтаб қолиши ҳам Нетаняхуни урушни тўхтатишига мажбур қиласидиган қўшимча омил бўлиши мумкин эди.

Зарар етказилмаган ва вайрон бўлмаган фермер хўжаликларига келсак, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ишчи кучи етишмаслиги туфайли деярли тўлиқ тўхтаб қолган. Чунки 7 октябр воқеаларидан кейин 10 000га яқин хорижлик ишчи мамлакатни тарк этган ва 20 000 ғаластинлик ишчининг (Исроил)га кириши тақиқланган. Бу ҳолат (Исроил)да қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш деярли тўхтаб қолишига олиб келди. Бу муҳим маълумот бўлиб, яхудий оммавий ахборот воситалари бу ҳақда камдан-кам хабар беради. Бу маълумотлар (Исроил) ичкарисидаги озиқ-овқат хавфсизлиги урушдан қай даражада зарар кўрганини ва араб режимлари кўмагисиз тўхтаб қолиши мумкинлигини очиб беради.

Миср режими, ўз ҳалқи озиқ-овқат нархи юқорилигидан азият чекаётганига қарамай, (Исроил)га сабзавот ва меваларни экспорт қилишга рұксат берди. Президент Сисийнинг айтишича, Миср асосий озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш учун ойига 1 миллиард долларга мұхтож. Жаҳон Банки маълумотларига кўра, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжнинг 65 %ини импорт қилувчи Мисрда озиқ-овқат нархи ўтган йилнинг ўрталаридан бери дунёдаги энг юқори кўрсатгич бўлиб қолмоқда. АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йилги маълумотларига кўра, (Исроил)ни озиқ-овқат билан таъминлаш учун қуруқликда кўприк қурган БАА озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжининг 90 %дан ортиғини импорт қилади. Иордания озиқ-овқат танқис бўлган мамлакат бўлиб, 2022 йилда Жаҳон Савдо Ташкилоти уни озиқ-овқат тақчил бўлган мамлакат сифатида таснифлаган. Карнеги институтининг 2021 йилги тадқиқотига кўра, у асосий озиқ-овқат эҳтиёжларининг қарийб 70 %ини импорт қилади ва 2022 йил 2,7 миллиард долларлик маҳсулотларни импорт қилган.

Нега бу мамлакатлар ҳукуматлари ўз ҳалқи ҳисобидан яхудий вужудини қўллаб-қувватламоқда?! (Исроил)нинг йўқотишлари ғазодаги болалар, аёллар ва 2,3 миллион тинч аҳолининг очлик ва ўқлардан азият чекаётгани олдида ҳеч нарса бўлмасада, араб режимлари ғазога ёрдам бера олмасликларини иддао қилиб, (Исроил) ва унинг қўшинини керакли озиқ-овқат билан таъминлашда давом этишмоқда.

Ал-Ваъй: араб режимларининг (Исроил)ни озиқ-овқат билан таъминлаши оқлааб бўлмайдиган қўллаб-қувватлаш ҳамда душман билан тил бириктириш, агрессияда иштирок этиш ва ғазодаги мазлумларга хиёнатдир. «Бу маълумотлар (Исроил) ичкарисидаги озиқ-овқат хавфсизлиги урушдан қай даражада зарар кўрганини ва араб режимлари кўмагисиз тўхтаб қолиши мумкинлигини очиб беради». □